

636.9

У.Ш.БАЛЛАСОВ, Ш.Қ.МАМАТИМИНОВ

# ҚУЁНЧИЛИК



ўқув қўлланма

К-70

K-70

636.92

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ЗООТЕХНИЯ ВА ИПАКЧИЛИК ФАКУЛТЕТИ

# Қуёнчилик

БОҚИШ, ПАРВАРИШЛАШ,  
КЎПАЙТИРИШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА  
ТАВСИЯЛАР

Республиканская научная  
сельскохозяйственная  
библиотека  
358794

Тошкент-2016

**Муаллифлар: У.Ш.Балласов, Ш.Қ.Маматминов**

**Такризчилар: И.Махсудов** - Тошкент Давлат Аграр Университети зоотехния ва ипакчилик факультети профессори, кишлоқ хўжалиги фанлари фаилари доктори.

**М.Аширов** Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий тадқиқот инситути профессори, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Ушбу ўқув қўлланма кишлоқ хўжалик олийгоҳлари талабалари ва коллеж ўқувчилари, республикамизда фаолият юритаётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳамда хаваскор куён боқарлар учун тавсия этилади.

Зоотехния факультети ўқув-услугий кенгашининг 2016 йил 26 январ 7-сонли мажлис баённомаси билан чоп этишга тавсия этилди.

Университет ўқув-услугий кенгашининг 2016 йил 29 феврал 2-сонли баённомаси билан тасдиқланди ва чоп этишга тавсия этилди.

## КИРИШ

Иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришда кишлоқ хўжалиги, хусусан чорвачиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бозорларда гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш бугунги кунда энг устивор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи улишининг 46 фоизи чорвачилик маҳсулотларга ҳисобига тўғри келмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш учун муस्ताқиллик йилларида барча имкониятлар яратиб берилди. Чорвачиликни хусусийлаштириш натижасида чорва ҳайвонларининг ҳақиқий эгаси топилди, фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорва бош сонлари кўпайиб, маҳсулот етиштириш кескин ошди ва шу асосда чорвачиликнинг тармоғи бўлган куёнчилик ҳам ривожланмоқда.

Аҳолини озик-овқат билан таъминлашда оксилга бой маҳсулотлар жумладан, гўшт ва сут маҳсулотлари катта аҳамиятга эга.

Шу жумладан, куёнчилик фермаларининг ташкил этилиб, ёрдамчи хўжаликлари ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, парҳезбop куён гўшти етиштиришни кўпайтириш, умумий овқатланиш муассасаларини ҳамда ишчи-хизматчиларни арзон гўшт билан таъминлаш, республикамизнинг барча туманларда янги куёнчилик фермалари барпо қилиш ҳисобига, аҳолини моддий-иқтисодий аҳволини янада яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистонда чорвачилик кишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини асосий озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда алоҳида ўринга эга.

Аммо куёнчилик чорвачиликнинг бир тармоғи сифатида республикамиздаги аҳоли катламида бўлиб, шахсий ёрдамчи деҳқон хўжаликлари ҳисобига тўғри келмоқда. Ҳозирги кунда долзарб вазифаларидан бири 31 млн. дан ортиқ республикамиз аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Чорвачиликда гўшт, тухум, баллиқ маҳсулотлари билан бир қаторда қуён гўшти етиштириш алоҳида аҳамиятга эга. Қуённинг танаси кичик бўлсада, берадиган маҳсулоти инсон учун жуда фойдали эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Қуён гўшти соғлиқ учун фойдали бўлиб, бошқа гўшлардан таъми ва парҳез хусусиятлари билан ажралиб туради. Янги музлатилган қуён гўшtidан барча мавсумларда фойдаланиш имконини беради.

Қуёнчилик ривожланган асосий давлатлар қаторига Франция, Италия, Америка шунингдек, Буюк Британия, Испания, Венгрия, Полша ва Болгария кирради.

2008-2010 йилларга келиб, жаҳонда қуён гўшти энг кўп Италия (300 минг т) бўлган, кейинчалик, Франция (150 минг т), Испания (130 минг т), Германия (22 минг т), Англия (20 минг т) ва Америка (10 минг т) қуён гўшти ишлаб чиқарилган. Жаҳонда ҳаммаси бўлиб, 1,0-1,7 млн. тн. қуён гўшти етиштирилаётган бўлса, шундан тахминан ярми Хитойда ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда Аргентина, Бразилия, Индонезия, Гана, Нигерия ва бошқа кўплаб давлатларда қуён гўшти ишлаб чиқариш соҳаси ривожланиб бормоқда.

Жаҳонда саноат усулида қуён боқиш кенг тadbик этилган бўлиб, махсус сеткаларда, ёпик биноларда оптимал микроклимат шароити таъминланган ҳолда гўллик рацион асосида белгиланган озука билан бокилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра қуён гўштининг биологик қиймати, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестерин моддасининг камлигини ҳисобга олиб, аҳолини барча қатламига шунингдек турли касалликларга чалинган (аллергия, гипертония, ошқозон-ичак, меъда, ўт пуфак, жигар касалликлари)га чалинганларга уни истеъмол қилишни тавсия этилади.

Шунингдек Қуён гўшти киши организмда ошқозон ширалари таъсирида тез ҳазм бўлади. У оғир, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар, учувчи, ғаввос, спортчи, зарарли ишлаб чиқаришда ишловчилар, ифлосланган ҳудудларда яшовчи аҳоли учун ҳам фойдалидир. Қуён гўшти, айниқса, тўлақонли оксил моддасига эҳтиёжи бўлган шахслар – мактабгача ёшдаги болалар, ўсмирлар, эмизикли аёллар, кексалар учун ҳам жуда фойдалидир. Инсон ҳаёти давомида истемол қиладиган озукалар таркибидаги тўйинган ёғларни камайтириш хусусиятига эга. Қуён ёғи жароҳатларни даволашда, кичима ва аллергияга қарши восита сифатида қўлланилади. Ундан пардоз ва даволовчи дори-дармонлар ҳам тайёрланади.

Оксил микдори кўй, мол, чўчка гўшtlарига қараганда юқоридир. Витамин ва минерал таркибига кўра қуён гўшти деярли барча гўшт турларидан устун туради. Қуён гўшти таркибидаги витаминлар ва темир, фосфор, кобальт, марганец, фтор, калий моддаларини бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди.

Ишлаб чиқариш йўналишига қараб қуёнчилик икки гуруҳга, яъни гўшт ва гўшт териға бўлинади. Гўшт йўналишида қуён болалари 60-70 кунликда, гўшт тери йўналишида эса 3-4 ойлигида сўйилади. Ҳар бир она қуёндан йил давомида 6-7 марта бола олиш мумкин. Бу эса 80-90 кг гўшт, 30-40 дона сифатли тери демакдир. Қуёнлардан гўшт ва теридан ташқари момик ҳам олинади. Қуён момиги ингичкалиги, пишиклиги, иссиқликни ўтказиш бўйича майин юнгли қўйларнинг юнғидан қолишмайди. 1кг. қуён момигидан жуда кўп микдорда бош қийимини тайёрлаш мумкин.

Қуён мўйнаси енгил чиройли ва арзон бўлганлиги учун ундан болалар кишки қийими, кулоқчин, ёқа, пойабзал тайёрланади. Бинобарин халқ хўжалигидаги унинг аҳамияти жуда катта.

Қуёндан жуда майин ва нозик тивит ҳам олинади, ундан шарф, рўмол, светир, берет, пайпоқ, қўлқоп, сумка, енгил оёқ қийимлари тайёрланади.

## КУЁНЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Куён ўзининг бир қанча биологик хусусиятларига кўра бошқа кишлоқ хўжалик хайвонларидан тубдан фарк қилади. Бинобарин уларнинг бу хусусиятларини тўғри тушиниб олиш ва уларга риоя қилиш кўплаб сифатли куён гўшти ишлаб чиқаришда муҳим омил ҳисобланади. Махсулдорлиги зоти ва ўзининг хусусиятидан келиб чиқиб тўғри озиклантириш, яхши гигиеник меъёрларга амал қилинса, она куён 6-12 айрим ҳолларда 16-19 тагача бола беради. Она куёнларда бўғозлик даври 28-30 кун, баъзан 32 кунга чўзилиши мумкин. Туғилган куён болалари 40-90 гр тирик вазнга эга бўлади. Сут бериш даври 2 ойдан ошқроқ бўлади. 20 кунгача серсут бўлади 30 кундан кейин сут бериш пасаяди.

4 ойлигида она вазнининг 85% га эга бўлади.


6 ойлигида она вазнининг 87% га эга бўлади.

8 ойлигида тўлик ўсишдан тўхтади.

Янги туғилган куён болалари 16 та сут тишига эга бўлади. 5-7 кундан кейин усти момик (юнг) билан қопланади, 10-14 кун ичида эса кўзи очилади. 17-21 кундан кейин эса туғилган жойидан ташқарига чиқиб, турли озукаларни ея бошлайди,

Тажрилардан шу нарса аниқланганки, уларнинг 1 гр. семириши учун 2 гр. она сути сарфланади.

Куёнларнинг сут тишлари 18 кундан кейин тушиб, 20-28 кундан кейин доимий озик тишлар билан алмашинади. Устки жағда 16 та, остки жағда 12 та, жами 28 та тишга эга бўлади.




1-расм. Янги Зеландия қизил зот куёнлар.  
Куёнларнинг ўрта вазнагилари 3 ойлигида, йирик вазнагилари 4 ойлигида жинсий етилади.

## Физиологик хусусиятлари.

Қон миқдори 132-167 мл тана вазнининг 4,5 дан 6,7% гача ташкил этади. Эритроцитлар миқдори янги туғилганларда 1мл. қон таркибида 4,5млн. катта куёнларда 5 млн., эркак куёнларда она куёнларга нисбатан 7-8% юқори бўлади. Лейкоцитлар 1 мл. қон таркибида 8-10 млн. гача бўлади. Тромбоцитлар 300-800 мингта бўлади. 100 мл қон таркибида 8,4-12,4 г. гемоглобин бўлади. Куёнлар қон группасида 3 та антиген S, N ва O бўлади. Венгриялик олимларининг аниқлашича O антиген фақат Америка куён зотларига мансуб экан. Шунини инобатга олиш керакки қон гуруҳлари ахамиятга эга эмас. 1 минутлик томир уриши сони 126-160 та бўлади, уларни сони санашда сон ва елка артерияси ва учунчи пастки жағ худудидан аниқланади.

## 2-расм. Рекс зотли куён.



Нафас олиши 1 кг. тирик вазнга нисбатан  $478\ 690\text{ см}^3$  кислород қабул қилиб  $451\ 638\text{ см}^3\text{ CO}_2$  ажратади. Нафас олиш органи тана вазнининг 1,28% ини ташкил қилиб ўпкага қараганда тери орқали 100 мартадан 300-500 мартагача кислород қабул қилиб 60-300 мартагача  $\text{CO}_2$  чиқаради. Куёнлар фақат кўронғуликда ва оч қолганда нафас олиш сустлашади.


Иссиқлик баланси: куёнларда тана ҳарорати доимий бўлмай ташки муҳит ҳароратига боғлиқ бўлади.

5° С ташқи ҳароратда куённинг тана ҳарорати 37,5° С бўлади.  
10° С ташқи ҳароратда куённинг тана ҳарорати 38° С  
20° С ташқи ҳароратда куённинг тана ҳарорати 38,7° С  
30-35° С ташқи ҳароратда куённинг тана ҳарорати 40,5° С  
40° С ташқи ҳароратда эса куённинг тана ҳарорати 41,6° С

Бундан ташқари куённинг жун қопламидан келиб чиқиб тана ҳарорати турлича бўлади, масалан шиншила зотларида тана ҳарорати 38,5-39,5° ташкил қилса, уларнинг елка қисмидаги ҳарорати 34,7° С, ёнбошида 34° С, сон қисмида 33,5° С, ангор куён зотлари эса 35,4° С; 35,8° С; 36° С бўлади.

### Куёнлар ошқозонида озуқа ҳазм бўлишининг алоҳида хусусиятлари.

Куёнлар ошқозони бир бўлимли хайвонлар ичида ҳажмдор озукларни яхшироқ ҳазм қиладилар. Куёнларни ошқозони ҳеч вақт бўш бўлмайди, камида ошқозонининг ярми озуқа билан тўла бўлади. Куёнлар (1 кунда 70-80 марта озукланадилар) тез-тез ҳар сафар 1,5-2 минут давомида озукланадилар. Майдалаб чайналган озик массаси сўлак билан (сўлак таркибида амилаза ферменти бор) аралашиб ошқозонга келиб тушади.



Куёнлар кўр ичагида озуканинг тахминан 1/3 қисми, ичак шиллик пардасининг шилимшиқ моддасига ўралган ҳолда, кўр ичак ва йўғон ичакларда деярли ҳазм бўлмаган ҳолда (кўпинча кечалари) ташқарига тезак сингари ажратилади. Бу шилимшиқ моддага ўралган суюқ озик модда таркибида кўплаб микрофлоралар мавжуд бўлиб, уни куённинг ўзи ажратган заҳоти истеъмол қилади. Бу ҳодисани капрофагия дейилади ва унинг туб моҳияти фанда хали охиригача ўрганилгани йўқ.



4-расм. Ковурилган куён гўшти.

Куёнлар бундан 2000 йиллар илгари хонакилаштириш асосида яратилган бўлиб, ёввойи куёнларнинг асл ватани Ўрта ер, Қора денгиз атрофида бўлиб бу ерлар мулоғим иқлимли ҳудудлар ҳисобланади. Куёнлар дастлаб Испания, Франция ҳудудларида яшаган. Хонакилаштирилгандан кейин бутун Европа, Осиё, Австралия ва Америка китъаларига тарқалган. Осиё ва Европанинг кўпгина ҳудудларида куёнларнинг ёввойи аجدодларини ҳозирги пайтда ҳам учратиш мумкин.

"Испания" сўзи "Куёнлар кирғоғи" маъносини аниқлатади. Ёввойи куён билан уй куёнининг фарқи бор. Ёввойи куёнлар маҳаллий ҳудудларимиз шаронтида йилига 2-3 марта 3-5 бошдан кўзи очик, тук билан қопланган, бемалол юрадиган бола беради.




5-расм. Ёввойи куён.

Европа маҳаллий ўрмонларида ёввойи яшовчи алоҳида куёнлар (заяц) бўғозлиги 52 кун бўлиб, улар хонаки куёнлардан бошқа турлиги билан фарқ қилади. Ёввойи куёнлар билан хонаки куёнларни жуфтлаб авлод олиб бўлмайди. Куёнлар тез етилувчанлиги, бола бериши, болалаш даврийлигининг йўқлиги, болаларнинг тез вояга етиши билан фарқ қилади.

Куён болаларини 45-60 кунлик даврида онасидан ажратиш мақсадга мувофиқдир. Она куёнлар бир кеча-кундузда 100-180 г, баъзан 200-270г. миқдорда сут ажратадилар. Ҳаво ҳарорати 15-25°C бўлганда куёнлар ўз танасидан ортикча иссиқлик ажратмаслиги, ҳарорат пасайганда истеъмол

қилинган озука энергиясини бир қисмини танадан иссиқлик чиқаришга сарфлаши аниқланган. Нафас олиши ҳавонинг салқин кунларида минутига 50-60 мартани ташкил этса, ҳарорат 35°C дан ошиши билан нафас олиш тезлиги минутига 280-282 мартага ошади. Қуёнлар вазнининг барча биологик хусусиятларига кўра ташқи муҳитнинг қўплаб таъсирлари (шовқин, иссиқлик, совуқлик, шамол, озукага, бўлган талаби) юқори бўлади.



6-расм. Қуён болалари.


Шунингдек, қуён маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида қуён боқишга кизиқиши бўлган хонадонларга қасаначилик асосида қуён боқиш усқуналари ва зарур ҳолларда озуқасини етказиб бериш ва етиштирилган маҳсулотларни қайта сотиб олиш борасида ишар ташкил этилмоқда.

Қуёнчилик ҳўжалиқларини қуришда;

- Автомобил ва темир йўлларида камиди 100-500 метр узокликда;
- Сабзавот ва меваларни саклаш омборлари ҳамда уларни қайта ишлаш корхоналари жойлашган манзиллардан 100-200 метр узокликда;
- Ер соти сувлари, батқок, дарё, қўл ва бошка сув хавзаларидан холи қуруқ ва текис бўлган ер майдонларида

Шунингдек, сув ва электр энергия билан узлуксиз таъминлаш имконияти мавжуд манзилларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Қуён турли об-ҳаво шароитига тез мосланувчан озикларни яхши истеъмол қилувчи ҳайвонлардан ҳисобланади. Ҳозир республикамизнинг деярли кўпгина вилоят ва туманларида қуёнчиликни ривожлантириш учун барча шарт шароитлар мавжуд.




7-расм. Янги Зелландия қизил зот қуён эркаги.

Қуёнларни ем ҳашак билан тўла таъминалш учун турли озуқалар (беда, маккажўхори, лавлаги, сабзи ва кўк ўт) етарли даражада бўлиши лозим. Хонадонларда кўпроқ қуёнларнинг тўрт хили – шиншилла, хаворанг великан, қора ва оқ великан деб номланувчи зотлари кўпайтирилмоқда. Ёз кунлари бўғоз қуёнларга кунига 95 граммдан дон. 45 грамм кунжара ёки ёрма дон, 385 грамм турли кўкат озуклари, шунингдек минерал моддалардан 2 грамм бўр ва шунча ош тузи берилади. Туғиши яқинлашиб қолган қуён рациониди беда миқдори озайтирилгани ҳолида дон миқдори кўпайтирилади. Бўғоз қуёнларнинг туғишига яқин сувга бўлган талаби кучаяди, бинобарин улар тоза сув билан таъминланиб турилади.

Бўғоз ва янги туккан қуёнлар сутқасига уч беш марта озиклантирилади. Айниқса кўп туккан қуёнлар рационига қўшимча тарзда 0,5 кг сўлитилган беда, 120 грамм кунжара ва шунча дон қўшиб берилади.

Қуёнлар асосан тунда туғади, бу вақтда қуён болаларининг танаси туксиз кўзлари юмук ва нимжон бўлади. Уларнинг кўзи туғилганидан кейин орадан ўн кун ўтгач очилади. Шунга қадар уларнинг асосий озиғи она сути ҳисобланади. Улар 18-20 кунгача она сутидан озикланади. 20 кунлик қуён болалари маълум даражада турли хилдаги озуқалар билан оздан озикланади. Улар бир ойлик бўлганида ўз оналаридан ажратиб олиниб алоҳида боқилади.



8-расм. Оқ великан зотли куён.


Бўрдокига (гўштга) бокиш яқунловчи давр ҳисобланади. Бунда уларнинг вазни 2,8 кгга етгунича ўрта ҳисобда 4 ой боқилади. Улар суткасига тўрт марта озиклантирилади. Куёнлар сўйилишига 12 соат колганида уларга озука бериш тўхтатилади.

#### Куёнларнинг экстерери ва конституцияси

Турли кишлок хўжалиги ҳайвонлари каби куёнларни ҳам ташки кўриниши, соғломлиги, турли иқлим ва озиклантириш шароитига мосланувчанлиги қобилиятига қараб урчатиш учун наслга қолдирилади.

**Экстерер** – Ҳайвон танасининг ташки тузилишидир. Куёнларни баҳолашда, унинг умумий ташки кўринишига, сўнгра танасининг айрим қисмларига эътибор берилади. Ушбу тадбир куёнларни умумий баҳолашга имкон яратади.

Куёнларнинг экстерери деганда улар тана қисмларининг бир-бирига нисбатан асосий белгилари ва тананинг шакл-формаси тушунилади. Куёнларнинг экстерери ўз ўрнида уларнинг физиологик ҳолати билан боғлиқ ҳолда бўлади.




9-расм. Куён кўкрак айланасини ўлчаш.

Экстерер хусусиятларини аниқлашда асосан кўз билан чамалаб кўриш ва куёнларни ўлчаш усулларидан фойдаланилади. Кўз билан чамалаганда куён танасининг зот кўрсаткичига қанчалик мансуб эканлиги; муайян маҳсулот (гўшт ёки тивит) йўналишига кўра асосий белгиларининг юқори даражада ифодаланганлиги, гавдасининг қамчиликсиз тузилишига эга эканлиги баҳоланади.

Куён танасини баҳолашда уни гавдасининг айрим қисмлари ҳисобга олинади. Куёнларнинг бу хусусияти уларнинг маҳсулот йўналиши, айрим орган ва тўқималарнинг ривожланганлиги, шунингдек, бутун организмнинг шакл-формаси ва тузилиши билан боғлиқ бўлади. Бу усулда қўлланиладиган комплекс баҳолаш ҳар бир индивид тўғрисида тўла ва аниқ ҳулоса чиқариш имконини беради.

Куёнларни баҳолашда дастлаб уларнинг бошига эътибор берилади. Чунки ҳар бир зот ўзига хос бўлган бош шакл-формасига эга. Эркак вакилларининг боши урғочиларникига кўра катта ва кўполрок бўлади. Муҳим тана кўрсаткичларидан яна бири – кўкрак доирасининг кенглиги ҳисобланади. Агар кўкрак тор ва айланаси кичик бўлса, у куён конституциясининг бўшлигидан ва нозиклигидан далолат беради.




10-расм. Куён конституциясини баҳолаш.

Куёнларнинг елка қисми текис ва кенг бўлишига ижобий баҳо берилади. Мускуллари пишик ва яхши ифодаланганлиги ҳам мақсадга мувофиқ. Гўшт учун боқиладиган куёнларнинг танаси узун ва тор

бўлиши, курак суяklarининг калта ҳамда узун бўйинга эга бўлиши ўринсиз ҳисобланади. Бинобарин, гўштдор зотли куёнларнинг танаси сергўшт, бўйни калта ва гавдаси ихчам кўринишга эга бўлиши керак.

Экстерери жиҳатидан юкори баҳоланадиган вакилларнинг гавда тузилиши пишиқ, склети яхши ривожланган, боши зот кўрсаткичига хос, кулоклари нормал кўкраги кенг ва елкаси текис бўлиши талаб этилади. Айрим ҳолларда куён танасида, гавда тузилишида айрим камчиликлар бўлиши мумкин. Масалан, тана шакл формасининг нормал ҳолда бўлмаслиги, бош формасининг ўша зот талабига мансуб эмаслиги, кулокларининг осилиб ётиши, скелетининг нозиклиги, кўкрагининг торлиги, елкасининг букурсимон бўртиб чиқиши ёки корин қисмига қараб букчайиб кетиши, оёқларининг кингир-кийшиклиги шулар жумласидандир. Баъзан рахит (суяк системасининг касалланиши) ҳолати ҳам ифодаланган бўлади. Уларнинг рациониди кальций ва фосфор элементларининг жуда оз даражада бўлиши ҳамда куёнларни нам ва коронгу ҳоналарда сакланиши асосий сабаблардан бири ҳисобланади.



11-расм. Куён экстерерини баҳолаш.

Куёнларни экстерерига кўра баҳолашда улар мўйнасининг сифати, жунининг бир текис ривожланганлигига алоҳида эътибор бериш асосий тадбирлардан ҳисобланади. Шунини унутмаслик керакки, соғлом ва сифатли куён болаларини олишда ота-онасининг барча ижобий белгилари ва тана тузилиши энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Экстерерни баҳолаш, куённинг бош қисмидан бошланиб, сўнгра, кўкрак айланаси, белнинг кенглиги, гавдасининг узунлиги каби қисмларини баҳолаш билан тугалланади. Ҳар бир куён зоти бош қисмининг шакли ўзига хос хусусиятга эга. Эркак куёнларнинг бош қисми она куёнларникига нисбатан вазндор ва кўполроқ бўлади. Турли зотга мансуб куёнларнинг кулоклари ҳам турлича бўлади, аммо кулоклари тик ва асоси мустаҳкам бўлиши шарт.

Чукур ва кенг кўкрак унинг соғлом ҳамда конституциясининг мустаҳкам-лигидан дарак беради.

Тор кўкраклик конституциянинг кучсизлигидан далолатдир.

Орка ва бел қисмларининг текис, тўғри ва кенг бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мускуллари гавдаси бўйлаб зич ва қаттиқ бўлиши лозим.

Гавдаси тор, узун кураклари ҳам тор бўлган ва бўйни узун бўлган куёнлар, гўшти учун ўстиришда кам қўлланилади. Гўшт йўналишидаги куёнларнинг бўйни қиска ва мускулли бўлади.

Жун қопламасининг зичлиги ва тенглиги кўз билан чамалаб ёки ушлаб кўриш билан баҳоланади.

Куёнлар: мустаҳкам тана тузилишига, яхши ривожланган суякларга, зотига хос гавда ва бошга (урғочиларда чўзинчоқроқ ва айланасимонроқ, эркаклариди вазндор), кулоклари тўғри бўлиб, яхши ривожланган, кенг ва чукур кўкракли, тўғри ва кенг орка қисмларига эга бўлиши керак.

Экстерериди нуқсон ва камчиликлар учраши мумкин.

**Нуқсон** деб организмда орган ва тўқималарнинг ўзгаришига айтади (наслга берилади).

**Камчилик**– ҳайвоннинг бирор тана қисмининг меъёрдан ортик ёки кам ривожланишидир (тузатиб бўлади, наслга берилмайди).

Танадаги учрайдиган нуқсонларга; тана шаклининг нотўғри бўлиши, бош қисмининг зотига хос бўлмаслиги, кулокларнинг шалпайиб туриши, кориннинг осилиб туриши, суякларининг яхши ривожланмаганлиги, кўкракнинг тор ва саёз бўлиши, орка қисмининг букри ёки эгри, қия бўлиши қабилар мисол бўла олади. Бундан ташқари экстерерни баҳолашда жинсий деморфизм (жинсининг шаклланиши)га алоҳида эътибор бериш лозим. Бу кўрсаткич поданинг ҳаётчанлигини ва серпуштлик даражасини белгилайди.

Эркак куёнлар- жинсига хос кўринишда ва ташқи кўринишидан урғочи куёнлардан аниқ ажралиб туриши лозим. Уларнинг бош қисми вазндор, оёқлари мустаҳкам ва қатта, жун қопламаси дағал, кўкрагининг чуқурлиги билан ажралиб туриши керак. Она куёнлар соғлом, мустаҳкам, яхши ривожланган, тўғри тана тузилишига эга бўлиши, жун қопламаси калин ва ялтироқ бўлиши керак. Наслга қолдириладиган она куёнларнинг

орка қисми тўғри, кўкраги чуқур ва айлана, қорни осилмаган бўлиши, оркаси кенг, оёқлари мустаҳкам ва яхши ривожланган тўрт жуфтдан кам бўлмаган сўргичларга эга бўлиши керак.

#### **Конституция**

**Конституция** бу- ташки муҳит таъсирида организм анатомик, физиологик хусусиятларини махсулдорликка боғлиқ ўзгартириш қобилияти жамланган белгидир.

Қуёнларнинг конституцияси деганда уларнинг барча биологик ва хўжалик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ва ташки муҳит таъсирига ўз организмни маълум даражада мослаштира оладиган белгиларининг йиғиндисидир тушунилади.



12-расм. Рекс зот қуён.

Қуёнлар конституцияларини билиш ва улардан тўғри ва унумли фойдаланиш унинг махсулдорлигини оширишда ҳамда махсулот сифатини яхшилашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Қуёнларнинг бўрдоқиланиши, тез етилувчанлик, гўштдорлик, жун қопламанинг сифати, касалликларга чидамлик каби хўжалик-фойдали белгилари конституция типлари билан узвий боғлиқдир.

Қуёнларнинг конституциясини унинг ташки кўриниши, яъни экстерери белгилаб беради.

Тана тузилишида нуқсон бор қуёнлар пучак (брак) қилинади. Чунки, бундай қуёнлар жадал кечадиган модда алмашинувига ярамайди, натижада нимжон насл беради.

Чорвачиликда хайвонларни конституциясига қараб иккита асосий типга ажратилади:

#### **Кичик ва йирик типлар**

**Кичик типларнинг белгилари:** ингичка скелетли, бош қисми кичкина, бўйин қисми узун, модда алмашинуви юқори.

**Йирик типда:** - гавдаси вазндор, ёғ қатлами кучли ривожланган, кўкраги ҳажмдор, бўйин қисми ва муқуллари яхши ривожланган. Уларда моддалар алмашинуви суст кечади.

Йирик типли қуёнларга – совет шиншилласи, қумушсимон ва бошқа зотлар мисол бўлади.

Кичик типларга: - кулранг великан, ок тивитли ва ҳ.к.

Қуёнчилиқда асосан тўрт хил типдаги конституция бўлиши аниқланиб, улардан ферма ва хўжалиқларда фойдаланилади. Ҳар бир асосий конституция типли қуёнлар ичида дағал, мустаҳкам, бўш ва нозик конституциялилари учрайди.

**Пишиқ ёки мустаҳкам конституция тип**-териси чўзилувчан, эластик, мускулатураси яхши ифодаланган, гавдаси узунрок, кулоқлари тик, кўкраги кенг, елка қисми тўғри, тери остидаги ёғ қавати суст ривожланган бўлади. Турли қуёнларда учрайдиган бундай конституцияга эга бўлган қуёнлар насл ядросини ташкил этади.

**Дағал ёки қўпол тип конституцияда** -қуёнларнинг боши қатта ва қўпол, териси қалин, мўйнаси дағалрок, танаси йирик ва суяқлари қўпол ҳамда йўғон бўлади. Бундай қуёнлар пучак (брак) қилинади. Чунки, гўшт махсулдорлиги паст бўлиши билан ажралиб туради.

**Бўш ёки хом тип конституцияда** - суяк тизими енгил, мўйнаси сийрак, тери ва мўйна қатлами бўш бўлади. Барча вакилларининг тери остидаги бириктирувчи тўқимаси кучли ривожланган бўлади. Бундай типдаги қуёнлар кўпроқ бўрдоқига боқилади.

**Нозик тип конституцияда** - суяк тизими нозик ва ингичка, мўйнаси анча сийраклашган бўлади. Териси чўзилувчан, ёғ тўқимаси яхши ифодаланган, мускулатураси хом ёки бўш бўлади. Бу типдаги қуёнлар озукани махсулот билан яхши қоплаш хусусиятига эга бўлиб, бўрдоқичилиқда фойдаланилади.

Шундай қилиб, қуёнларда учрайдиган конституция типларидан талаб этиладиган махсулот йўналишида фойдаланиш кўп жиҳатдан ижобий натижалар бериши мумкин.

Қуёнларни тана ўлчамларини олиб ҳам баҳолаш мумкин бунда ўлчамлар олиш учун, Чорвадор циркули ва ўлчов лентасидан фойдаланилади.


#### **Қуён зотлари**

Махсулот етиштирилишига кўра қуёнлар серпушт, гўшт ва мўйна етиштириладиган зотларга бўлинади.

Республиканская уездная  
сельскохозяйственная  
библиотека  
358794


Ўсиклигига кўра ўртача узун ва калта тивитли грухларга ажраллади. Ҳозирги вақтда 60 дан ортиқ куён зотлари бокилади.

**Хонаки куёнлар** – табиатда узок эволюцион тарихий жараёнларда ёввойи куёнларни хонакилаштириш натижасида келиб чиққан. Ёввойи куёнлар ер қуррасининг ўрта ер денгизи қирғоқларида пайдо бўлган. Инсон қарийиб 2000 йиллар илгари уларни қўлга ўргатиб хонакилаштирган уларни махсулдорлиғни, хўжалик ва фойдали хусусиятларини яхшилаш борасида ташки ва ички омиллар таъсирини сингдириб келган. Хонаки куёнлар зоологик классификация бўйича кемирувчилар туркумига, товушқонлар оиласига, куёнлар турига мансуб. Ёввойи куёнлар жанубий мамлакатларда урчитилган. Ўрта асрларга келиб, аста-секин бутун Европа мамлакатларида, ҳозирги даврда эса куёнлар ер қуррасининг деярли барча ҳудудларидаги мамлакатларда урчитилмоқда. Кўпгина ҳудудларда ёввойи куёнлар учрайди. Ёввойи куёнлар тунда ёйилиб ёки жуфт бўлиб ўтлашади.



13-расм. Ёввойи куён.

Хонаки куёнлар ёввойи аждодларидан кўпгина белгилари билан фарк қилади. Улар тирик вазни, гўштдорлиги, тез етилувчанлиги, жун копламининг сифати каби хўжалик - фойдали белгилари билан устунлик қилади.



14-расм. Калифорния зот куёни.

Зотлар кишлок хўжалик хайвонларининг кишилар меҳнати туфайли, бир хил шароитда таркиб топган алоҳида гуруҳларидир. Зотлар кишилар жамиятининг маълум даврида хайвонларнинг муайян талабларига самарали ҳолда жавоб бера олиши асосида яратилади ва шу талабларни қондириш хусусиятларига эга бўлади. Зотларнинг энг характерли хусусиятлари:

Қишлоқ хўжалик хайвонлари ичида шу гуруҳнинг сон жиҳатидан кўплиги келиб чиқиши жиҳатидан умумийлиги, анатомик, морфологик, физиологик хўжалик фойдали белгиларидаги ўхшашликлар, хайвонларнинг маълум яшаш шароитига мослашиши кабилардир.

Зотдор куёнларни яхши шароитда урчитиш лозим. Янги шароитга кўчирилган куёнлар иқлим ва табиий-иктисодий шароитлар таъсирида ўзгаради. Аммо яхши боқилса, яхши сақланса, зотли сифатини сақлаб қолиши мумкин.

Куёнчиликда зот деб, келиб чиқиши бўйича умумийликка эга бўлиб, хўжалик фойдали белгиларга хос, тана тузилиши ва физиологик хусусиятлари махсулдорлиги жиҳатидан ўхшаш, ҳамда бу хусусиятларини авлоддан – авлодга ўтказа оладиган кўп сонли гуруҳи тушунилади.


Зотни доимий яхшиланишида мукамал танлаш ва срлаш, ҳамда машҳур қаторлар ва оилалардан тўғри фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Куён зотлари махсулдорлик белгиларига кўра: гўштдор, гўшт-тери, тивит йўналишларига бўлинади. Шунингдек жун копламининг узунлигига кўра:

- ❖ *ўрта жундор;*
- ❖ *узун жундор;*
- ❖ *ҳамда қўшимча равишда тивитли;*

❖ *декоратив йўналишларга бўлинади.*

Ўзбекистон Марказий Осиё худудида ҳар томонлама эътиборга таалуқли бўлишидан ташқари, табиий иклими тез ўзгарувчан, яъни ёзи иссик, қиши кескин совуқ кетувчи ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам урчитиладиган қуён зотлари синновдан ўтказилиши лозим. Бизнинг шароитимизга мослашиб урчитилаётган бир нечта қуён зотларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.



Қуёнлардан олинадиган маҳсулотларга қараб, улар иккита катта гуруҳга ажратилади.

15-расм. Қуён зотлари

Биринчи гуруҳ гўшт ва тери берадиган қуён зотлари. Бу гуруҳга жуда кўп қуёнлар қиради.


Улар қуйидагилар: *оқ великан, қулранг великан, россия мардери, иинишлла, капалаксимон, олмахонсимон, қумушсимон, қора қўнғир, вена зангориси, рус горностаи, новозеландия оқи, калифорния қуёни, шаншань, гигант*

*иинишлла, фландра, дания қуёни, Бельгия ёввойиси, оқ мускат, бургундия қизили, Франция папилиони, Польша оқи, реке, франция қўйсимони, оқланд ва бошқалар.*

Иккинчи гуруҳга тивит берадиган қуёнлар кириб, бу гуруҳнинг вакиллари кам тарқалган, зотлари ҳам кўп эмас. Бу гуруҳга *оқ момик берадиган қуён, ангор зоти, киров зоти* ва бошқа вакиллари қиради.


Ёш хаваскор қуёнбоқар, албатта зотлар билан танишишдан олдин қуённинг тана тузилишини ҳам билиб олиши керак бўлади. Чунки қуён зотларини баҳолашда экстерер белгилари муҳим кўрсаткичдир. Қуйида мамлакатимизда кенг такалган зотларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

**Оқ великан.** Бу зотдаги қуёнларнинг жуссаси катта бўлади. Оқ великан зоти Бельгия ва Германияда узок вақт танлаш ва саралаш йўли билан чиқарилган.



15-расм. Оқ великан

Чунончи уларнинг ҳаётчанлиги паст, кўкраги тор, оналик инстинкти бўш, кам бола берадиган бўлган. Наслчилик ишларининг яхшиланиши натижасида бу зот анча такомиллаштирилди. Оқ великан шу хусусиятлари билан характерлики, тана тузилиши пишиқ, бўйи 60 см, кўкрак айланаси 37 см, танасининг массаси ўртача 5 кг, рекордчилари 8 кг гача боради.




16-расм. Оқ великан.

Танасининг ранги оқ момиги қуюқ бўлиб, 100 мм<sup>2</sup>да ўртача 20750 та тукчалари бор. Оқ великан катта тери беради. Уни исталган рангга бўяш

мумкин. Бу зотдаги куёнларнинг кўзлари рангсиз, шу туфайли кўз соккаси ичидаги кон томирлар ҳисобига кизил бўлиб кўринади.

Бола бериши ўртача 7-8 тага тўғри келади. Ок великан куёнларидан зотлараро чатиштириш ишларида ҳам фойдаланилади.

**Кулранг великан.** Бу куён зоти ҳам гўшт ва тери берадиган зотлар гуруҳига мансубдир. Кулранг великан 1952 йили Полтава вилоятининг «Петровский» жамоа хўжалигида зоотехник А.И. Каневский томонидан маҳаллий зот куёнларни четдан олиб келинган. Фландра зоти билан чатиштириб ва танлаш йўли билан вужудга келтирилган. Бу зотнинг ўзига хослиги иссиқ иклимга жуда яхши мослашганлигидир. Кулранг великан танасининг бўйи 60-70 см, елкаси кенг ва тўғри, чанок қисми кенг, кўкрак айланаси 38 см, танасининг массаси 4-6кг. Суяк тузилишининг кўполлиги билан ок великандан фак килади.



17 расм. Кулранг великан.

Терисининг сатхи 2500-3000 см<sup>2</sup> ни ташкил этади. Юнгининг калинлиги камрок 100 мм<sup>2</sup> да 16026 та юнгдан иборат. Бола бериши ўртача 78 та. Кулранг великан асосан Россиянинг жанубий районларида кўпроқ тарқалган. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ҳам кулранг великан куёнлари боқилмоқда.

**Шиншилла.** Шиншилла зотининг келиб чиқиши тўғрисида тўлиқ маълумот йўқ. Юнги рангининг Жанубий Америкада яшовчи кемирувчи ҳайвонга ўхшаши туфайли шу номда аталадиган бўлди. Шиншилла 1927 - йилда Германиядан Россияга сўнгра Ўзбекистонга олиб келиниб, йирик ва майдаларга ажратилди. Кейинчалик майда шиншилла кенг тарқалди. Танаси баланд, суяқдор, калласининг катталиги ўртача, қулоғи тўғри, танасининг массаси ўртача 5 кг, кўкрак айланаси 38 см, бир марта


болалаганда 8-9 тагача бола беради. Оналик инстинкти яхши ривожланган.

Мамлакатимизда шиншилла зотидаги куёнлардан лабораторияларда илмий-тадқиқот объекти сифатида ҳам фойдаланилади.

#### **Иттифоқ шиншилласи.**

Бу зот гўшт ва тери берадиган куёнлар гуруҳига мансуб бўлиб, мўйначилик ва куёнчилик илмий-тадқиқот институти томонидан етиштирилган бўлиб, 1963 йилда алоҳида зот сифатида тасдиқланган.

Шиншилла тез етилиши билан қолган куён зотларидан фак килади, терисининг сатхи катта бўлиб, юнги калин, 100 мм<sup>2</sup> да 23298 та юнгдан иборат. Лекин юнгининг калинлиги кулранг ва ок великан зотларига караганда камрок.



18-расм. Иттифоқ шиншилласи.

Шиншилла турли иклим ҳудудларига мослашган, ҳаётчанлиги юқори. Танасининг ўртача оғирлиги 5 кг, тана узунлиги 62-70 см, кўкрак айланаси 38 см. Бу зот тез етилиши ва турли иклим ҳудудларига мосланувчанлиги сабабли Ўзбекистонда ҳам бу зот вакиллари кўплаб учратиш мумкин.

**Оқ момикли зот.** Бу зот Курск вилояти, Татаристон ва Воронеж вилоятларида асосан селекционер олима М.В. Вшивцева раҳбарлигида Киров вилоятининг Давлат наслчилик хўжалигида яратилиб, 1957 йили зот сифатида тасдиқланган.



19-расм. Оқ момикли зот.

Оқ момикли зотни яратишда маҳаллий кам маҳсулчи юнг берувчи куёнлар, ангор зотли куёнлар билан чатиштирилиб, танлаш ва саралаш йўли билан вужудга келтирилган. Бу зот қуйидаги ўзига хос белгиларга эга: бўйи қалта ва йўғон, елкаси тўғри ва кенг, ранги ок, танасидаги

жуннинг 92-96% и момик (пух)дан иборат. Момикнинг узунлиги 6-7 см, ингичкалиги 12,4-13,5 микрон.

Момик ингичкалиги ва пишиклиги билан майин юнгли Меринос кўйларининг юнгидан қолишмайди. Ҳар бир бош куёндан 1 йилда 420-500 г момик олинади.

Агар катта ёшли оқ момик берадиган куёндан 1 йилда 300 г дан кам момик олинса, бу куён учинчи классга мансуб деб ҳисобланади ва бундай куёнлар хўжаликда сақланмайди.

Зотнинг куйидаги ўзига хос белгилари бор: танасининг оғирлиги 4 кг, узунлиги 54 см, кўкрак айланаси 34 см, бир болалаганда ўртача 7 тагача бола беради.

Оқ юнг берадиган зот ҳар-хил шароитга яхши мослашганидан барча районларда учратиш мумкин.

**Ангор зот.** Бу зотнинг ватани Туркиядир. XVIII асрнинг бошларида Туркиядан бошқа мамлакатларга тарқалган. Номини эса зотни яратган жой номи билан аталган.



20-расм. Ангор зотли куён.

Ангор зот куён момигини етишти-ришда ҳозирги вақтда Францияга етадиган мамлакат йўқ. Францияда асраладиган ангор куёнларининг танаси узун, жуссаси катта. Бу зот куёнлар Англияга Франциядан келтирилган.

Ангор куёнлари кейинчалик яхшиланиб, момини майин ва чиройли холга келтирилган. Улар танасининг оғирлиги 2,63 кг. Бир йилда 560-700 г момик беради.

**Узун тивитли куён.** Бу зот 1925 йили Ангор куёни билан сарик момикли ўртача узунликдаги куёнларни чатиштириш натижасида Англияда яратилган.

жасида Англияда яратилган ва унга «*Чиффекс*» деб ном Унинг Териси тивитининг рангига кўра сарик Америка Кўшма Штатларида узун тивитли куёни кумушсимон зот билан чатиштириш натижасида хаворанг тўлқинни эслатадиган зот олинган.

#### **Вена зангориси.**

Бу зот куёнлар 1895 йили Австрияда Фландра зоти билан зангори рангли Морава уй куёнларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Россияга 1929 йилда олиб келинган. Ундан сўнг Ўрта Осиё худудларига тарқалган. Унинг муҳим хусусиятлари куйидагилардан иборат: елкаси тўғри, суякдор, танаси мускулли. Танасининг узунлиги - 57 см, кўкрак айланаси 36 см.



21-расм. Вена зангориси зотли куён

**Фландр зоти.** Бу зоти Францияда яратилган бўлиб, 1928 йили Россияга келтирилиб Ўрта Осиё худудларига тарқатилган. Кулранг, тўқ кулранг ва қора. Танаси узун склети мустаҳкам вазни 5 кг серпуштлиги ўртача.



22 расм Фландр зоти.

**Белка зоти.** Бу зот 1916 йили Германияда яратилган бўлиб бир туғишда олтига болалайди. Вазни 3,5-4 кг мўйнаси унча сифатли эмас. Кулранг ва хаворанглари учрайди. Қорин қисми очроқ рангли жун билан копланган.



23-расм. Белка зоти.


**Кумушсимон зот.** Териси кумушдек товланиб туради. Танаси унча узун эмас, лекин, тез семиради. Гўшт берадиган зотларга ўхшаб кетади. Танасининг массаси ўртача 4,5 кг, кўкрак айланси 36 см, тана узунлиги 57 см. Кумушсимон зот қуёнларнинг болалари туғилганда қора рангли бўлади. 12-14 кундан кейин кумушсимон ранг ҳосил бўла бошлайди. 4 ойлигида аниқ кумушсимон ранг ҳосил бўлади, бу зотдаги қуёнлар ўртача 8 тадан бола беради. Бу зотнинг вакиллари асосан йирик бўлади. У 1952 йили Украинага қарашли Петров номили мўйначилик совхозида зоотехник А.И.Каплевский томонидан яратилган. Ранги кумуш ранг

баъзан ҳаво ранг. Ўсик жунлари қора дағал туклари ичида оқ ранглилари ҳам учрайди.



24-расм. Кумушсимон зот қуён.

Тивити хаворанг, унинг остки қисми очроқ бўлади. Болалари туғилганда хаворангда бўлади. Улар 7-8 ойлик бўлганида йирик вакилларининг рангига қиради. Вазни ўртача 4,7 кг. Танаси 60 см, кўкрак айланаси 37 см. Ўзининг тез етилувчанлиги билан бошқа затлардан ажралиб туради ва Беларусияда кўпайтирилади.




25-расм. Қора қўнғир зот қуён.

**Қора қўнғир зот.** Бу зот 1942-1948 йилларда Татаристоннинг “Бирлюнский” давлат хўжалигида Ф.В. Никитин раҳбарлигида фландра, оқ великан, вена зангориси ва шиншилла зотларини мураккаб чатиштириш йўли билан ҳосил қилинган. Бу зотдаги қуёнлар рангининг чиройлилиги, танасининг йириклиги ва континентал иқлимга мослашганлиги билан характерлидир. Уларнинг болалари туғилишда қора рангли, 4 ойдан кейин юнг билан копланади. Танасининг массаси 4-6,5 кг, бўйи 62-72 см, кўкрак айланаси 35-38 см, 100 мм<sup>2</sup> майдонда 24090 та юнг бўлиб, бу бошқа қуёнлар юнгига нисбатан энг қалиндир. Бола бериши ўртача 7-8 та, қора қўнғир зотнинг урғочилари жуда серсут.

**Кулранг йирик зот:** Қуёнларнинг бу зоти 1952 йили Полтава области Петров номили мўйначилик хўжалигида яратилган. Зот фландр қуёнларнинг ерли вакиллари билан чатиштириш натижасида вужудга келган. Уларнинг дурагай вакиллари йирик, вазни 4,5-6,5 кг. Танасининг узунлиги 56-66 см. Кўкрак доңрасининг катталиги 37-39 см Ранги турли бўлади асосан кулранг кўп учрайди. Оч ва тўқ кулранг вакиллари ҳам кўп учраб туради. Қорин қисми оёқларининг ички томони оқ, танаси баъзан кулранг малла бўлади. Тивит толаларининг остки қисми хаворанг уч қисми очроқ рангда бўлади. Қуёнларнинг зоти яратилганлигига унча кўп

вакт бўлмаганлиги учун уларнинг ичида баъзан тим кора ёки оклари ҳам учраб туради.



26-расм. Кулранг йирик зот қуён.


Ургочилари серпушт бўлган ҳолда ўз болаларини яхши эмизади ва парваришлайди. Болалари тез ўсиб-улғаяди ва семиради. Масалан икки ойлик болаларининг оғирлиги 1,7 кг уч ойликлари 2 кг тўрт ойликлари 3 кг ва ундан кўпроқ тош босади.

Йирик вакилларининг гўшти ўртача 3-3,5 кг ни ташкил қилади. Гўшти асосан танасининг 60-61 фоизга яқинлашади. Мўйнасининг катталиги 2500-2700 см квадрат, айрим йирик қуёнларники эса 3000 см квадрат ва ундан каттарок бўлади.

Шуни айтиш керакки бу зот вакилларини асосан турли хилдаги касалликларга анчагина чидамли ҳисобланади. Умуман олганда улар орасида касаллик кам учрайди.

**Оқ рангли йирик зот:** Номига кўра оқ рангли йирик вазли қуёнлар ҳисобланади. Бу зот XIX асрда Белгия ва Германияда яратилган. Хўжаликларда танлаш саралаш ва наслчилик ишларининг ҳар томонлама яхши олиб борилиши натижасида бу зот қуёнларнинг серпуштлиги оширилди, болаларининг ҳаётчанлиги яхшиланди.

Бу зот қуёнларнинг мўйнаси зич ва майин кўзлари кизғиш ёки пуштиранг, танаси йирик узунрок. Тирик вазни 4,3-6,4кг га етади. Танасининг узунлиги



27-расм. Оқ рангли йирик зот қуён.

55-65 см, кўкрак айланаси 36-38 см. Мўйнаси катта. Ранги оқ бўлганлиги учун турли рангларга бўяш мумкин.

Ургочилари бир туғишда етти саккизтадан болалайди. Бу зот ўзининг тез етилувчанлиги билан бошқа зот қуёнларидан ажралиб туради. Болаларнинг суткалик семиришининг юкори кўрсаткичи тўрт беш ойлик қуёнларникига тенг келади. Икки ойлик болаларининг вазни 1,5 кг, уч ойлиги 2 кг ва тўрт ойлигида 2,6 кг ни ташкил қилади.


Оқ рангли йирик зот қуёнлари асосан соф ҳолда кўпайтирилади. Лекин айрим ҳолларда улардан зотлар аро чатиштириш ишларида фойдаланиш мумкин.

**Капалак зоти:** Бу зот 1887 йили Англяда яратилган. Танаси оқ лекин танасининг икки томонида симметрик кора доғлар бўлади. Айрим вакилларнинг танасидаги доғлар жигарранг, кулранг бўлиши кузатилади. Бу зот кўпроқ Ўзбекистон, МДХ ва Европа давлатларида боқилади. Вазни ўртача 4,3 кг. Танаси 35 см, кўкрак айланаси 36 см. Капалак зоти ҳар тукканида ўрта ҳисобда 8 тадан болалайди. Серсут ва болаларини яхши

парваришлайди. Бу гуруҳ ёки йўналишни ташкил килувчи куёнларнинг мўйнаси қуюқ, калин жун толалари калта бўлади. Дағал жун толалари юкорида кўрсатилган куён зотлариникига нисбатан икки маротаба калта ва нозикроқдир.



28-29-расмлар. Капалак зотли куёнлар.



Мўйнабон калта куён зотлари.

Тивит толалари билан дағал туқларининг узунлиги бир хил бўлиб мўйнаси майин кимматбаҳо ҳисобланади. Бинобарин энгил саноат учун керакли хом ашё ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда калта жунгли мўйнабон куёнларининг турли рангли (жигарранг, сарғиш, ок, кора хаворанг) гуруҳ зотлари ривожлантирилмокда. Уларнинг тирик вазни ўртача 4 кг. Конституцияси мустаҳкам лекин махсус парвариш қилишга муҳтож серпуштлиги ўртача. Бир туғишида уч-тўртта болалайди.

*Рус Горностаев зоти:* бу зот вакиллари жуда чиройли, уларнинг танаси ок лекин кулоғи, оёқлари, думи кора ёки жигарранг бўлади. Кўзи пушти ранглилари ҳам учрайди. Мўйнаси калин ва бир текис. Боллалари туғилганида ок ранг бўлади. Тўрт ойлигидан бошлаб уларнинг танасида корамтир ёки жигарранг доғлар пайдо бўла бошлайди. Англияда яратилган. Йирик вакиллариининг тирик вазни ўртача 3,8 кг, танаси 51 см, кўкрак айланаси 35,4 см. У турли худудларда ҳар хил об-ҳаво шаротига тез мослашади.




30-расм. Горностаев зоти.  
Гўшт йўналишидаги куён зотлари

*Янги зеландия оқ куёни* - 1910 йилда АҚШда яратилган. Гўшт йўналишида, оқ рангли келтириб чатиштирилишида аввало кизил рангли альбинос ҳайвонлар танланади, сараланади ва олинган янги насларни етилувчанлиги, гўштдорлик белгилари, сўйим чикими, сўйим оғирлиги ва гўшт сифати каби кўрсаткичлари бўйича сараланиб "ўз ичида" урчитилади. Қисман Фландр зотини ҳам кони сингдирилади.

Янги зеландия оқ куёни АҚШ да жуда кенг тарқалган. 1950 йиллардан бошлаб Ғарбий Европа мамлакатларида, Осиё ва Марказий


Осиё худудларида 1971 йилдан бошлаб тарқалди ва иклимлаштирилди. Хозирги кунда Ўзбекистонда ҳам боқилади.



31-расм. Янги Зеландия ок қуёни.

Умустаҳкам конституцияли, баъзан ингичка ва пишик суякли бўлиши билан фарқ қилади. Гавдаси унча узун эмас (47-50 см). тўлишганлик индекси 63% дан зиёд, кўкраги чуқур, кенг, орқаси энли, сагриси ёйиқ, мускуллари тўлишган. Вояга етганлари 4,5-5 кг гача, туғилганда боласи одатда 45 г атрофида майда туғилса-да, ўсиш тезлиги юқорилигидан 2 ойлигида 1,8-2,2 кг 3 ойлигида 2,7-3 кг га етади. 1 кг қўшимча ўсишига 3-5 кг. озука бирлиги сарфлайди. Бу зотдан асосий маҳсулот сифатида гўшт олинади, қўшимча маҳсулот сифатида тери олинади. Сўйим чикими 52-58%, гавда гўшти чикими 77,5% гача. Серсутлиги ва серпуштлиги (7-12) билан фарқ қилади. Саноат чатиштириш усулида бошқа зотлар билан яхши натижа беради.


*Калифорния* – зоти гўшт йўналишидаги катталиги ўртача, ок рангли, факат кулок учиди, баъзан тумшук, оёқ қафтлари ва дум учиди корамтир – жигар рангли белгилар учрайди. АҚШ да Янгизелландия ок, рус чипор, йирик шиншилла зотларини мураккаб чатиштириш ва олинган охириги авлодларини “ўз ичиди” чатиштириш натижасида яратилган.



32-расм. Калифорния зоти.

Бунда Новозеландия ок зотини тез етилувчанлик, гўштдорлик белгиси, рус чипор зотдаги тери жун копланнинг тигизлик хусусиятлари мужассамланган. Конституцияси мустаҳкам, баъзан суяги нозик гўштдор, тўлишган. Вазни 4-5 кг. Туғилганда ўртача 45 г., 2 ойлик 1,9-2,3 кг, 3 ойликда 2,7-3,4 кг ва 5 ойликда 4,2 кг. Шундан сўнг ўсиш сусайиб, харажат зиёд бўлади. Сўйим чикими 56-60%, гавда гўштида эт чикими 82-85%, суякка эса 13-15% қолади, ёғ эса 1,8-1,5%, серпуштлиги ўртача 8 бош, туғилганда тўлик ок бўлиб, корамтир белгилар кейинчалик пайдо бўлади, рус чипор зотига ўхшаш. 1971 йилда Англия, Венгриядан келтирилган. Украина, Россияда кенг тарқалган, Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган.

Ҳар иккала гўштдор зотлар бармоқ ораси ва қафтида жун коплами бўлиб, тўр симли қафасларда асрашга мослашган.



33-расм. Калифорния зот қуёнлар.

## КУЁНЛАРНИ СЕРПУШТЛИГИ ВА ЖИНСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Куёнчаларнинг тез етилиши кўп жиҳатдан зотларига ҳам боғлиқ. Албатта, куёнчаларнинг индивидуал хусусиятларини, бокиш ва саклаш шароитини ҳам ҳисобга олиш керак. Адабиётларда шу нарса маълумки, куёнчалар қафасда 4 тадан сакланганда тез семирган, 6-8 тадан сакланганда биттаси ўлган, 10-12 та сакланганда кам семирган, ўлиш даражаси 2 тага ортган.

Уй куёнлари 5-7 йил, айрим ҳолларда 12 йилгача яшайдилар. Хўжаликда улардан ўртача 3 йил, айримларини 4-5 йил саклаб фойдаланиш мумкин. Кейинчалик куёнларнинг махсулдорлиги пасайиб кетади, хўжаликка кам даромад келтиради.

Хонаки куёнлар жинсий жиҳатдан тез етилади. Шунинг учун 2-2,5 ойлигида эркак ва урғочисини алоҳида алоҳида гуруҳга ажратиш керак. Уларда ташки жинсий деморфизм бўлмаганлиги учун куёнларни ётқизиб орқа чикарув тешиги олдидаги жинсий органи кўрилади ва аниқланади.



34 расм Хонаки куёнлар

Куёнларнинг жинсий вояга етишида зоти ҳам аҳамиятга эга. Масалан, унча йирик бўлмаган зотлар 3-3,5 ойда жинсий вояга етса, йирик зотлар 3,5-4 ойлик бўлганда жинсий вояга етадилар. Куёнлардан бола олиш учун уларни 4-6 ойлигида кочириш мумкин. Эркак куёнлар эса 8 ойлик

бўлганидагина наслчилик ишларида фойдаланилади. Куёнларни ёш (эрта) кочириш уларнинг сифат белгилари пасайишига сабаб бўлса, аксинча кеч (9-10 ойлигида) кочириш жинсий йўллари ёғ босиб қолади), кочмай қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун наслчилик ишларида куёнларнинг ҳар қайси зотларининг хусусиятлари алоҳида эътиборга олиниши керак.

Куёнчалар туғилганда уларнинг вазни 30 г. дан 120 г. гача бўлиши мумкин. Туғилганидан кейин тез ўса бошлайдилар. 6 кунда вазни 2 марта, 10 кунда 3 марта, 20 кунда дастлабки вазнига нисбатан 5-6 марта, 30 кунда эса 9-10 марта ортини қузатишган. Куёнчалар тасосан 4 ойгача интенсив ўсадилар. Масалан, М.Ф. Деминанинг кўрсатишича, куёнчалар 4 ойлигида катта куёнлар тана узунлигининг 86% ини, вазни эса 81-87% ини ташкил этади. Куёнчалар 8-10 ойлик бўлганида ўсишдан тўхтайдди.

Янги туғилган уй куёнларининг болалари 16 та сут тишига эга бўлади. 5-7 кундан кейин усти момик (юнг) билан қопланади, 10-14 кун ичида эса кўзи очилади. 17-21 кундан кейин эса туғилган жойидан ташқарига чиқиб, турли озукаларни ея бошлайди. Унғача эса куёнчалар фақат она сути билан озикланадилар. Олимлар тажриба йўли билан шу нарсани аниқладиларки, унинг 1 г семириши учун 2 г. она сути сарфланади. Куёнбоқар бунга шубҳаланмаслиги учун куённинг серсутлигини ўзи тажриба йўли билан аниқлаши мумкин (китобнинг куёнларда тажрибалар ўтказиш бўлимига қаранг).

Куёнларнинг сут тишлари 18 кундан кейин тушиб, 20-28 кундан кейин доимий озик тишлар билан алмашинади. Устки жағда 16 та, остки жағда 12 та, жами 28 та тишга эга бўлади. Олдинги кўрак тишлари билан озик тишларининг ораси очик бўлади. Тишлар кемирувчилар туркумига хос бўлган доимий ўсувчи тишлардир. Чунки тишнинг олдинги қисми каттик эмаль билан қопланган бўлиб, кам емирилади, орқа қисми эса тез емирилиши туфайли тиш доимо ўткирлашиб туради. Шунинг учун бўлса керак, куёнлар табиий равишда кемиришга эҳтиёж сезиб туради. Шу сабабли қафасларни бутун саклаш учун узунлиги 30-40 см ли дарахт шохчаларидан солиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Куёнчалар 30 кундан кейин онасиз яшай оладилар, бироқ уларни 45-60 кундан кейин онасидан ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Куёнчаларни бу муддатдан эрта ажратиш уларнинг кейинги ўсишларига салбий таъсир этади.

45-60 кунда ажратилган куёнчалар тез ўсади ва етилади. Куёнчалар онасидан турли усулларда ажратилади:

1. *Куёнчаларни онасидан бирданга ажратиш.*

2. *Куёнчаларни онасидан даврий равишда ажратиш,* яъни бир икки кун оралатиб эмизиб, ажратиш.

3. *Куёнчаларни онасидан аста-секин ажратиш.* Бунда яхши ривожланган семиз куёнчаларни онасидан биринчи ажратилиб, ориklarини эса кейинчалик, энг охирида ажратиш.

Охирги усул куёнбокарлар орасида кенг тақалгандир. У энг рационал усул бўлиб, бунда куённинг сут безлари аста секин ўз фаолиятини тўхтата боради ва орик нимжон куёнчаларнинг тезроқ етилишига сабаб бўлади. Она куёнининг сути энг тўйимли сут каторига киради, чунки унинг таркибида 10% ёғ, 10-15% оксил бор. Куён сутининг кимёвий таркиби фаслга караб ўзгариши мумкин. Куёнларда сут безларининг сони 8-10 тагача бўлади. Оғиз сути уларда 23 кунгача давом этиб, кимёвий хусусияти жиҳатидан ўзига хосдир.

### КУЁНЛАРНИ КАТАКЛАРДА САҚЛАШ УСУЛЛАРИ.

Айрим ҳолларда куёнлар катакларда эмас, балки ер участкасининг бир бурчагида атрофи симтўрлар билан ўралган ерда бокилади. Маълумки, уй куёнларининг ёввойи авлодлари ер казиб, уя ясадилар ва калония ҳолида ҳаёт кечирадилар. Шунга кўра куёнлар ҳам ерда бокилганда табийки, улар ерни ковлаб уя курадилар. Бундай ҳолларда куёнларни ҳисобга олиш, эркак ва урғочиларини бир-бирдан ажратиш ва маҳсулот етиштиришни режалаштириш жуда кийин бўлади.

Куёнлар биологиясидан шу нарса маълумки, уларнинг тунги ахлати юмшок бўлиб, кўнгина фойдали моддалар ичак окали сурилишга улгурмайди. Куёнлар эса ана шу ахлатини қайта ейди. Бу ҳол куёнларни ҳар хил касалликларга олиб келиши мумкин. Юкумли касалликлар бирданга таркалиб кетишига сабаб бўлади.

Куёнлар ерда бокилганда улар орасида турли юкумли гельминтоз касалликлари тез тарқалади ва куёнларнинг бирданга кирилиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам куёнлар алоҳида-алоҳида тартибда, катакларда бокилгани энг маъқул усулдир.

Хонадонларда куён бокиш: куён маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида куён бокишга кизиқниши бўлган хонадонларга касаначилилик асосида куён бокиш ускуналари ва зарур ҳолларда озукасини етказиб бериш ва етиштирилган маҳсулотларни қайта сотиб олиш борасида ишлар ташкил этилмоқда.

Масалан: битта хонадонга 5 бош куён берилдиган бўлса, бир йилда тўрт марта бола олиш ҳисобига куёнлар сонини 1085 тага етказилиши мумкин.

Бу ўз навбатида ушбу оила томонидан 300 кг гўшт маҳсулотлари, 700 бош куёнлар етиштириш ҳамда 36,5 млн. сўмлик даромад ва 5,1 млн. сўмлик соф фойда олиш имкониятини беради.

Касаначилилик асосида 5 бош куён, ускуналар ва зарур озука

Куёнчилилик  
хўжалиги

Куён гўшти (1 200 кг, 30,0 млн. сўмлик), тери (300 дона 2,1 млн. сўмлик) ва 700 бош куён болалари

Хонадон

Зоогигиена қондалари асосида боқилган куёнлар тўрт ойлик бўлганида қочиши мумкин. Бунда у ўз болаларини сут билан тўлик таъминлай олади.

Тўрт ойлик йирик зотли куёнлар яхши боқилганида 2.5-3 кг гўшт олинади. Шунини айтиш лозимки куёнчилиликни ривожлантириш учун деярли кўп маблағ сарфланмайди, сарфлангани тез вақт ичида қопланиб кетади.





Ҳозирги даврда хўжаликлар шароитида ветеринария-санитария қондаларига риоя қилган ҳолдаги қуйидаги уч хилдаги асраш усуллари мавжуд.




Ташки кафасларда асраш, асосан очик ҳавода, соя салкинрок жойларда ўрнатишга асосланади. Бунда махсус ўлчам ва шакилларга эга бир неча хилдаги кафаслар қўлланилади. Қафаслар хизматчиларга ўнғайлиги ва санитария қондаларига мослаб ердан 80 см баландликдаги ерга қўмилган ёғоч оёқларига ўрнатилади.

Қафаслар ташки муҳит шароитига кўра 2 хил:



а) турғун ҳолатда, яъни доимий бир манзилда мукум жойлашган бўлиб, қўчирилмайди. Совук пайтларда тўсиқлар билан ўраш мумкин.

35-расм. Куёнлар учун кафаслар.







б) кўчма, яъни йилнинг илик фасллариди очик хавода ўрнатилгани холда, кишнинг совук даврида бинолар ичига кўчирилиши мумкин.




Имкони борича куёнлар алоҳида-алоҳида тартибда, қафасларда боқилгани энг маъқул усулдир. Ҳозирги вақтда бир неча хил куён катаклари мавжуд. Хўжаликлар шароитида қафас уялари иккитадан куёнга мўлжалланса материал анча тежаллади.




Умуман, ташки қафасларда асраш усулида меҳнат унумдорлиги нисбатан паст бўлиб, бир куён боқарга 1500-1800 бош куён биркитирилиши мумкин.

Битта қафаснинг майдони 0,5-0,7 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги лозим. Қафаснинг узунлиги 2 метр, ичининг баландлиги 50 см, эни 55 см, бўлиб ҳар иккала куён учун озука солинадиган қисми қафаснинг ўртасига жойлаштириладиган учбурчак симон охур бўлиши керак. Сув солинадиган идишлар ҳар бир куёнга алоҳида бўлади. Донли озукалар солинадиган охур алоҳида ҳар бир уяда жойлаштирилади.




36-расм. Куён сақланадиган қафаслар тури.

Куён қафасларининг поли (таги) 2 кават бўлиб, усткиси олинадиган килиб ясалгани маъқул. Юкоридаги поли оралиғи 1-1,5 см килиб рейкадан ясалади. Остки поли эса олдинга қараб 5 градус қия қилинади, сабаби куённинг сийдиги шу ерга тўпланади. Қафаснинг томи эса орқага 15 градус қия қилиб, каттик, иссиқ ва нам ўтмайдиган материалдан ясалади. Олдинги томонига пешайвон сифатида 20-30 см чиқарилгани маъқул. Ёгин сачрамаслиги учун ва куёш нуридан ҳимоя қилади.



Хўжалик шароитига қараб икки ярусли олти ўринли қафаслардан ҳам фойдаланилади. Олти ўринли катакларнинг узунлиги 300 см, эни 110 см, баландлиги 185 см бўлади. Ҳар бир куён учун ҳашак солинадиган охур алоҳида катак ташқарисига жойлаштирилиб қопқок билан беркитилади. Ёш куёнлар онасидан ажратилганидан кейин жинси бўйича эркак ва урғочи гуруҳларга ажратилиб алоҳида асраш керак. Буларни алоҳида қафаслар талаб этилади. Бундай мақсад учун узунлиги 200 см, эни 100 см, баландлиги 50 см бўлган қафас мақсадга мувофиқ. Агар бўйи 400 см бўлса, ўртасидан яели билан ажратилиб эркак ва урғочи куёнлар боқилиши мумкин. Ёш куёнларни гуруҳ ҳолида боқиш учун янада оддийроқ бўлган қафасдан ҳам фойдаланиш мумкин. Қафаснинг узунлиги 200 см, эни 100 см, баландлиги 50 см, бўлиб ердан 80-100 см баланд бўлади. Бундай қафасда 15 дона ёш, ёки 10 дона катта куёнларни сақлаш ва боқиш мумкин.



37-расм. Замонавий куён боқиш цехлари

Шунингдек ёш куёнларни ультра- бинафша куёш нурларидан фойдаланиш учун яйраш майдончасига эга бўлган катакларнинг ҳам бир неча хиллари бор.

### Қафасларни турлари.

Қафасларнинг бўйи 2 м., полдан томигача бўлган баландлиги 50 см, эни 55 см бўлиб, ҳар иккала қуён учун озука солинадиган қисми қафасларнинг ўртасига жойлаштирилган охур бўлиши керак. Сув солинадиган идишлар ҳар бир қуёнга алоҳида бўлади (38-расм).

Хўжаликда стандарт охур (ясли) бўлмаса, уни қуёнбоқарнинг ўзи металл симдан тешиклари 30×30 мм ли қилиб ясаб олиши мумкин. Катакнинг қуён яшайдиган ички томони ҳам тўр билан коплангани мақсадга мувофиқдир. Тўр бўлмаса, унинг ҳам тешикларини 16×18 ёки 16×48 мм дан қилиб, йўғонлиги 1,6-2 мм ли сим тўр билан коплаш мумкин. Агар ана шу чора-тадбир қўрилмаса, қуён катакни тез кунда кемириб ташлайди.


Қуён қафасларининг поли икки қават бўлиб, усткиси олиннадиган қилиб ясалгани маъқул. Юқоридаги пол оралиғи 1-1,5 см қилиб рейкадан ясалади. Остки поли эса олдинга қараб 5° қия қилинади, сабаби қуённинг сийдиги шу ерга тўпланади.

Қафаснинг томи эса орқага 15° қия қилинади. Олд томонига эса пешайвон сифатида 20-30 см чиқарилади. Бу мослама катакка ёмғир, қор ва қуёш нури тушишидан ҳимоя қилади. Қафаснинг ўзи эса ердан 70-80 см кўтарилиб туриши ва қуёш нурининг тик тушишидан ҳимояланган бўлиши керак.

Хўжаликда ҳар бир ўрта икки ўринли катаклардан 5-6 дона бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мактаб ёки хўжалик учун икки ярусли олти ўринли катаклардан ҳам фойдаланиш мумкин.


Олти ўринли катакларнинг ўлчамлари: баландлиги 185 см, бўйи 300 см, эни 110 см бўлади. Ҳар бир қуён учун хашак солинадиган охур алоҳида-алоҳида қилиб катак ташқарисига жойлаштирилиб, копкак билан беркитилади.

Ёш қуёнчалар онасидан ажратилганидан кейин жинсига қараб эркак ва урғочи гуруҳларга ажратилиб алоҳида сақланиши керак. Бунинг учун уларга алоҳида катак талаб қилинади.



38-расм. Замонавий қуён боқиш цехлари


Ёш қуёнчаларни гуруҳ ҳолида боқиш учун янада оддийроқ бўлган катакдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу катакнинг бўйи 200 см, эни 100 см, баландлиги 50 см бўлиб, ердан 80-100 см баландликда бўлиши керак. Бу тузилишдаги катакда 15 дона кичик ёки 10 дона катта қуёнларни сақлаш ва боқиш мумкин. Мактаб учун эса икки дона шундай катакнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.



39-расм. Замонавий қуён боқиш цехлари

Шед(сарой) усулида куёнларни асраш тизими йирик ва ўрғача куёнчилик фермалари учун мўлжалланган. Бу усулда оддий механизациялаш, электрлаштириш, озиклантириш, сув билан таъминлаш, ахлат ва гўнгни йиғиш каби ишлар анча энгиллашади. Ташки мухит ёмғир, шамол, кор бўронлардан анча химояланган бўлади. Шед қурилмаси ички ва ташки томони ёғоч каркаслардан, ёки темир бетон деворлардан қурилиб, ички томони бир неча қатор қафаслардан ташкил топган саройдан иборатдир.

Қафасларнинг эшиклари ичкаридаги йўлак томонидан очилган бўлади. Йўлакнинг эни 120-130 см бўлиб, икки томонга каварик қилинган бетондан иборатдир. Шеднинг ҳажми унинг узунлиги ва жойлашган қафасларнинг миқдорига боғлиқ. Энг иқтисодий самарали Шеднинг узунлиги 60 м. дан зиёд бўлиши лозим. Шед қурилмаси бизнинг шароитимизда яхши натижа беради. Ундан қишда совук - 30° С дан паст бўлмайдиган ҳар қандай ҳудудларда фойдаланилса бўлади. Шед (сарой) усулида меҳнат унумдорлиги анча ортгани учун 1 куёнбоқарга 125 бош она куён болалари билан (хаммаси  $125 \times 30 = 350-4000$  бош) беркитилиши мумкин, ёки 70 ц гача куён гўшти ( $700 \text{ кг} : 2 \text{ кг} = 3500$ ) бош етиштирилиши мумкин. Шед усулидаги тизимда вояга етган куёнлар урғочи ва эркалари алоҳида индивидуал (айрим) ҳолда асралади. Қафас тагини юза сатҳи 0,6-0,9 м<sup>2</sup> дан бўлиши мумкин. Қафасларни шедлар ичида ҳар хил шаклда, бир ва бир неча ярус (қатор)да жойлаштириш мумкин. Ёруғли тушувчи форточкалар, гўнг ва сийдик чиқарадиган транспортёр, ёки оддий новлар ўрнатилади. Усти шифер билан ёпилади.



40-расм Ёзги куён катаги

Куён болалари учун 1 бошга 0,12 м<sup>2</sup>, наслик болалари учун эса 0,17 м<sup>2</sup> майдон белгиланади. Бундай қафаслар узунлиги 1,7 м, эни 0,7 м, баландлиги 0,6 м бўлиши лозим. Бундай қафасларда маҳсулот етиштириш учун куён болалари жинси ва насиллиги бўйича куёнлар 5 бош урғочи, ёки 1 бош эркаги алоҳида асралиши лозим. Шед ичидаги йўлак бўйлаб релсли ёки осма ҳолатда 150 кг гача юк кутаришга мўлжалланган ғилдиракли аравача ўрнатилиб, озукани уяларгача келтиришда фойдаланилади.

Кейинги даврларда шед тизими такомиллаштирилиб, 400, 1200, 2400 бош она куёнлар учун лойиҳалар ишлаб чиқилган. Бу лойиҳалар ҳар хил табиий иқлим шароитидаги ҳудудларга ҳам мўлжалланган бўлиб, ҳаво ҳарорати -30°С дан 35°С гача бўлган шароитлар ҳисобга олинган. Бундай шедларда технологик саклаш миқдори бўйича асосий гуруҳ 1 бошдан, маҳсулот олиш учун куён болалари 2 бошдан, наслик куён болалари эса 4 бошдан белгиланади.

Механизациялашган куёнхоналарда асраш усулида меҳнат унумдорлиги янада ошиб, кейинги даврда 2000, 3000, 6000, 9000, 12000 ва 15000 бошга мўлжалланган мажмуалар лойиҳалари ишлаб чиқилган ва жойларда қурилиб фойдаланилмоқда. Бунда барча ишлаб чиқариш жараёнлари технологик жиҳатидан механизация-лаштирилган, хатто озука тарқатиш, сугориш, гўнг чиқариш, микроклим шароитлари ҳам. Бундай мажмуаларда куёнларни ёши, жинси, фойдаланилиш гуруҳлари бўйича алоҳида хоналарга, маъмурий, мутахассислик, озука ишловчи, қушхоналар, баъзан куён ашёларини қайта ишловчи қўшимча корхоналар ҳам ташкил этилган бўлади.



41-расм. Замонавий куён боқиш цехлари

Куёнхоналарда микроклим шароитини доимий ҳисобга олиб бориш умумий технологик жараёнларнинг муҳим омилidir. Ёпик куёнхоналарда ҳаво ҳарорати лойиҳалари бўйича 10-15°C кўрсатилган. Лекин кишда 18°C, ёзда 25°C бўлиши керак. Шунинг учун баъзи йирик ёпик куёнчилик комплексларида ўртача ҳаво ҳарорати 10-18°C ни ташкил қилади. Ҳавонинг нисбий намлиги 60-80% ни ташкил қилади. Меъёрида ҳавода фойдаланиш учун куёнхоналарда ҳаво сўргич ва ҳаво ҳайдагич парраклари жойлаштирилади.

Ҳавонинг куёнхонадаги ҳаракати 0,3 м/сек. Шунинг учун бино ойналари дарчаларидан тўғри фойдаланиб, елвизак (шамоллаш) бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Куёнхона ҳавоси таркибида аммиак гази 0,01 мг/л.дан ошмаслиги керак. Аммиак газининг ошиб кетишига асосий сабаб куёнхонадан гўнг ва чиқиндиларни ўз вақтида чиқармаслик бўлади. Шунингдек водород сульфид 0,015 мг/л. дан ошмаслиги керак.

Куёнхонада ёруғлик 50 дан 100 люксгача белгиланади. Фақат муайян ёруғлик коэффициентигина эмас, ёруғлик кунни давомийлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Ёруғлик кунни 16-18 соатдан кам бўлмагани маъқул. Чунки киш даврида кундузги ёруғлик 10 соатдан ҳам қисқариб кетади. Уни узайтириш маҳсулдорликка ижобий таъсир этади.

Куёнхоналарда куёнларни ҳар хил юкумли касалликлардан эҳтиёт қилиш учун санитария - гигиена қоидаларига аҳамият бериш лозим.

1) куёнхона ва қафасларни ўз вақтида дезинфекция қилиш.

2) Куёнхонага бошқа ҳайвон, паррандаларни келишига йўл қўймаслик.

3) Куёнхонага озукларни юкумли касалликлар бўлмаган ҳудудлардан келтириш лозим.

4) Куёнлар ичадиган сувни тоза идишларда сақлаш, уни кемирувчилардан ва қушлардан эҳтиёт этиш лозим.

## ҚУЁНЛАРНИ БОҚИШ ВА САҚЛАШ

*Маълумки*, табиатда учрайдиган ҳар хил озук маҳсулотлари тўйимлилиги жиҳатидан бир-биридан фарк қилади. *Озуқанинг маълум бир шароитда конкрет ҳайвоннинг озук моддаларга бўлган талабини қондириши хусусиятини тўйимлилиқ деймиз.*

Ҳар хил озук маҳсулотлари ҳайвон томонидан истеъмол қилингандан сўнг озук ҳазм қилиш органларида парчаланadi. Мураккаб структурага эга бўлган органик моддаларни ошқозон-ичак тизимида қон

ва лимфаларга сўрилиши мумкин бўлган даражагача парчаланишини эса *озуқаларни ҳазм бўлиши дейлади.*

Ҳозирги даврда куёнларни норма асосида боқишда уларнинг органик моддаларга, макро ва микроэлементларга, витаминларга ва бошқа биологик фаол моддаларга бўлган талаби ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам озуклар куёнларни юқорида қайд қилинган талабини қанчалик тўла қондирса у шунчалик тўйимlidir.

Табиатда, конкрет ҳайвоннинг ҳамма талабини тўла қондирадиган идеал озук йўқ. Бундай озукга баланслаштирилган рацион билан боқилadиган, соғлом эмизикли ҳайвоннинг оғиз сути мисол бўлиш мумкин. чунки бундай сут ёш организм учун танҳо озук ҳисобланиб, шу ёш ҳайвоннинг соғлом ўсиши учун керак бўлган ҳамма компонентлар унда мавжуддир.

Табиатда учрайдиган бошқа барча озуклар натурал ҳолатда молнинг баъзи бир моддаларга бўлган талабинигина тўла қондириши мумкин, холос. Ҳамма озукларнинг тўйимлилигига умумлаштириб қўйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳо берилади.

1. *Умумий энергетик тўйимлилиқ;*

2. *Протеинли тўйимлилиқ;*

3. *Минерал тўйимлилиқ;*

4. *Витаминли тўйимлилиқ;*

5. *Бошқа биологик фаол моддалар бўйича тўйимлилиқ.*

Баъзи ҳолларда озуканинг физикавий ва кимёвий кўрсаткичларидан калориялилиги, кислоталик муҳити (PH) ва бошқа кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади.

Озуқанинг тўйимлилигига баҳо беришда муайян турдаги ҳайвоннинг овқат ҳазм қилиш физиологиясини ҳисобга олмоғимиз керак. Мисол учун, қавшовчи моллар катта қорнида инфуздорлар ва ачитки бактерияларнинг меъёрида яшаши учун қанд моддасининг микдорини аниқ ҳисобга олсак, сувда эрийдиган витаминлар ва ҳаётий зарур аминокислоталар микдорини эса аниқлашни кераги йўқ. Чунки, улар катта қорнида микроорганизмлар томонидан синтезланади. Аксинча, куёнлар учун озукларнинг тўйимлилигига баҳо беришда юқорида қайд қилинган аминокислоталар ва витаминлар микдори ҳисобга олинади.

1. *Ёгда эрийдиган витаминлар:*

2. *Сувда эрийдиган витаминларга бўлинади. (9-жадвал).*

Ёгда эрийдиган витаминлар А, Д, Е ва К витаминлари қиради. Сувда эрийдиган витаминларга эса В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>3</sub>, В<sub>4</sub>, В<sub>5</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>с</sub>, В<sub>12</sub>, Н ва С витаминлари қиради. Ҳайвонларнинг озукланишида витамин В<sub>6</sub> ва Н нинг аҳамияти унча ҳам катта эмас. Куёнларнинг озукланишида зарур бўлган витаминлар устида алоҳида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Куёнлар бошка кишлок хўжалик хайвонлари сингари кадим замонлардан бошлаб кўлга ўргатиб келинган.

Адабиётларда кайд қилинишича бундан 2000 йил муқаддам Римликлар куёнларни кенг қўламда ўргатиб келганлар.

Куёнларнинг ажойиб биологик хусусиятларидан бири тез етилувчанлик (скороспелость) ва серпуштлик бўлса, иккинчиси капрофагиядир.

Куён болалари яхши боқилганда жуда тез ўсадн. Улар туғилганда кўр, туксиз бўлишига карамай, оналари серсут бўлса 3 ҳафталигида туғилгандаги тирик вазни 5-6 баробар, 4-чи ҳафтанинг охирига келиб 10 баробар оширади. Айниқса, Калифорния ва Янги Зеландиянинг ок куён зотлари 3,5-5 ойлигида 3-3,5 кг га етиши мумкин. Она куёнларда лактация даври 40-45 кун бўлади. Жадал урчитилаётган (туққандан сўнг 1-2 кунда кочирилган) куёнлар 27-28 кундан сўнг, яъни туғишига 2-4 кун колганда сутдан чиқади. Она куёнларнинг биринчи 3 кунлик сути огиз сути хисобланади ва у барча сут эмизувчилар сингари жуда тўйимли ва иммунитет моддаларга бойдир. Куёнлар сутида 30% курук модда бўлиб, ёз ойлари (кўк ўт истеъмол қилганда) оксиген 14%, ёғи эса 13% бўлса, киш фаслида 12% оксиген ва 17% ёғи бўлади, сут таркибида шакар 2% (1,8-2,1%), 0,64% кальций ва 0,44% фосфор элементлари бор.

Куён болалари она сутини жуда яхши ҳазм қилиб, 1 кг ўсиши учун 2 кг сут сарф қиладилар. Шунинг учун, она куённи серсут бўлиши, болаларини яхши ўсиши учун ниҳоятда зарурдир. Куён болалари 15 кунгача инларидан чиқмасдан факат она сути билан озукланадилар. Агар шу муддатдан олдин куён болалари индан ташқарига чиқса, бу ҳолат уларни сутга тўймаганлигидан дарак беради.

Иккинчи муҳим биологик хусусияти бўлган капрофагия тўғрисида ушбу китобнинг 1 бўлимида маълумот берилган. Лекин шуни айтиш керакки, куёнлар ажратган суюқ ахлати таркибида В гуруҳ витаминлари, аминокислоталар ва микроорганизмлар жуда кўп бўлади.

1 г ахлатда 9560 млн микроорганизм бор экан. Капрофагия хусусияти куёнларда клетчаткани, протеинни ҳазм бўлишини яхшилайти, организмни В гуруҳ витаминлари ва аминокислоталар билан бойитади.

Куёнларни тўйимли моддаларга бўлган талаблари тўғрисида тўхталадиган бўлсак, куёнларнинг озук нормаси 16 кўрсаткич билан ифодаланган ва бу норма куёнларни ёши, тирик вазни ва физиологик ҳолатига қараб белгиланади. Совук кунлари, кишда иситилмайдиган жойда сақланган куёнлар озук нормаси 10-12% га кўпайтирилиши керак.

Куёнларда энергияга бўлган талаб грамм озук бирлигида ва мЖ да ифодаланган алмашинувчи энергия микдори билан ифодаланган.

### Куёнлар учун озук нормалари

Кўрсаткичлар	Наслдор эркак куён		Она куёнлар				
	Урчитиш мавсуми	Урчитил майдиган мавсум	Бўғоз лик даври	Сут эмизадиган давр			
				1-10	11-20	21-30	31-45
Тирик вазни, кг							
	5	5	5	5	5	5	
Озук бирлиги	200	160	220	330	440	560	700
Алмашинувчи энергия, мЖ	2,09	1,67	2,3	3,45	4,61	5,86	7,33
Курук модда, кг	210	175	230	350	470	590	710
Тозаланмаган протеин, г	39	30	41	71	95	124	155
Ҳазмланувчи протеин, г	29	22	34	54	79	95	119
Тозаланмаган клетчатка, г	36	28	40	54	72	75	110
Ош тузи, г	1,0	1,0	1,5	2,0	2,0	2,5	2,5
Кальций, г	1,4	1,2	2,6	4,0	4,0	4,0	4,0
Фосфор, г	0,9	0,7	1,6	2,5	2,5	2,5	2,5
Темир, мг	63	51	68	104	104	104	104
Мис, мг	2,7	2,2	3,7	5,8	5,8	5,8	5,8
Рух, мг	16	13	32	3,6	36	36	36
Марганец, мг	6,2	5,0	6,2	24	24	24	24
Каротин, мг	2,0	1,4	2,0	3,2	3,2	3,2	3,2
Вит Д, минг ХБ	500	500	500	500	500	500	500
Вит Е мг	10	10	10	10	10	10	10

Кўрсаткичлар	Куён болалари			
	Ёши, кун ҳисобида			
	45-60	61-90	91-120	121 кундан катта
	Тирик вазни, кг			
	1 - 1,7	1,8 - 2,40	2,5 - 3,0	3,2 - 3,8
Озук бирлиги	70 - 125	125 - 170	170 - 225	200 - 220
Алмашинувчи энергия, мЖ	0,73 - 1,31	1,31 - 1,78	1,78 - 2,36	2,09 - 2,3
Курук модда, кг	73 - 130	130 - 195	195 - 235	200 - 220
Тозаланмаган протеин, г	15 - 27	27 - 37	37 - 49	34 - 37
Ҳазмланувчи протеин, г	12 - 21	21 - 28	28 - 37	26 - 29
Тозаланмаган клетчатка, г	9 - 17	17 - 23	23 - 30	35 - 39
Ош тузи, г	0,3 - 0,5	0,6 - 0,8	0,8 - 1,0	0,9 - 1,0
Кальций, г	0,4 - 0,6	0,6 - 0,9	0,9 - 1,1	1,1 - 1,3
Фосфор, г	0,3 - 0,4	0,4 - 0,5	0,6 - 0,7	0,7 - 0,8
Темир, мг	50 - 56	50 - 52	50 - 51	50 - 51
Мис, мг	2,0 - 2,2	2,0 - 2,1	2,1 - 2,2	2,1 - 2,2
Рух, мг	13 - 14	13 - 14	12 - 13	12 - 13
Марганец, мг	7,0 - 8,0	6,8 - 7,0	7,0 - 7,1	7,0 - 7,1
Каротин, мг	0,8 - 1,4	1,5 - 2,0	2,0 - 2,6	2,4 - 2,6
Вит Д. минг	100 - 170	170 - 240	240 - 300	320 - 380
ХБ				
Вит Е мг	2,0 - 3,4	3,4 - 4,8	4,8 - 6,0	6,4 - 7,6

Озук нормаси кўрсаткичларидаги тўйимли моддаларнинг, макро ва микроэлементларининг ҳамда витаминларнинг таъсир доираси бошқа турдаги кишлоқ хўжалик ҳайвонларидагидек бўлади.

Куёнлар истеъмол кидадиган озукаларга концентратлар (бошоқлилар, дуккаклилар дони, омихта ем, кепак, кунжара, шрот, куритилган лавлаги турпи ва бошқалар), дағал озукалар (пичан, похол ва куритилган бўталар), ширали озукалар (силос, озукабоп қарам, сабзи, лавлаги, сабзавот, полиз ва боғдорчилик чиқиндилари), чорвачилик маҳсулотларидан олинган озукалар (соф сигир сути, ёғи олинган сут, сут зардоби, гўшт, гўшт-суяк ва кон унлари) ва ёз даврида кўк ўтлар қиради. Куёнлар рационда бошқа ҳайвонлар сингари витаминли ва минерал кўшимчалардан фойдаланилади. Витаминли кўшимчалар тарикасида

ачиткилардан (оксилли ва витаминли кўшимча ҳисобланиб таркибида 45-54% оксили бор) фойдаланилади. Ачиткилардан рационга рацион вазнини 1-2 % микдорда, ўт уни эса витаминли кўшимча сифатида, кунлик рационга рацион вазнидан 30-40% гача кўшилиши мумкин. Минерал кўшимча сифатида бўр, суяк уни, озукабоп фосфат, ош тузи ва микроэлемент тузларидан фойдаланилади.

Куёнлар учун ем-хашакларни едиришга тайёрлашда механик, термик ва биологик усуллар қўлланилади. ...

Механик усулга илдимеваларни ювиш, киркиш, похол, силос ва шу сингариларни ҳамда донларни майдалаш, улардан ҳўлланган озука аралашмаси тайёрлаш, курук аралашмалардан эса дондорлаштирилган озукалар тайёрлаш қиради. Термик ишлов беришга пишириш, буғлаш ва юкори ҳароратли ҳаво билан донларни замбурғлардан тозалаш қиради. Кепаклар ва унсимон озукалар ҳўлланган ҳолда ва дуккаклилар дони эса 3-4 соат қайноқ сувда ивигандан сўнг бериледи.

Сифати яхши пичанларга ишлов бериш шарт эмас. Кўк ўтларни, ёмғирда қолган ёки шудринг тушган кўк ўтларни бироз сўлдириб, дағал пояли кўк ўтлар эса майдалаб бериледи.

Рациондаги концентратлар микдорига қараб кам концентратли, ярим концентратли ва концентратли озуклантириш турлари қўлланилади. Камконцентратли озуклантириш тури (тўйимлиликдан 20-30% концентрат озука ) концентрат озука етишмайдиган шароитларда қўлланилиб, бунда куёнларни ўсиши секинлашади, маҳсулдорлиги ва соҳа рентабеллиги пасаяди. Яримконцентратли озуклантириш турида рацион тўйимлиликнинг 65% концентрат озука ҳисобига, қолган қисмини 15% тўйимлилик ширали озукалар (ёзда 20% кўк ўтлар), 20% пичан ва ўт уни ҳисобига, тўлдирилади. Бу рационнинг 100 г озуқ бирлигида 9-11 г ҳазмланувчи протеин бўлади.

Куёнчиликни жадал технология асосида ривожлантиришда концентратли озуклантириш тури қўлланилади. Бунда концентрат озукалар салмоғи рацион тўйимлигининг 70-80% га тенг бўлиб қолган 20-20% ни ўт уни ва пичан, ёзда эса кўк ўт ёки ундан олинган дондор озукалар ташкил қилади. Бундай рационнинг 100 г озуқ бирлигига 13-16 г ҳазмланувчи протеин тўғри келади. Бу рацион ёш куён болаларини жадал ўсиши ва катта ёшли куёнларни юкори жинсий фаоллигини, серпуштлигини ва серсутлигини таъминлайди.

Адабиётларда йирик куёнчилик хўжаликлари учун завод ёки хўжаликдаги махсус ем-хашак цехларида тайёрланадиган биологик тўлақимматли омихта емлар рецептлари келтирилган. Бу омихта емлар дондор шаклида бўлиб хўжалик учун ҳар тарафлама қулайдир.

Куёнлар кунига 2-3 маҳал озуклантирилади. Эрталаб концентрат озуканинг ярмини пешинда пичан (ёзда кўк ўт) ва кечкурун концентрат озуканинг қолган қисмини, силос ва илдимевалар берилгани маъқул. Янги турдаги озугага куёнларни аста-секинлик билан 5-6 кун ичида ўргатилади.

Куёнлар кечаси озукани кўп истеъмол қилади. Шунинг учун кечкурун иложи борича кўпроқ озуга бериш ва уни кечроқ (соат 20-21 ларда) тарқатиш керак.

Биологик тўлақимматли дондорлаштирилган озукалардан фойдаланилганда ёш куён болалари ва бола эмизадиган она куёнлар охирига 3-5 кунда бир маҳал, бошқа ёшдаги куёнларга кунига 1 маҳал озуга тарқатилади. Пичан ва ёз фаслида кўк ўтларни лозим бўлганда бериш керак. Бу уларни ҳар доим завод кондициясида бўлишини таъминлайди.

Куёнларни тоза ичимлик суви ва минерал моддалар билан таъминланганлигига ҳам эътибор бериб бориш керак.

**Витаминларнинг хайвон ва ўсимлик органлари ҳамда тўқималарида тўпланиши**

Витаминларнинг номи	Тўпланиш жойи
<b>Ёзда эрийдиган витаминлар</b>	
Витамин А (ретинол)	Жигар, сут ёғи, тухум сариги, сигир сути, баъзи хайвонлар жигари.
Каротин (провитамин А)	Кўк ўтлар, сабзи, сарик маккажўхори сутаси.
Витамин Д <sub>1</sub> (кальциферол)	Тери, жигар, ультрабинафша нур билан нурланган сут.
Д <sub>2</sub>	Куёшда қуритилган пичан, хамиртуруш.
Д <sub>3</sub>	Хайвонлар териси.
Витамин Е (α, β, γ - токофероллар)	Ёғ ва мускул тўқималари, ўсимлик мойи.
Витамин К <sub>1</sub> (филлохинон)	Жигар, қон плазмаси, ошқозон ости беги, кизил мия, талоқ, паррандалар тухуми ва яшил-япроқлар.
<b>Сувда эрийдиган витаминлар</b>	
Витамин В <sub>1</sub> (тиамин)	Жигар, буйрак, бош мия, паррандалар тухуми, бошокли ўсимликлар дони, хамиртуруш.
В <sub>2</sub> (рибофлавин)	Сут, ички органлар, кўк ўтлар, хамиртуруш.

В <sub>3</sub> (пантотенат кислотаси)	Ички органлар, уруғ, кўк ўтлар.
В <sub>4</sub> (холин)	Ички органлар ёғи, хамиртуруш.
В <sub>5</sub> ёки РР (никотинамид)	Гўшт, ички органлар, кўк ўтлар, хамиртуруш.
В <sub>6</sub> (пиродоксин)	Жигар, сут, дон ва уруғлар, хамиртуруш.
В <sub>12</sub> (цианкобаламин)	Гўшт, ички органлар, сут, микробиологк маҳсулотлар.
Витамин В <sub>с</sub> (фолат кислота)	Жигар, сут, кўк ўтлар, хамиртуруш.
Витамин Н (биотин)	Жигар, сут, тухум сариги, уруғлар ва донлар, хамиртуруш, кўк ўтлар.
Витамин С (аскорбат кислота)	Хайвон организмнинг барча тўқима ва суюқликлари, кўк ўсимликлар, илдимева ва илдимевалилар (қуритиш жараёнида ва киздирганда тез парчаланadi).

Куёнлар турли хил озукаларни истеъмол қилгани учун, уларни ҳар хил шароитда боқиш унча қийинчилик туғдирмайди. Биз айрим озукларга батафсил тўхталиб ўтамиз.

**Кўк озукалар.** Озуқанинг бу тури асосан баҳорда, ёзда ва куз фаслида берилadi. Улар қуйидагилар: кўк беда, маккажўхори, қоқиўт, қўйпечак, полиз экинларининг палаги, сабзавотларнинг барги, дарахтларнинг барги ва новдалари, хомтоқ қилинган тоқ барглари ва хоказо.

Кўк беданинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у витамин ва протеинга бойдир. Ўзбекистон шароитида куёнларни кўк озукалар билан 6 ойдан ортиқроқ боқиш имконияти бор. Кўк озукаларни куёнларга чала қуритилган ҳолда бериш тавсия этилади.

**Хашак.** Бу озуга асосан киш фаслида берилadi. Арпа, сули, тарик ва бугдой сомонларини бериш мумкин. Унинг тўйимлилиги паст, лекин куёнлар хазм жараёнини фаоллаштиради. Куёнлар учун айниқса ўтлоқ пичани фойдалидир.

**Ширали озукалар.** Бу гуруҳга илдимевали ўсимликлар ва силос кириб, уларни пичан ёки ем билан бирга берилadi. Куёнлар учун сабзи энг яхши озукдир. Куёнларга силосни оз-оздан бериб, аста-секин ўргатилади.

**Концентрат озукалар.** Бу гуруҳга донлар ва комбикормлар киради. Куёнлар, айниқса сулини севиб ёйди, лекин сули Ўзбекистон шароитида камроқ ўстирилади. Унинг ўрнига арпа бериш мумкин. Арпани куёнларга беришдан олдин ёрма холига келтирилади. Бугдой кепани ҳам куёнлар учун сеvimли озика бўлиб хизмат қилади. Уни куёнларга беришда намланган ёки ширали озукларга аралаштирилган ҳолда едирилади.

Комбикормларни куёнларга алоҳида бермасдан, балки пичан унига, майдаланган хашаки лавлагига, пиширилган картошкага ёки силосга қўшиб берилadi.

Куёнларга турли озукаларни бериш билан бирга уларни суғориб туришни ҳам унутмаслик керак. Куёнлар сувни кўп ва ширали озукалар еганида эса кам, иссиқ кунлари ва ем берилганда кўп ичади. Катакда хар доим сув бўлиши ва уни хар куни 2-3 марта янгилаб туриш зурур.

Куёнларга озукалар тартибсиз равишда эмас, балки катъий режим, рацион асосида берилиши керак. Куёнлар учун белгиланган катъий режимга кўра улар маълум бир соатда, бир кеча-кундузда уч марта озиклантирилади. Озикнинг кўпрок қисми кечкурун берилади, чунки куёнлар кўпрок кечаси озикланадилар. Эрталаб концентратлар ва сув, ёзда эса кўк озиклар, киш фаслида эса кўпрок пичан билан боқилади. Кечкурун эса ширали озукалар берилади. Сабзавот ва илдизмевали озикларни беришдан олдин улар яхшилаб ювиб тозаланеди ва майдалаб берилади.

Курук, майдаланган озукалар, масалан, кепак, доннинг ёрмаси намлаб берилади, чунки куёнларнинг нафас йўлларини таъсирлайди ва уларни безовта қилади. Пичан ва кўк озукаларни майдаламай бериш мумкин.

Узоқ сақланиб қолган ёки қизиган кўк озукаларни хайвонларга бериб бўлмайди, бунда улар захарланиши мумкин. Шунга кўра ўриб келинган кўк озукалар бироз ёйиб селгитилади, сўнгра хайвонга берилади. Ёмғир ёққанидан кейин ёки шудрингда ўрилган кўк озикни едириш зарур бўлса, уни бироз курук пичанга аралаштириб бериш керак. Киш фаслидан чикқан пайтда куёнларни кўк озикка ўтказишда ҳам курук пичанга кўк озик аралаштириб бериш лозим. Акс ҳолда куённинг овқат ҳазм қилиш тизими бузилиб, қорни шишади ва ичи кетиши мумкин. Киш фаслида эса куёнларга музлаган озукаларни бермаслик керак. Агар катакда музлаб қолган сабзавотлар қолдиғи бўлса, уларни олиб ташлаш керак. Хўл озукаларнинг катакда музлаб қолишига йўл қўймазлик учун уларни исроф қилмасдан оз-оздан бериш керак.

Куёнлар аслида захарли кўк озикларни емайдилар, шунга қарамасдан улардан эҳтиёт қилиш зарур. Захарли ўтлар қаторига итузум, айиктовон, қончўп, дигиталис, зангпоя, сариқбош ўт, сутлама ўт, қарғақўз, пиёзликлар, картошка ва помидор палакларни қиради.

Куёнларни семиртириш учун боқаётганда уларга ўткир хидли ўсимликлардан бермаслик керак (масалан, ёввойи пиёз, балиқ ёки суяк уни), чунки куённинг гўшtidан хид келиб қолади.

Касал куёнларга пархез озиклар бериб турилиши керак. Ўз вақтида йиғиб олинган майдароқ сифатли пичан, дуккакли ўсимликлар пичани, дон ёрмаси, озрок сут ёки сут махсулотларидан пархез озукалар сифатида фойдаланиш мумкин.

Катакда доимо сув бўлиши керак. Болали она куёнларга сув киш вақтида илитиб берилиши зарур. Бўғоз куёнларни боқишга алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг рационни "тинчлик" давридагига нисбатан бўғозлик даврининг бошида 30% га, охирида эса 70% га кўпайтирилиши керак.

Ургочи куён бўғозлик даврида кальций моддасини озукадан икки марта кўп ўзлаштириш қобилиятига эга, шунинг учун кальцийни кунлик нормасига нисбатан 1,5-2 марта кўпайтириб бериш тавсия этилади.

Бола эмизиш даврида она куённи ҳам озикка бўлган талаби ортади. Озикка бўлган талаб эмизиш бошланиш даврининг дастлабки 15 кунда 2 марта, ўрталарида 3 марта ва сутдан чиқишига яқин 4 мартагача ортиши тажриба йўли билан исботланган.

Куёнга рацион тузаётганда унинг физиологик ҳолати (тинчлик, бўғозлик даври, қочиришга тайёрлаш, бола боқиши, семириши), фасллар (ёз, куз, киш, баҳор), озуқанинг турлари ва сифати, албатта ҳисобга олиниши зарур.

Куёнларнинг озикланишида оксилнинг аҳамияти жуда катта. Улар ўсимлик оксиллини ҳазм қилиб, ўз оксилларини ҳосил қиладилар.

Оксиллар биологик хусусиятларига қараб, гуруҳга ажратилади. Биринчиси фақат хайвон тўқимасида учрайди, иккинчиси ўсимликларда ва учинчиси эса хайвонда ҳам, ўсимликда ҳам учрайди. Оксиллар озуқанинг ҳазм қилиш даврида аминокислоталаргача парчаланеди, улар ўз навбатида икки гуруҳга ажратилади: алмаштириш мумкин ва мумкин бўлмаган аминокислотадан иборат.

Алмаштириб бўладиган аминокислота-лар организмда синтез қилиниши мумкин. Озука билан кирганлари уни тўлдиреди. Озуқада бу гуруҳ оксилнинг кам бўлиши ёки бутунлай бўлмаслиги ҳам эндоген (ички) синтез йўли билан организмда ўрнини тўлдиреди.

Алмаштириб бўладиган амниокислота-ларга аланин, цистин, гилицин, глутамин, аспаргин кислота, серин, пролин, тирозин қиради.

Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар организмда синтезланмайди ёки синтезланса ҳам организмнинг талабини тўлик қондира олмайди. Улар қаторига валин, лейцин, изoleyцин, лизин, метионин, фенил аланин, треонин, триптофан, аргинин ва гистидин қиради. Шунинг учун алмаштириб бўлмайдиган аминокислота озик билан организмга кириб туриши шарт. Озуқа рационда алмаштириб бўлмайдиган аминокислота микдорининг бўлмаслиги ёки жуда кам бўлиши куёнларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатиб, турли хил физиологик функцияларнинг бузилишига сабаб бўлади. Чунончи, азот баланси бузилади, иштахаси йўқолади, жинсий фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади ва хайвон озиб-тузиб кетади.

Куёнлар албатта рацион асосида боқилиши керак. Рацион куёнга бериладиган озуқанинг бир кунлик миқдори; бунда хайвон организмнинг хусусиятлари, физиологик ҳолати ҳисобга олиниб тузилмоғи керак.

**Бир кун давомида хар хил озуқа билан боқилганда йиллик эҳтиёжи.**

Куёнбоқар рацион тузишда бериладиган озуқанинг кимёвий таркибини билиш керак. Қуйида куёнлар учун ишлатиладиган ем-хашакларнинг таркибини берамиз. Бу жадваллардан фойдаланиб, куёнлар учун қулай бўлган рационни тузиб олиниши мумкин.

Агар хўжаликда тивит берадиган куёнлар бўлса, уларнинг рационни гўшт ва тери берадиган куёнларнинг рационидан фарқ қилади. Шунинг учун Куёнлар

кундузгига нисбатан кечаси кўпроқ озикланади. Кишда кўпроқ пичан, ёзда эса кўк озикалар сарфланади. Донли озикалар эрталаб берилгани маъкул.

Кечкурун эса ширали озикалар берилади. Сабзавот, илдизмевалар яхшилаб ювилиб тозаланиб, майдалаб берилади.

Демак, дон ёрмаси намланиб берилгани маъкул, чунки куёнларни нафас йўллари безовталанмайди. Пичан ва кўк озикалар майдаланмай бериладн. Узок сақланган кўк озикалар берилмагани маъкул, ўриб келинган кўк озика едириш зарурати бўлса, курук пичанга аралаштириб берилгани маъкулрок.

Агар охурларда музлаган озикалар, илдизмевалар бўлса олиб ташлаш керак.

1-жадвал.

Куёнларни бир кеча-кундуз ва йиллик озика рациони

№	Озука таркиби	Жами бир кунлик рацион (гр.)	Жами бир кунлик рацион харажати (сўм)
1	Маккажўхори	10	30
2	Бўғдой	10	20
3	Арпа	40	40
4	Сабзи	25	25
5	Карам	15	15
6	Курук беда ёки сўлиган ўтлар	50	50
	Жами озика	150	180

Болали она куёнларга совук пайтларда сув илитиб берилиши керак. Бўғоз куёнларга бўғозликнинг биринчи ярмида бўйдок давридагига нисбатан рацион 30%, иккинчи ярим даврида 70% га оширилади. Бўғозлик даврида калцийли озикалар микдорини 1,5-2 марта ошириш керак.

Бола эмизиш даврида она куёнга дастлабки 15 кунлигида рацион 2 марта, ўрталарида 3 марта, сутдан чикиши даврида 4 мартагача оширилади.

Онасидан ажратилган куёнчаларга уларни онаси билан бирга турган давридаги озикаларни 2-3 ҳафтагача бериб турилади. Бир турдаги озикадан иккинчи турдаги озикага 5-6 кун давомида секин-аста ўтказилади. Бунда янги бериладиган озик микдорини кўпайтириб, тўхтатиладиган озика эса камайтириб берилади.

2-жадвал.

Турли ёшдаги куёнлар учун озика рациони (грамм)

Ёши (кун хисобида)	Озик бирлиги	Ҳазм бўладиган оксил	Донли озик	Қишда		Ёзда
				канд лавлаги ёки сабзи	пичан	кўк озик ёки хашаки карам
25-30	65	7	35	20	60	200
30-35	85	9	40	50	74	250
35-40	85	9	40	80	75	250
40-45	95	10	40	80	80	300
45-50	110	11	50	80	90	400
50-55	115	12	55	80	90	400
55-60	120	13	55	80	100	420
60-65	120	13	55	80	100	420
65-70	125	14	55	90	105	450
70-75	145	15	70	100	110	500
75-80	155	16	75	100	125	520
80-85	170	17	80	120	135	580
85-90	175	18	85	120	135	580
90-95	175	19	85	120	135	580
95-100	190	19	90	125	150	650
100-105	190	19	90	125	150	650
105-110	200	20	90	125	160	700

Онасидан ажралиб бокишдаги 2,5-3 ойлик куёнчаларга силос ва кепак берилмайди. Силос корнини шиширади, кепак эса кокцидиоз билан касалланишга олиб келиши мумкин. Куёнчаларга 2 ойлигидан дон ёрмаси бериш мумкин.

Куёнларга 1 чимдим туз ва бўр беришни унитмаслик керак. Куёнчилик хўжалигининг йўналиши, куёнларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари бир-бирларини ҳисобга олган ҳолда йиллик урчитиш жараёнларини ўзига хос ишлаб чикиш муддатлари, микдорн, гўштга топшириш каби она куёнлардан умумий фойдаланиш тартибини белгилайди. Чунончи наслчилик хўжаликлариди она куёндан йилига 4 мартадан оширмасдан бола олиш режалаштирилса, товар хўжаликлариди, 6 мартагача бола олинади.

Рацион тузиш вақтида уларнинг ёши, орик-семизлиги, физиологик ҳолати, йил фасллари ҳисобга олинади, шунда озик таркиби куйидагича бўлиши мумкин.

Агар қуёнлар тўғри рацион асосида боқилса, турли зотнинг болалари бир ойлик бўлганларида куйидаги вазнга эга бўлади (массаси, г ҳисобида):

Ок Ок великан	--	600-700 г
Кулранг великан	--	600-700 г
Вена зангориси	--	450-500 г
Кумушсимон	--	450-500 г
Россия шиншилласи	--	500-650 г
Ок момикли зот	--	400-450 г

3-жадвал.

Турли хилдаги ем-хашакнинг кимёвий таркиби

Озуқаларнинг тури	100 г озик таркибидаги тўйимли моддалар миқдори, г				
	Озик бирлиги	Ҳазм бўладиган оксил	Са (кальций)	Р (фосфор)	Каротин, мг
Беда (кўкати)	21,0	2,7	0,32	0,06	--
Қанд лавлагининг барги	20,0	2,2	0,16	0,04	3,0
Сабзининг барги	17,0	2,3	0,53	0,06	7,0
Беда пичани	50,0	11,6	1,70	0,22	4,5
Силос	21,0	1,4	0,15	0,05	1,5
Қанд лавлаги меваси	26,0	1,2	0,05	0,03	--
Қизил сабзининг меваси	14,0	0,7	0,07	0,07	--
Қовок	10,0	0,7	0,04	0,03	2,0
Маккажўхори дони	157,0	7,8	0,04	0,02	--
Нўхат дони	120,0	19,0	0,20	0,40	--
Ловия дони	120,0	29,0	0,20	0,40	--
Арпа дони	120,0	8,0	0,12	0,33	--
Қунжара	12,0	28,0	0,40	0,80	--
Қон ва суяк уни	90,0	38,0	5,1	5,2	--

Қуёнлар учун озуқа нормаларини белгилашда асосан уларнинг жинси, ёши ва барча физиологик ҳолати назарда тутилиши зарур. Шунингдек рацион тузилганда ем-хашакнинг тўйимлилиги, химиявий таркиби, ва турлари ҳисобга олинади.

4-жадвал

Битта қуённинг ёз ва киш ойларидаги рацион (грамм)

Қуёнларнинг ёши, жинси ва физиологик ҳолати	Ёзда		Қишда		Дон
	Қуёқ озуқа	Дон	Дағал озуқа	Ширали озуқа	
Эркак ва ургочи қуёнлар учун (қочирилмайдиган даврда)	700	20	150	150	40
Эркак ва ургочи қуёнлар учун (қочиш ва қочиришга тайёргарлик даврида)	800	30	150	200	55
Бўғоз қуёнлар учун	800	35	175	200	60
Эмизикли она қуёнлар учун	1200	50	200	300	85
Эмизикли она қуёнлар бўғоз бўлса	1300	80	200	400	95
Эмадиган қуён болаларига, туғилганига 16 кун бўлгач, ҳар бирига қўшимча ҳолда бериладиган озик	80	6	12	30	7
1 ойдан 2 ойгача бўлган қуён болалари учун	300	20	60	100	30
2 ойдан 3 ойгача бўлган қуён болалари учун	400	25	80	150	35
3 ойдан 4 ойгача бўлган қуён болалари учун	500	30	100	200	40
4 ойдан 5 ойгача бўлган қуён болалари учун	600	35	120	250	50
Бўрдоқига боқилаётган қуёнлар учун	600	70	120	300	80

Мутахассислар томонидан кўплаб тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқилган. Бу маълумотлар 1- ва 2- жадвалларда кўрсатилган.

Бу жадваллардаги озуқа нормалари ҳар бирининг тирик вазни ўрта ҳисобда 4 кг бўлган қуёнлар учун мўлжалланган. Қуёнларнинг вазни мана шу кўрсаткичдан 0,5-1,0 кг ортик бўлса, озик нормаси шунга мувофиқ равишда 10-15% оширилиши керак.

**Тивит** (момик) берадиган ёш қуёнларни боқиш рациони (хар бир бошга бир кеча-кундузда, г হিসобида).

*Эслатма:* Ҳозирги янги боқиш технологиясида донатор грануланган озуқалар билан боқилади.

Қуёнларни боқишда қуйидаги профилактик ишларга албатта эътибор берилиши зарур:

- 1) қуёнларга фақат сифатли тоза озуқа ва сув бериш;
- 2) озуқа ва сувни, албатта махсус тоза идишларда бериш. Уларга ахлат тегишидан эҳтиёт қилиш;
- 3) хар доим овқат ва сув беришдан олдин идишларни яхшилаб ювиш (тозалаш);

4) бир турдаги озуқадан иккинчи турдаги озуқага ўтказишни беш олти кун давомида аста-секин амалга ошириш. Бунда янги бериладиган озуқа микдорини кўпайтириб, тўхтатадиган озуқа микдорини камайтириб бориш;

5) 2,5-3 ойлик қуёнчаларга силос ва кепак бермаслик. Силос қуёнчанинг корнини шиширади, кепак эса кокцидиоз билан касалланишига мойилликни кучайтиради. Бу озуқалар она қуён рационидан эмизишнинг иккинчи даврида олиб ташланиши керак. Қуёнчалар икки ойлик бўлганида уларга дон ёрмасини бериш мумкин.

6) қуёнчалар онасидан ажратилганидан кейин ҳам, уларга онаси билан бирга турган давридаги озуқаларни 2-3 ҳафтагача бериб туриш керак.

Қуён боқишда уларни юқумли касалликлардан эҳтиёт қилиш учун қуйидаги санитария ва гигиена талабларига риоя қилиш керак.

Қуёнларни яшаш муддати 8-9 йил баъзан 11 йилидан ошади.

Баланд товуш қуёнларда тана хароратини юрак уриш микдорини нафас олишни тезлаштиради. Бу ошқозон ичак тизими фаоллигини пасайтиради. Жинсий рефлекслар йўқолишига сабаб бўлади.

## ҚУЁН РАЦИОНИ ТАРКИБИ



Макаажўхори 10гр,  
Бугдой 10 гр,  
Арпа 40 гр,  
Сабзи, 25,  
Карам 15 гр,  
Беда 50 гр.



## Қуёнларнинг жинсий хусусиятлари


Қуёнлар бошқа кишлоқ хўжалик хайвонларидан шу билан фак қиладики, улар йил давомида бола бераверади. Кеч кузда жинсий фаоллиги бироз пасаяди. Қуёнларни қочиришдан олдин ота она қуёнлар танланади. Октябрь ноябрь ойларида эркак қуёнларнинг семизлиги аниқланади. Эркак қуён ўртача семизликда бўлиши керак. Агар эркак қуён орик бўлса, қўшимча озиқ бериб семиртирилади. Бирок жуда семиртириб юбориш ҳам маъқул эмас, чунки бунда қуённинг жинсий фаоллиги пасаяди

Эркак қуён урғочи қуённинг қафасига киритилмайди. Кўчиришда унинг мослашиши кийин бўлиб (қуёнлар хидга жуда сезгир), қочириш кечикиб кетиши, хатто айрим ҳолларда содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Қочириш содир бўлгандан кейин, эркак қуён ўзини ён томонга ёки оқрага ташлаб чийиллаган овоз чиқаради.


Ургочи куённи икки марта кетма-кет 10-20 дакика вақт орасида қочириш мақсадга мувофиқдир. Қочириш учун энг қулай фурсат эрталаб ва кечки салқин пайтлар ҳисобланади. Битта эркак куён билан иккита она куённи бир кунда қочириш мақсадга мувофиқдир. Бунда эркак куён зўриқмайди.

Куёнларни ҳозирги кунда сунъий уруғлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Эркак куёнлардан олинган уруғларни баҳолашда ишлатиладиган асбоб усқуналар.



### Куёнларни урчитишда ишлатиладиган асбоб усқуналар



### Куёнларни сунъий уруғлантириш жараёни



Сунъий уруғлантириш йўли билан олинган куёнлар табиий усулда уруғлантириш орқали олинган куёнларга нисбатан тез ўсиши ва касалликларга чидамлилиги жиҳатлари бўйича катта афзалликларга эга.

Шунинг учун бутун дунёда сунъий уруғлантириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Республикадаги барча куёнчилик хўжаликлари ва ветеринария хизматлари бўлимларида сунъий уруғлантириш шаҳобчалари ташкил этиб, чуқур музлатилган уруғ, уруғлантириш жиҳозлари ва асбоб усқуналари билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Куннинг ҳаддан ташқари иссиқ ёки совуқ бўлиши куёнларнинг жинсий фаоллигини пасайтириб юборади. Қочириб бўлгандан кейин катакка ўрнатилган сатҳи 15-20 см ли фанер тахтачага куённинг қочирилган куни ва эркак куённинг картотекадаги номери ёзиб қўйилади.

Она куён биринчи марта қочирилгандан кейин 5 кун ўтгач, иккинчи марта контрол қочириш ўтказилади. Агар она куён қочган бўлса, эркак куённи ўзига яқинлаштирмайди.

Айрим ҳолларда она куёнлар орасида «сохта бўғозлик» ҳолати ҳам учрайди. Бу давр куёнда 17 кун давом этиб, қорин томонидаги юнглари юлиб, болалаш учун жой ҳозирлайди, лекин 12 кундан кейин оналик инстинкти сўнади.

Куённинг уруғланган тухум хўжайраси тўрт кундан кейин бачадонга тушиб, бўғозликнинг саккизинчи куни бачадон деворига туташади. 12-15 кундан кейин эса куённинг бўғозлигини қўл билан ушлаб билиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги ишлар бажарилади. Куённинг қалласи столнинг устида текширувчига қаратилиб, ўнг қўл билан куённи елкасидан ушлаб, чап қўл билан куён қорнининг остки томони секин ушлаб қўрилади. Бунда гилос катталигидаги узунрок шаклларнинг бир нечтасини сезиш мумкин.


Куёнларда бўғозликнинг иккинчи даврида (16-25 кунлар) ҳомила жуда тез ўсади. Масалан, 20 кунлик ҳар бир ҳомила 23 г бўлса, бола берадиган куёнларда ҳомиладорлик 28-29 кунни ташкил этса, кам бола берадиганларда эса 31-32 кунни ташкил этади. Хуллас, ҳомиладорлик даврининг узунлиги кўп бола бериш билан тесқари пропорционалдир.

Она куённи бўғозлик даврида тўла қимматли озуқалар билан боқиб, эҳтиёт қилиб саклаш керак. Бу соғлом бола олишнинг гаровидир. Бўғоз куённи жуда зарур бўлиб қолган ҳоллардагина бир қўл билан елкасидан, иккинчи қўл билан эса қорнидан ушлаб кўтариш мумкин. Ҳомиладорлик даврида куёнлар безовта қилинмаслиги керак. Агар ҳомиладор куёнлар кўрқитилса ёки яшаш шароити кескин ўзгартирилса, уларда оналик инстинкти кескин пасайиб кетади. Бундай куёнлар, ҳатто, болаларни эмизмай қўяди.

Куйида ишни янги бошлаган, хаваскор куёнбокарлар, куёнлардан йил давомида махсулот олиш учун, куйидаги муддатларда бола олишнинг аниқ календар муддатларини режалаштириш мумкин.


#### Куёнларни урчитиш календар режаси.

15.12.	01.01.	Урчитиш учун танланган она куёнлар кочирилади	
05.01.	01.02.	Она куёнлардан биринчи марта бола олинади.	
15.02.	01.03.	Биринчи марта туғилган куёнчалар онасидан ажратилади.	
15.02.	01.03.	Она куёнлар иккинчи марта кочирилади.	
15.03.	01.04.	Она куёнлардан иккинчи марта бола олинади.	
15.04.	01.05.	Иккинчи марта туғилган куёнчалар кунлигида онасидан ажратилади	28
15.04.	01.05.	Куёнлардан учинчи марта бола олинади.	
15.05.	01.05.	Она куёнлар учинчи марта болалагандан кейин кочирилади.	2 кун
15.05.	01.06.	Она куёнлардан тўртинчи марта бола олинади.	
15.06.	01.07.	Январда туғилган биринчи авлоддан биринчи марта бола олинади.	
01.07.	15.07.	Она куёнлар бешинчи марта кочирилади.	
15.07.	01.08.	Январда туккан она куёнларнинг боласи сутдан ажратилади.	
15.07.	01.08.	Январда туккан она куёнчалар иккинчи марта кочирилади.	
15.07.	01.08.	Март-апрел ойида туғилган эркак куёнлар танлаб сўйилади, ургочилари эса кочирилади.	
15.08.	01.09.	Апрел-май ойида туғилган учинчи авлод танлаб сўйилади.	
01.08.	15.08.	Она куёнлардан олтинчи марта бола олинади.	
15.08.	01.09.	Биринчи ва иккинчи авлодда туғилган она куёнлар болалайди.	
15.09.	01.10.	Бешинчи марта туғилган куёнчалар онасидан ажратилади.	
15.09.	01.09.	Июл-август ойида туғилган она куёнчаларнинг болалари танлаб сўйилади.	
01.10.	15.10.	Иккинчи авлод она куёнчаларнинг боласи ажратилади.	
01.11.	01.12.	Асосий наслчиликка танлаб олинган куёнлардан ташқариси сўйилади.	



42-расм. Бўрдоқи куёнлар.


Юкорида баён этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, хўжаликда куёнчилик режали, илмий асосга асосланиб ривожлантирилса, уларнинг даст-лабки болаларидан икки марта бола олиш мумкин. Етиштирилган ҳар бир куён ўртача 2,5 кг дан гўшт беради деб ҳисобланса, бир она куённинг йил давомида болалаши оқибатида 150 кг соф диетик гўшт олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бир дона она куёндан ўртача бир йилда 60 тадан ортик куёнчалар олиш мумкин.



43-расм. Ялов шаронтида боқиш

## КУЁНЛАРНИ ТУҒИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА БОЛАЛАТИШ

**Куёнларнинг қўнайиши.** Бўғоз куёнлар болалашига беш кун колганида эмизётган болаларидан ажратилади. Куён кафасига олдиндан дезинфекция қилинган «туғрукхона» қўйилади. «Туғрукхона»нинг тешиги куён катагининг полидан 10 см юкорида бўлиши зарур. Агар тешикча пол билан тенг бўлса, янги туғилган куён болалари эмиш учун онасини кидириб, «туғрукхона»дан четга чиқиб қоладилар ва катак тешикларидан ерга тушиб кетишлари мумкин. «Туғрукхона»нинг тешиги 10 см баландликда бўлганида куёнчалар уянинг ичида айлана беради.



44-расм Она куён катаги

Она куён эса вақт-вақти билан кириб куёнчаларни эмизиб тураверади.

Олиб қўйиладиган «туғрукхона»ни тайёрлаш кийин эмас, икки томони очик яшикнинг бир томонидан диаметри 25 см ли юмалок ёки тўғри-бурчакли тешик очилиб, куён кафасининг ичига маҳкамланади. «Туғрукхона»нинг ўлчами, яъни узунлиги 60 см, эни 40-45 см, баландлиги 50-60 см қилиб ясалиши мумкин. Агар «туғрукхона»нинг усти берк бўлса, яна ҳам яхши, чунки қоронғи бўлган жой хайвон учун гоят қулай ҳисобланади. Қайсики, ёввойи куёнлар тунда ҳаёт кечирадилар.

Она куён туғишидан 5 кун олдин қорин томонидаги момикларни юлиб туғрукхона ичида жой тайёрлайди. Ана шу даврда куён катагига курук барг, похол ёки ёғочнинг қириндилари ташланса, улардан куён тушама сифатида фойдаланади. Баъзан ёш она куёнлар юнглиридан тўшама хозирламаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда куёнбоқарлар эҳтиётлик билан она куённи кўкрак ва қорин томонидаги юнглиридан юлиб, туғрукхона полига тўшайдилар.

Куённинг болалаш кўпинча кечаси, кам ҳолларда эрталаб ёки кундузи рўй беради ва болалаш 10-30 дақиқагача давом этади. Куёнбоқар туғилган куёнчаларни санайди. Агар улар сочилиб кетган бўлса, бир ерга тўплаб, устидан она куённинг момиги (юнги) билан ёпиб қўяди.



45-расм. Янги туғилган куён болалари

Баъзан она куён ўз боласини еб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Биологияда бу ҳодисани *мандализм* деб аталади. Бунинг асосий сабаби куённинг туғиш даврида сувга ташна бўлиши ва катакда етарли миқдорда сув бўлмаслигидир. Болалаш даврида она куённинг сувга бўлган эҳтиёжи жуда ортиб кетади. Бинобарин, куёнларнинг болалаш яқинлашган сари катакда сувни узмаслик керак. Она куёнлар ўз боласини еб қўйишининг бошқа сабаби ҳам бор. Баъзан янги туғилган юнгсиз куёнчаларнинг айримларида териси зарарланиши туфайли тўқима суюқлиги ташқарига чиқиб қолиши мумкин. Болалаш пайтида она куён организмда минерал моддалар (калий, фосфор, натрий ва хлор) етишмайди. Шу сабабли у янги

туғилган ўз болалари ялаб қуритаётганида тўкима суюқлигига махлиё бўлиб, ўз боласини еб қўяди. Бу ҳол она куёнларни уларнинг бўғозлик даврида озик рационининг таркибида минерал моддаларнинг етарли бўлишини таъминлаш зарурлигини такозо этади.

Агар она куён боласини иккинчи марта болалаганида ҳам еб қўйса, минерал моддалар етарли бўлсада, уни наслчилик гуруҳидан ажратилиб, бурдокига бокилади ва сўйилади.

Катак пештокидаги махсус тахтачага куённинг болалаган кунни ва уларнинг номи ёзиб қўйилади. Баъзан она куён тукканидан кейин безовталаниб депсинади, овкат емайди. Бундай ҳолат кузатилганда она куён тезда кочирилиши керак. Чунки куёнлар тукканидан кейин тезда куюқиши мумкин. Айрим ҳолларда эса она куён сути бўлмаганлиги ёки сут безлари касалланганлиги туфайли болаларни эмизмай, уларни у ёкка, бу ёкка прғитади. Шунда куёнбоқар она куённи синчиклаб текшириб, безовталиқнинг сабабини аниқлайди. Зарур бўлса ветеринария шифокорини чақириб тегишли чора-тадбир қўрилади.

Она куён ҳамма вақт ҳам барча туккан болаларни (5-7 та, ҳатто 11 тагача бола беради) ўзи бока олмайди. Бундай ҳолларда куёнчаларнинг бир қисмини серсут «ўгай она куён»га қўшиб қўйилади. Бунинг учун она куён вақтинча катакдан олиниб, унинг юнги билан кўчириб ўтказилаётган куёнчалар беозор ишқаланади. Сўнгра у «ўгай она куён»нинг уясига солиниб, усти шу куённинг юнги билан ёпиб қўйилади. Ўгай она куённинг хиди куёнчаларга сингигач, она куён уларни бемалол эмиза беради.

Куёнбоқар шу нарсани ҳам ҳисобга олиши керакки, қўшиб қўйилаётган куёнчалар ёши жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қилмасин. Биринчи марта болалаган она куёнлар 5-6 та болани бемалол бокади, катта ёшдагилари 6-8 та, серсут куёнлар эса 10-12 та куёнчани бемалол бока олади.

#### *Она куёнларни уруғлантириш ва туғдириш йиллик режасини тузиш*

Куёнчиликда ишлаб чиқариш календари яъни тақвими деб она куёнларни уруғлантириш, болалатиш, болаларини онасидан ажратиш ва ёш куёнчаларни харажатга чиқариш йиллик режасига айтилади.

Куёнларни туғдириш муддатлари куйидаги мулоҳазалар асосида белгиланиши лозим:

а) ёз фаслида бир марта туғдирилиб гўштга топширилувчи ёш урғочи куёнлар етиштириш мақсадида она куёнларни ишлаб чиқариш йили учун биринчи уруғлантиришни шимолий туманларда декабр бошларида, жанубда эса. Декабр ойининг охирида бажариш лозим;

б) ҳар бир она куён ҳисобига бир йилда 4 мартадан кам бола олмасликка эришиш лозим. Бу хўжаликда мавжуд ишчи кучидан ва асбоб-анжомлардан тўлиқ фойдалана олиш имкониятини беради.

в) она куёнлардан охириги бола олишни шимолий туманларда 20 августдан жанубий туманларда эса, 10 сентябрдан кечиктир-маслик керак. Чунки куён болалари бу муддатдан кеч туғилганда сусти ўсади, озукага нисбатан кам қўшимча вази эгаллайди ва келгуси ишлаб чиқариш фасли ёки йили учун она куёнларни тайёрлаш яхши бажарилмайди.

Куёнларни уруғлантириш ва болалатиш календари ўртача (4 марта) ярим тиғиз (5 марта), тиғиз (6-7 марта) бўлиши мумкин.

г) ярим тиғиз ва тиғиз болалатишда олдинги туғишларда камроқ бола ўстирган ва йирик массасини кўп қамайтирмаган она куёнлар фойдаланилади.

д) тиғиз болалатишда она куённи тукканидан кейин 2-кунни уруғлантириш лозим, ярим тиғиз болалатишда эса, тукканидан 15-20 кундан кейин кочирилади.

е) куёнларни тиғиз болалатиш усулидаги календарда онасидан куён болалари 28 кунлик ёшида, ярим тиғиз болалатишда эса 35-40 кунлик ёшида ажратилиши белгиланади.

ж) она куёнларни болалатишда баъзан бир марта тиғиз, 2-марта ярим тиғиз кўринишида болалатишимиз ҳам мумкин ва йилнинг охирида 6 марта бола олишга тўғри келади. Ўртача (4 марта) календар ҳисобида болалатишда она куёнларни тукканидан 45-60 кундан кейин, яъни куён болалари онасидан ажралгандан кейин навбатдаги болалатиш учун кочирилади.


з) бир марта бола олинишига мўлжалланган урғочи куёнлардан бола олишни ёз фаслига мўлжаллаш лозим, чунки улардан олинган куён болаларини арзон қўк озуқалар билан ўстириб, 120-135 кунлик ёшида юкори сифатли тери бера олиш даврида сўйишга топшириш мумкин.

и) гўшт-тери маҳсулот йўналишидаги зотлардан олинган куён болаларини 4-4,5 ойлик ёшида, яъни туллаш тамом бўлгандан сўнг гўштга топшириш тавсия этилади: шунингдек, тивит йўналишидаги куён болаларини 4 ойликка яқин ёшида сўйишга топширган маъқул, чунки бу даврда уларнинг тивити биринчи қирқимдан (2 ойликдаги) сўнг анча ўсган бўлади.

*Тавсия этиладиган қочирини схемаси*

№	Отасининг зоти	Онасининг зоти
1	Оқ великан куён зот	Шиншилла зоти
2	Кулранг йирик куён зоти	Кумушранг зоти
3	Шиншилла зоти	Хаворанг Вена зоти
4	Калифорния	Хаворанг Вена зоти
5	Калифорния	Қора қўнғир зоти
6	Янги зелландия	Оқ великан куён зот
7	Янги зелландия	Шиншилла зоти
8	Янги зелландия	Қора қўнғир зоти
9	Янги зелландия	Хаворанг Вена зоти
10	Қора қўнғир зоти	Калифорния
11	Қора қўнғир зоти	Янги зелландия

Бунда асосан уч хил зот: оқ великан, фландр ва хаворанг Вена зоти иштирок этган. Яъни кулранг 1-чи бўғин дурагайларини қора рангли дурагай куёнлар билан қочирилган. Натижада 2-чи бўғин вакиллари қоратаргил рангли насл берган. Бу усул айрим ҳолларда ижобий натижа бермасада, баъзан она ёки ота зотига мансуб бўлган барча белгиларини ўз организмда тақорлаши мумкин.



49-расм. Она куён катагини ички кўриниши


**Куёнчиликда наслчилик ишлари.**

Наслчилик ишлари барча куёнчилик фермаларида, уларнинг катта-кичиклиги, худудий хусусиятлари, ишлаб чиқариш йўналишларидан катъий назар текшириш корхоналари ва насли куёнларни етиштириб берадиган наслчилик хўжалилари муҳим ўринга эгадир.

Куёнчилик фермаларида наслчилик ишларини тўғри ташкил қилиш, маҳсулотни кўпайтириш сифатини яхшилаш борасида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шунингдек урғочи куёнлардан максимал миқдорда бола олиш, етилувчанлигини ошириш, ирсий хусусиятларини яхшилаш, ҳамда улар орасида олиб бориладиган селекция тадбирлари билан боғлиқ. Боқиладиган куёнлар серпушт, мўйнаси сифатли гўштдор, ташки муҳит шароитига яхши мослашган, озукани яхши ўзлаштирадиган, ҳар жиҳатдан иктисодий самарадорли бўлмоғи лозим.

Барча куён зотлари бир хил иқлим, ёки боқилиш шароитига бир хилда мослашмайди, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда бир хил имкониятга эга бўлмайди. Шунинг учун маълум иш бошлашдан олдин зотларни танлаш муҳим аҳамиятга эга.



Йирик наслчилик хўжалиklarининг асосий вазифаларига боқилаётган куёнларнинг маҳсулдорлигини ошириш, наслини яхшилаш, янги зот, юкори кўрсаткичга эга бўлган қаторлар бунёд этиш, элита куён болаларини ҳар хил хўжалик фермаларига сотиш учун парвариш қилиш чора - тадбирлари қиради. Наслчилик хўжалиklarида боқиладиган

куёнлар тоза холда, яъни бошка куён зотлари билан мақсадсиз чатиштирмаган холда урчитилади. Юкори маҳсулот кўрсаткичига эга бўлган куён подаларини ташкил қилишда ҳар бир ферма ўз олдига қўйган маълум талаб ва режа асосида иш юритиш керак. Бу борада наслдор эркак куёнларни насл сифатига кўра тўғри танлаш, жуфтлаш ишларини тўғри ташкил этиш, ҳар бир зотни ўзига хос хусусиятларини барча бўғин авлодларда ўз ота белгиларини тобора юкори даражада акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Бунда кариндошлик жихатидан яқин ва узоқроқ бўлган (инбридинг) вакил гуруҳларидан фойдаланиш мумкин. Баъзан каторлар асосида куёнларни урчитиш юкори даражада олиб бориш учун каторлараро урчитишдан фойдаланиш мумкин.

Куён зотларида каторлардан ташқари оилалар ҳам мужассамлашган бўлади. Бунда оиланинг бош номдори ўзининг барча маҳсулдорлик сифатига кўра юкори кўрсаткичга эга бўлиши лозим. Улар бир катор ва оила ўз фаолиятида 4-5 ва ундан ҳам кўпроқ насл бўғин авлодларига эга бўлиши керак. Ҳар бир катор ва оила бошлиқлари (асосчилари) нинг номи ва кўрсаткичлари ҳужжат асосида намоён этилиб турилиши лозим.

2. Куёнчиликда чатиштириш асосий урчитиш усули бўлиб ҳисобланади:

1) Саноат асосида чатиштириш асосан товар хўжаликларига қўлланилади.

Бунда асосий мақсад саноат талабига кўра маълум бир маҳсулот кўрсаткичини юкори даражада бўлган биринчи бўғин наслларидангина фойдаланилади.

Бунинг учун 2 баъзан 3 хил куён зотлари ўзаро чатиштирилиб белгиланган мақсадга эришилади. Олинган дурагай куён болалари ўзларининг бир ёки бошка хусусиятлари билан ота-оналаридан ўзиб кетади. Бир қанча қузатишлар натижасига кўра саноат асосида чатиштириш ишлари ижобий ва фойдали афзалликларга эга бўлган.

2) Галма-галлаб қочириш усулида ҳам куёнчиликда асосан товар маҳсулотига эга бўлган фермаларда фойдаланиш тавсия этилади. Бу усул саноат асосида чатиштириш каби куёнларни гўшт ва мўйна маҳсулдорлигини маълум даражада ошириш омилдир. Чунки кўп вақтда олинган куён болаларида гетерозис, яъни ота ва она хусусиятлардан ҳар томонлама юксак бўлган хусусият ифодаланади.

3) Зотини ўзгартириш, ёки қон сингдириш усулида икки ёки бир қанча зот куёнлар янги зот яратиш мақсадида ўзаро чатиштирилади.

4) Бу усулда содда ва мураккаб қисмга бўлинади.

А) содда усулда фақат 2 зот куёнлари ўзаро чатиштирилади

Б) мураккаб усулда эса бир неча зот вакиллари чатиштирилади.

3. Қон қуйиш мақсадида чатиштиришда асосий мақсад юкори сифатга эга бўлган куён зот вакилларининг у ёки бу кўрсаткичи пасайиб қолганидагина уни юкори даража кутариш учун қўлланилади. Бунда урғочи куён зотининг асосий сифат белгилари сакланиб қолганига ҳам аҳамият берилади. Бунда 1 чи ва 2 чи бўғин дурагайлари яхшиловчи зот эркак вакиллари билан чатиштирилади. 3 чи бўғин вакиллари ўзаро бир-бири билан чатиштиришга тавсия этилади.

Масалан, калта жунли куёнлар мўйнаси яхши бўлсада, ҳаётчанлиги анча паст бўлган. Бунда ҳаётчанлиги яхши зот эркак куёни яхшиловчи бўлиб 3 чи бўғингача ва кейин қўлланилади.

4. Янги зот яратиш мақсадида чатиштириш бир зот таъсирида иккинчи бир куён зоти сифатини тубдан яхшилашда, ёки зотсиз маҳсулдорлиги паст ҳисобланган куёнларнинг ҳар томонлама сифатини яхшилашда қўлланилади.

Бунда 1 чи бўғин вакилларида 2 зот хусусиятлари деярли 50% дан ифодаланса, бу вакиллари яхшиловчи ёки ўша зотнинг эркак вакили билан чатиштиришдан олинган 2 чи бўғин вакилларида тозақонлик хусусияти 75% ни ташкил қилади. 3 чи бўғинда эса бу кўрсаткич 87,5% ва ниҳоят 4 чи бўғинда 93,75% ни ташкил қилади.

Бинобарин, олинган дурагайлар шахсан яхшиловчи зот хусусиятларининг барча кўрсаткич ва белгиларини ўзида намоён этади.

**Бонитировка** деб ҳайвоннинг умумий кўрсаткичларига кўра унинг барча наслий қимматини баҳолашга айтилади.


Бонитировка куёнларда асосан қиш фаслида ўтказилиб яқунланади, чунки туллаш бу даврда сустлашади. Бонитировкадан олдин куёнлар ветеринария кўригидан ўтказилиб касаллари алоҳида ажратилади.



Бонитировка маълумотлари асосида наслчилик ядроси тўлдирилади, жуфтлаш режаси тузилади, наслик куёнларни ўстириш, наслик

куёнларни ўзаро олди-берди қилиш каби бошқа режалари тузилади. Бонитировка маълумотлари асосида куёнлар ЭЛИТА, 1,2,3 умумий класслари аниқланади. Насллик ядросидаги куёнлар миқдори умумий подани тўлдирувчи ёш куёнлар билан аниқланади, яъни хўжаликда булар 30-35% ни ташкил этиши керак.

Куёнлар одатда турли усулларда, аниқроғи улар наслдорлик ва маҳсулдорлик сифати бўйича баҳоланади. Бонитировка қилишдан олдин куёнлар ветеринария кўригидан ўтган, ёши ҳамда касаллиги бўйича навбатдаги кўриккача куёнлар брак қилинган, семизлик даражаси текширилган, куёнларни келиб чиқиши бўйича ҳисоби ва қулоғидаги рақамларни мавжудлигига эътибор қилинади.



*Зотдорлигини баҳолаш.*

Соф зотли урчитишда бир зотга мансуб эркак ва урғочи ҳайвонлар ўзаро жуфтланиб улардан насл олинади. Улардан туғилган авлодлар шу зот бўйича соф зотли деб ҳисобланади. Шу куёнлар Элита ва I класс синфига киритилиб баҳоланади.

**Тирик вазнини баҳолаш.** Куёнларни тирик вазнини махсус 0,1 кг ўлчамли аниқ ўлчанадиган тарозида бирма-бир ўлчаб аниқланади. Олинган вазн натижаси маълум бир классда баҳоланади. Бунинг учун вазни бўйича талаб стандарт мавжуддир.



46 расм.

**Тананинг ранг қопламига баҳо бериш.**

Бу кўрсаткичга одатда кўз билан чамалаб рангига қараб баҳо берилади. Ҳар бир зотнинг ўзига ҳос тивитининг ранги билан зотларга ажратилади. Авваламбор соф зотли, мустақил тана тузилишдаги ноябр ва декабр ойларида бонитировка қилинган ҳамда кўрикдан тўлиқ сифат жиҳатдан жавбо берган куёнлар элита классга мансуб мансуб. Агар ҳамма белгилари бўйича талабга тўлиқ жавоб бериб элита классга жавоб бериб ота-онаси ирсий белгиси бирортасининг I класс бўлса у ҳолда бу куён I-классга мансуб. Агарда куённинг бирор бир белгиларидан 2 ёки 3 чи классларга тааллуқли жойи бўлса, у ҳолда у ёки бу классларга мансуб деб топилади.

**Куёнларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари**


Барча чорва моллари сингари куёнлардан ҳам бир неча хил маҳсулотлар олинади. Булар тери, консервалар, олий навли елим, қонидан ҳайвонлар учун озуқа, гўнгидан азотга бой органик ўғитлар, турли хил ферментлар, тивит, парҳез гўшт ва ҳар хил мўйналар олинади.

**Куёнларнинг гўшт маҳсулдорлиги.**

Куёнчиликдан хилма-хил маҳсулот ва хом ашёлар олиниши мумкин. Халқимиз иборасида айтганда "Етти хазинанинг биридир". Чунончи

мустақил Ўзбекистонда ривожланишининг бозор иктисоди йўналишини танлаган бир пайтда кўп тармоқли фермерлик, ва хонадонларда, деҳқон хўжаликларнинг тараккий этишида тадбиркорлик воситаси сифатида фойдаланса бўладиган тармоқдир.

Ўзбекистон шароитида ана шу имкониятлар мукаммал ишга солинса, барча хўжаликлар шароитида катта бевосита аҳолининг фаровонлиги ошиши ва ҳукуматимиз йўлланмасига лаёқатли ҳисса қўшган бўлинади.



50 расм. Куён гўшти нимтаси

Куёндан пархез гўшт, ҳар хил мўйналар, чарм-гериси, сифатли майин тивит, ҳар хил консерва маҳсулотлари, турли ферментлар, туғилган болаларини 2 кунликкача биолобораторияларга топшириб ҳар хил вакциналар тайёрлаш, кулок кафт (сўйишдаги) чикимларидан олий навли елим, кушхона чикитларидан гўшт-суяк уни, ҳамда гўнг органик ўғит ва бошка нарсалар етиштириш мумкин.

Куёнларни сўйишдан олдин туллаш даражасини, семизлик ҳолатини бирма-бир қўл билан силаб кўриш маъқул. Чунки уларда туллаш бошка хайвонлардан фаркли ҳолда кўпгина омиллардан ташқари ёшига ва йил мавсумига боғлиқ ҳолда кечади. Йилнинг ҳар хил фаслида туғилган куён болалари ёшига караб туллаш даражаси ҳар хил бўлади.

Куённи орка оёқларидан чап қўлда ушлаб калласи пастга қаратилади. Махсус таёк билан энсасига ўртача куч билан урилади. Куён хушсизланади. Орка оёқларидан махсус илгакка илиб боғланади ва консизлантириш учун кўзи уйиб олинади, ёки бўйинда пайпаслаб кўриш

билан лукиллаб турган уйқу артерияси топилиб пичокни учи 1-2 см томирга синчилади. Қонни тўлик чиқиши учун 5-7 минут кутилади.

Куён гўшти жуда мулойим, хуштам, чунки парранда гўштига нисбатан ҳам тўлик қийматли оксилларга бой. Шунинг учун ёш болаларга, кексаларга, беморларга ва ҳаддан зиёд семирган кишиларга ҳам шифоли, пархез озик-овқат ҳисобланади. Таркибидаги оксил жиҳатидан факат курка жўжаси гўшtidан орқада қолиши мумкин. Чўчка гўштига нисбатан эса сув микдори ҳам, қурук моддаси ҳам кўп.

Куён гўшtidан парранда гўштига нисбатан натрий моддаси 2,7 марта, бузук гўшtidан эса 2,4 марта кам. Бу нарса холестерин моддасини камайишига, гўштининг шифобахшлигига сабаб бўлади. Европа мамлакатларида XX аср ўрталарида 1 бош куён нархи 1 бош ёш чўчка билан тенг бўлган.

Куёнларнинг тирик вазнига нисбатан 70% ини, қорамолларда эса 42-50% ини мускул толаси ташкил этади. Суяк ва тоғайлар куёнларда 13-36% ташкил этса, қорамол гавда гўштининг 18-30% ни ташкил этади.



51-расм. Сиркаланган куён гўшти


Куён болалари 70 кунликда гўшт учун сўйилиб, гўштининг таркибида 22% гача оксил, 5% гача ёғ, тирик вазни эса 2 кг атрофида бўлади. Вояга

етган куёнлар гўшtidан 19-21% оксиллар, ёғ эса семизлигига кўра 2-18% гача бўлиши мумкин.

Гўшт учун сўйилган ҳар қандай куёнлар гўштдорлигини сўйим чикими кўрсатади. Сўйим чикими - ички ёғи ва гўштнинг сўйим олди тирик вазнига фоизларда аникланади. Куёнларда бу кўрсаткич ёши, семизлик даражасига қараб 47-60% гача бўлади. Давлат андозаси талаби бўйича сўйилган куён гавда гўштига қараб БИРИНЧИ ва ИККИНЧИ семизлик даражаларига бўлинади.

1 - даражали гавда гўштида мушаклар яхши ривожланган, гавданинг қарчиғойида ва чот қисмида яхши ёғ қатлами кўринади. Умуртқанинг устунги ўсимтаси бўлинмайди. Бўйрак яримгача ёғ билан ўралган.

2 - даражали гавда гўшти қоникарли, ўртача ривожланган қарчиғайда ёғ излари билинади. Чот ва бўйракда ёғ сезилмас ҳолда. Умуртка ўсимтасида озгина билиниб туради.




52-расм. Куён гўшти

#### Куён гўшти

Натрий тузлари куён гўштида кам бўлади ва бу унинг бошқа хусусиятлари билан бир қаторда парҳез овқат сифатида яққол устунлигини белгилайди. Паст қувватли бу гўштни мунтазам истеъмол қилиш инсон учун меъёрни сақлаб туриш имкониятини беради.

Шифокорларимиз куён гўштини парҳез махсулотлар қаторига киритадилар.



53-расм. Лахм куён гўшти

Куён гўшти консерва қилинганда ҳам, дудланганда ҳам ўз мазасини ва сифатини сақлаб қолади. Шунинг учун хорижий мамлакатларда куён гўштига талаб юқоридир. Юмшоқлиги жиҳатидан куён гўшти парранда гўштига ўхшаб кетади, калориялиги жиҳатидан эса товук гўшtidан қолишмайди.

Куён гўштнинг хазм бўлиш даражаси қорамол, чўчка ва қўй гўшtidан юқори туради, чунки унинг таркибида енгил хазм бўлувчи тўла қийматли оксиллар кўпдир. Куён гўштнинг 100 г. идан 90 г.и хазм бўлса, мол гўштнинг шунча қисмидан 62 г. гина хазм бўлади. Куён ёғи тез эрийди ва хазм бўлиши қўй ва мол ёғига нисбатан енгилдир. Демак, куён гўшти енгил ва микдорий жиҳатидан кўп хазм бўлиб, организмга кўпроқ Энергия бериш қобилиятига эгадир.

100 грамм гўштни хазм бўлиш даражаси (рақимда)





47-расм. Куён гўшти нимтаси

Ҳозирги вақтда фан ва техника жадал суръатларда ривожланиб бораётган бир даврда аҳоли орасида кон босими касаллиги ҳам кўплаб учрамоқда. Бу касалликнинг сабабчиларидан бири деб тиббиёт ходимлари холестеринни кўрсатмоқда.




48-расм. Қадокланган куён гўшти.


Холестериннинг миқдори бузук гўштига нисбатан куён гўштида 2,7 мартаба камдир. Текширишлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, қари молнинг гўштида холестериннинг миқдори бузук гўштига нисбатан анча юқоридир.

Гўштлар таркибидаги холестерин миқдори куйидагича белгиланган: мол ёғида - 1,25 г., чўчка ёғида - 0,33 г., бузук гўштида - 0,11 г., кўй ёғида - 1,40 г., куён гўштида - 0,4 г.


Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, биз кўп истеъмол қиладиган мол ва кўй гўштининг таркибида холестериннинг миқдори кўп, куён гўштида эса жуда кам.




49-расм Куённинг юрак ва ўпкаси



50-расм Куённинг тили



51-расм Куённинг жигари




52-расм Куённинг буйраги

Шифокорларимиз куён гўштининг парhezлигини ҳисобга олиб, унинг катта ёшдаги инсонларга, қон босими кўтарилган касалларга, жигар ва меъдаси касалланган беморларга, ҳомиладор аёлларга истеъмол қилишни тавсия этадилар. Куёнлар ёппасига сўйилганда кўшимча маҳсулот, яъни ошқозон йиғиб олиниб, ундан ошқозон шираси тайёрланади. Бу эса меъда-ичак касаллигига йўлиққан беморларга дори сифатида ишлатилади. Куён суякларидан суяк уни тайёрланади, бу эса барча чорва моллари учун кўшимча витаминларга бой озука ҳисобланади. Бундан ташқари, бу суяклардан олий навли елим тайёрланади. Куёнларнинг қони ҳам фойдали бўлиб, у барча насл учун бўрдоқига боқилаётган ҳайвонларни рационига қон уни сифатида қўшиб берилади.

### Куёнларнинг тери маҳсулдорлиги.

Куён ветеринария ва медицинада, ҳатто космонавтикада энг қулай лаборатория ҳайвони сифатида фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистон хўжаликларида куён асосан гўшт ва мўйна учун урчитилади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида етиштириладиган турли хил мўйналар ичида куён мўйнаси салмоқли ўринни эгаллайди. Куёнларнинг сифатли терисидан келадиган даромад гўштидан келадиган даромаддан деярлик кам бўлмайди. Шунинг учун куённи тери ёки гўшт учун сўйишдан катъий назар терининг сифатига аҳамият бериш лозим.



53-расм. Куённинг териси

Куёнлардан сифатли тери олиш учун уларни ўз вақтида сўйиш ва терисини сифатига этибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Куёнларнинг териси бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларини терисига мос ҳолда ажратилса тайёрлов идоралари қабул қилмайди. Куёнларни 3-4 ойлик бўлганда танлаб сўйиш мумкин. Бунда куённинг туллаш даражаси улар жунини пуфлаб кўриб, терини рангига қараб аниқланади. Бунда туллаш жараёнида алмашинаётган жун ўзаги қисмидаги терида кўкимтир ранг билинади.

Терини сўйилгандан кейин ички томонидан ҳам доғлари бўлади. Жунни сиқиб, ёки тортиб кўриш, билан туллаш жараёнини аниқлаш мумкин, яъни туллаётган жун толалари қўлга осон илашади. Куёнларда туллаш қиш фаслида секинлашиб ноябр март ойигача сўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Лекин Агрофирмалар тузилишидан келиб чиқиб ҳайвонларни йил давомида сўйиш тавсия этилади.

Куён болаларини йилнинг кайси фаслида, ёки даврида туғилганига караб туллаш муддати тугаб яна такрорланишигача бўлган даври ҳар хил бўлади. Йилнинг бошида, яъни март ойида туғилганлари учун тулланишни тугалланишига 270 кун, июнь ойида туғилганларига 190 кун, июль охирида туғилганлари учун 150 кун муддат керак.

Сақраш бўғинидан тери айлангириб кесилиб, орка оёқни ички томонидан кесилиб орка чиқарув тешигига бирлаштирилади. Деярли қолган қисмдаги тери қўл билан мешсимон ажратилади. Дум умуртка суякларидан ажратилади. (Бундан олдин олдинги оёқлардан кўтариб қорни баландга силаниб, сийдикни чиқариш керак). Сўнгра тери пастга тортилади. Қари куёнларда кулок тоғайи, кўзларининг атрофи, бурун ва лаблари пичок ёрдамида олдинги оёқлари қафт бўғинидан кесиб кулок тоғайлари олиниб клей тайёрлашга топширилади.

Ажратилган тесқари ҳолатдаги мешсимон тери махсус тўғрилагичларга кийдирилади. Тўғрилагич узунлиги 100 см, баландлиги, эни 5 см, охириги эни 30 см гача бўлади. Ёғочдан ясаб, понали шаклда кулай, терини таранглашга ўнғай бўлади. терини тузламасдан шамол тегадиган, сояда ҳарорат 30°C, дан ошмайдиган жойда тик қурилади. Қўришдан олдин теридаги ёғ ва ёт қолдиқлари ўтмас пичок билан дум томонидан бошига караб тозаланади. Дастлаб ишланган куён терисининг вазни 1,1 кг дан кам бўлмаслиги лозим.

Яқши қуриган терилар тахланиб тайёрлов идораларига, ёки шартнома асосида истеъмолчиларга топширилади. Куён мўйнасида чиройлик пальто, кулокли тепаклар, ёқалик, нимтаки, болалар пўстинлари тайёрланади.

Куён чарм-терисидан қўлқоплар, сумкалар енгил оёқ кийимлари қабила тайёрланади. Куён терисининг товарлик (махсулотлик) хусусиятларини унинг ўлчами (юза сатҳи), чидамлилиги, вазни, жун толаларининг тигизлиги, ҳаво ўтказувчанлиги, ташки кўриниши, ранги ва бошка шу қаби кўп кўрсаткичлар ташкил этади. Куён терисининг ўлчами кўзлар ўртасидаги қизикдан дум асосигача бўлган узунлик ҳисобида олиниб

Давлат андозалари талабига кўра бошли ва бошсиз.

#### Куён терилари қуйидаги 3 та гуруҳга бўлинади.

Гуруҳлар куён терисининг юза сатҳи, см<sup>2</sup> билан ўлчанади ҳамда бош қисми ва бош қисмсиз бўлақларга ажратилади.

1. Алоҳида, (йирик) 1600 см<sup>2</sup> дан зиёд 1500 см<sup>2</sup> дан зиёд
2. Йирик 1300 см<sup>2</sup> дан 1600 см<sup>2</sup> гача 1200 см<sup>2</sup> дан 1500 см<sup>2</sup> гача
3. Майда 1300 см<sup>2</sup>, 1200 см<sup>2</sup> дан кам

Давлат андозасига кўра куён мўйна териси сифат кўрсаткичларига кўра 4 та навга бўлинади.


1-навга терида қилтиқ ва тивит толалари етилган терилар қиради. Терини ички томони тоза бўлиши керак. Баъзан камгина қилтиқ ва тивит толалари етилмаган, шунингдек ички қисмида кўпчилик белгилари озгина бор бўлсада турининг умумий юзасига нисбатан 1% дан ошмаса ҳам 1 - навга ўтказилади.

2 - навга теридаги қилтиқ ва тивит толалари тўлиқ етилмаганлари қиради. Терини ички қисмида тўлиқ ёки парчалардан иборат кўкишлик белгилари мавжуд. Бўлсада, яғрин қисми тоза бўғинлари қиради. Баъзан - 1 - навга хос, лекин жун қоплами сийрак ва юпка терилар ҳам бу навга қиради.

3 - навга куён мўйнасидаги қилтиқ ва тивит толалари тўла етилмаган, терини этли қисми ёппасига, ёхуд парча-парча кўкишлик кўринишидаги терилар қиради.

4 - навга сийрак қилтиқ ва тивит толаси, жадал туллаш даврида сўйиб олинган терилар қиради. Ички эт қисми ҳам тўлиқ ёки парча-кўкишликка эга бўлган терилар қиради.


*Куёнларнинг тивит маҳсулдорлиги.* Куён тивити ҳалқ хўжалигида қатта аҳамиятга эга. Тивит асосан тивит йўналишидаги алоҳида зотли куёнлардан тараб олинади. Ҳар бир куёндан бир марта таралганда 150-170 г. дан бир йил давомида 5-6 марта тивит олиш мумкин, йил давомида ҳар бир вояга етган куёндан 450 г. дан 1020 г. гача тивит олинади. Болалари билан ҳисобланганда 1 она куёндан 1 йилда 2 кг, дан кўпроқ тивит етиштириш мумкин.



54-расм. Тивит йўналишидаги куён

Куёнлардан асосан тивит 2 усулда, яъни қирқиб ва тараш усулларида олинади. Қирқиб олинган анча сифатсиз бўлади, чунки толани ярми

терида қолади, олинган толалар бир хил бўлмайди. Куён болалари дастлаб 2 ойлик бўлганда киркилади. Кейин 6 ойликкача ҳар икки ойда бир марта 6 ойликдан кейин ҳар ойда тараш йўли билан тивит йиғиштирилади. Тивит махсулдорлигига куённинг ёши, озиклантириш шароити жинси, физиологик ҳолати, асраш, йиғиш техникаси ва йиғиш сони кабилар таъсир этади. Она куёнлар болалаш олдида танасидан тивит (30-40г) тараб олиб боласини ўраш учун ишлатилади. Бу хўжаликларда анча микдорга этади. Боласини ажратиб, янгилаш даврида уни йиғиштириб олиб тозаланади. Буну уя тивит дейилади.



55-расм. Куён тивити

Куён тивити давлат андозасига қўра қуйидаги навларга бўлинади: **экстра** нави - жуда оқ ифлосланмаган, чигалланмаган, толасини узунлиги 60 мм.дан зиёд.


**1.нав**-тивитни тозаллиги экстрага хос, бироқ тола узун 45-59 мм.

**2.нав**-тивитнинг тозаллиги олдинги-ларидек, бироқ толаси узунлиги 30-40 мм.

**3.нав**-тивитнинг тозаллиги юқорида-гиларга ўхшаш. Толанинг узунлиги 11-29 мм бўлиши лозим. Чигалланган кисми 3% дан ошмаслиги керак. Куён тивит ингичкалиги, пишиклиги, иссиқликни сақлаш каби белгилари билан майда шоҳли моллар жуни ва тивитдан қолишмайди. 1 кг куён тивитидан 25 та аёллар бош кийимини тайёрлаш мумкин. Куён


тивитнинг ҳар бир нави давлат андозаси кўргазмасига асосан техник ҳолатларга қўра меъёрий ва нуқсонликларга бўлинади.

**Нуқсонли**- деб экстра, биринчи ва иккинчи навли тивитларнинг чигалланганлик ҳолати 30% дан ҳамда ифлослиги 5% юқори (умумий вазиятига қўра) дан ошмаганлиги ҳисобланади. Куён тивитнинг учинчи навлиси агар ифлослиги қўшимчалари 5% дан 10% гача бўлса, ҳамда кучли саргайганлиги мавжуд бўлиб, 11 мм дан калта жун толалари 10-30% ни ташкил этса нуқсонли ҳисобланади. Яроксиз куён тивитга толаларнинг узунлиги 11 мм дан кам бўлган ҳашаротлар билан бузилган ёки бошқа ифлосланиш микдори 11% дан 30% гача киради.



## КУЁНЛАР ГҮНГИНИ ИШЛАТИШ

Куёнлар чорва фермаларида бокилганда кўплаб гўнг олиш ва тўғридан-тўғри экинларга солиш мумкин. Куён гўнги тўла кимматли ўғит ҳисобланади. Ундан сабзавотларни ва мевали дарахтларни ўғитлашда кенг фойдаланилади. Бир она куёндан йил давомида келтирилган болалари билан 200 кг гўнг ажратади. Шундан 44 кг урғочи, 6 кг она куён ҳисобига, 20 бош эркак туғилган куёнларга 150 кг тўғри келади. Ҳозирги кунда 500 бош она куён сакланадигон фермалардан 100 т органик ўғит олинади.



Куён ва бошқа ҳайвон гўнгининг кимёвий таркиби (г ҳисобида)

Гўнгининг ҳолати	Қурук модда	Азот	Фосфор	Калий
<b>Табний куён гўнгида</b>				
Юмшоқ гўнга	26,75	1,4	0,4	0,4
Қаттиқ гўнга	45,2	1,1	0,4	0,2
<b>Қуритилган куён гўнгида</b>				
Юмшоқ гўнга	7,9	5,0	1,4	1,5
Қаттиқ гўнга	3,9	2,4	0,9	0,6
<b>Бошқа ҳайвонларнинг гўнгида</b>				
Қорамол гўнгида	25,5	0,6	0,23	0,17
Чўчка гўнгида	24,3	0,7	0,39	
Товуқ гўнгида	27,2	0,9	0,42	0,44
<b>Қуритилган гўнглarda</b>				
Қорамол гўнгида	2,4	0,9	0,9	0,66
Чўчка гўнгида	2,9	1,6	1,6	
Товуқ гўнгида	3,4	1,5	1,5	1,60


Жадвалдан кўришиб турибдики, куён гўнгининг таркибида ўсимлик учун керакли бўлган азот ва фосфорнинг миқдори бошқа чорва молларининг гўнгига нисбатан кўпдир.

## КУЁНЛАРДА УЧРАЙДИГАН КАСАЛЛИКЛАР.

### Куёнларни геморагик инфекцион касаллиги

Ушбу касаллик Австралияда ҳаддан ташқари купайиб кетган ёввойи куён ва кемирувчиларни жадал ва оммавий тарзда кириб ташлаш учун махсус кучайтирилган вирус томонидан кўзгатишган. Касалик илк бор 1984 йилда Хитой ва Ҳиндистон орқали Владивостокка киритилгани маълум.

Куённинг захарланиши кўринишида ўта кескин кечадиган бу касаллик, оқибати ўлим билан жуда тез яқунланиши боис, унинг клиникасини пайкаб қолишнинг имкони деярли йўқ. Гўё соппа-соғдек турган куёнлар бутун бошли ферма ёки гуруҳ таркибида кирилиб кетади. Очилган жасадларда шилимшиқ трахея, бронх ва ўпкаларда кон куйилган кичик нукталар, айрим мурдаларнинг ичакларида эса бироз кон куйилиш аломатлари, ошқозонлари емга тўла ҳолда бўлишини кузатиш мумкин.




### Касалликка қарши кураш чоралари.

3%ли гидроокс алюмин ва 0,8% фармалинда заифлаштирилган касаллик кўзгатувчи вирус штамм Владимир-2000, Раббивак-V куённинг геморагик касаллигига қарши вакцина 1 ойли куёнга бир мартаба 1мл дозада, ТЕРИ ЁКИ МУСКУЛЛА ОРАСИГА юборилади. Касаллик

қузғатувчисига таъсирланмаслик (иммунитет) хусусияти куён 7 ойга тўлгунга қадар давом этади.

**Миксоматоз** - шилимшиқ копламининг шамоллаши, орқа тешик, жинсий аъзо, бош, қулоқлар шишиб кетиши билан ("шер башара") кузатиладиган вирусли касаллик. Бундан ташқари йиринглаган шакллар ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Куён ўлими билан яқунланиш кафолати деярли 100%. Ушбу касалликка хонаки ва ёввойи куён таъсирчан бўлиб, қузғатувчи манба сифатида касал ва касалланиб ўтган куён хизмат қилади.

Касалликнинг тараккиётида чивин, бурга ва битлар муҳим роль уйнайди.




57 расм Касаллик аломатлари.

Яширин даври 5-7 кун. Дастлаб шапок-йирингли конъюктивитни пайқаш мумкин. Куён киприклари ёпишиб, шапок-йирингли оким пайдо бўлади. Жониворнинг нафас олиши қийинлашиб, пишиллаб қолади.

**Касалликнинг олдини олиши ва қарши кураш усуллари.** Четдан олиб киритилган куён албатта карантинда сақланиши лозим. Касаллик қўзғалиши билан касалланган куён дарҳол сўйилиши керак. Гўшти қайнатилиб, умумий тартибда сотилиши мумкин. Эмаётганидан тортиб кексасигача барча куёнлар эмланиши керак.


#### **Юқумли шамоллаш - ринит.**

Барча куёнлар орасида кенг тарқалган касаллик. Бурундан суюқлик чиқиб, акса уради, олд оёқларида қичима пайдо бўлади. Бемор жониворларни сўйиш мақсадга мувофиқдир.



59 расм Стоматит ("хўл тумшук")

Юқумли касаллик. Одатда 3 ойга тўлмаган куёнчаларда учрайди. Сўлакнинг кўп ажралиши оқибатида бўйин ва кўкраклари ифлосланади. иштаҳалари йўқолиб 5-6 кун бетоб бўлади. Касал куёнларнинг оғиз бўшлиғини 1-2% мис сульфат эритмаси, калий перманганатнинг (тўқ бинафша рангли кристалл модданинг) 0,1-0,2% эритмаси, фурацилиннинг 1:5000 эритмаси билан ювиб тозаланади. Куёнга юмшоқ майин ем берилади.



60 расм Эймерноз (кокцидиоз)

Асосан ёш куёнларда кузатиладиган ўткир инвазион касаллик. Жониворларнинг озиб-тўзиб заифлашиши, ичбуруғ, камқонлик, қорин хажмининг йириклашиши, томир тортишиши ва оммавий қирилиши

билан тавсифланади. Бир неча турга мансуб содда организмларнинг ошқозон-ичак тизимидаги шиллик пардалар ва жигарнинг сафро оқими йўлида йиғилиб қолиши билан юзага келади. Ушбу касаллик йилнинг илик ва сернам кезларида жадал кўзгалади.

**Касаллик кечми эсраёни ва аломатлари.** Ёш қуёнчаларнинг иштаҳаси йўқолади, ўсиш ва ривожланиши сустлашади. Дефекация тезлашади, нажаси кон ва шилимшиқ аралаш чиқади, қорни ва жигари катталашиб кетади. Қуёнларда томир тортишиш, бошини орқага ташлаш, орқа оёқларини чўзиб, олд оёқлари билан сузиш қаракатларини бажариш ҳолатлари кузатилади. Катта ёшдаги қуёнларда ҳам сурункали юз бериб туриши кузатилади.

**Даволаш усуллари.** Касалланган қуёнларга имисан 2,5% ,ампровет 25% тайинланиб, орада 3 кунлик танафус билан ҳар бири 5 кундан давом этадиган икки боскичда толтрокс 2,5% билан уйғунлаштирилади. Таркибида кокцидиостатик моддаси мавжуд премикслар эмга аралаштириб берилганида даволаш самарадорлиги янада ошади.

### 1. Қуёнларни совук уриши.

Қуёнлар очик ҳавода ғоят совук ҳароратда сақланганда уларни совук уриши мумкин. Бунда қуёнларда қуйидаги белгилар содир бўлади: қуённинг қулоқлари ва оёқларининг учи зарарланади, совук урган жой кизаради, пуфак ҳосил бўлади ёки ўша ердаги тўқима ўлиб, тушиб кетади.

Агар қуённинг қулоғи бироз кизарган бўлса, уни қор билан ишқаб, иссиқроқ хонага олиб кирилади. Кейин қуён ёғи ёки 1% ли йод малҳами суркалади. Совук урган жойда пуфак пайдо бўлган бўлса, ўша ери очилиб, суви чиқарилади ва пеницилинли малҳам қўйилади. Агар тўқима ўлган бўлса, олиб ташланиб, ярага стрептомицин малҳами қўйилади.

### 2. Қуёнларни қуёш уриши.

Юқори ҳароратда ёки қуёш нури тик тушганда, қуёнхона дим бўлиб кетганда қуёш нури уриши ҳоллари вужудга келади. Бу ҳол Ўзбекистон шароитида кўп учраб туради. Бунда қуйидаги белгилар кўзга ташланади. Қуёнлар кам ҳаракат бўлиб, озикка карамайди, нафас олиши тезлашади, кўз атрофи, оғиз ва бурни, орқа чиқарув тешиги кизариб, айрим ерлари кўкариб кетади. Кейинчалик титраб, ҳалок бўлади. Бундай ҳолат содир бўлганида қуён совуқроқ хонага кўчирилади. Қуённи бошига хўлланган латта босиб, ҳар 4-5 минутда янгиллаб турилади. Ҳатто, қуённинг усти бирор материал билан ёпилиб, сув қуйиш мумкин. Қуёш ургани қарча тез аникланса, шунча тез тузалади.

Касалликнинг олдини олиш учун қуён катаклари бостирмалар тагига, дарахтларнинг соясига жойлаштирилади. Бунда катакларга эрталаб ёки кечкурун қуёш нури тушиб турсин.

### 3. Туғишнинг кечикиши.

Одатда қуёнлар 28-30 кунда туғади. Айрим ҳолларда туғиш 34-36 кунга чўзилиши мумкин. Ундан ҳам чўзилиб кетса, ҳомилада бирор ходиса юз берган деб қараш керак. Ҳомирани қўл билан ушлаб кўрилганда кимирламаса, қориннинг катталашиб кетгани кузатилса, қуённинг елка териси остига 1 мл питуэрин ёки окситоцин моддаси укол қилинади. Бу дори қуён бачадонини ҳаракатга келтириб, сунъий туғишни вужудга келтиради.

Баъзи ҳолларда туғишнинг кечикишига, қуёнларни бўғозлик даврида хаддан ташқари кўп боқилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун қуён туғишга яқин унга тўла қимматли озиклардан оз-оздан тез-тез бериб турилади.

### 4. Метиоризм (ичак шишиши)

Бу касаллик кўпинча қуёнларга янги ўрилган ва хўл хашакларни кўп бериш оқибатида келиб чиқади. Булар қаторига етилмаган беда, себарга, хўл ўтлар, моғорлаган хашак, кизиб қолган кўк озиклар ва ачиган озиклар сабаб бўлади.

Касаллик аломатлари қуйидагилар: қуён озикни емай қўяди, қорни катталашади, нафас олиши тезлашади, аммо юзаки бўлиб, худди бўғилиб қолганга ўхшайди. Шундай ҳолат содир бўлганда биринчи навбатда сифатсиз озик рациондан чиқарилиши керак. Касал қуёнга эса 5-8 мл ихтиол эритмасидан ёки 3-5 мл сут кислота мушқул орасига укол қилинади. Қуённинг қорни енгил силанади, вақти-вақти билан катакдан чиқариб ҳаракатлантирилади.

### Чечак.

Бу касаллик юқумли бўлиб вируслар вужудга келтиради. У тез тарқалади. Баъзан эса қуёнлар тўдасини бирданига кириб кетишига сабаб бўлади. Чечак касали билан қуёнлар ҳамма ёшида ҳам касаллана берадилар. Касаллик манбаи бемор қуёндр. Касалликнинг инкубацион даври (юзага чиқиш даври) 2 кундан 20 кунгачадир.

Қуён касалланганда конъюнктивит, кератит, сўлак оқиши, ринит, лимфатик тугунчаларнинг шишиши каби ҳоллар кузатилади. Қуённинг тана ҳарорати кўтарилади, нафас олиш сони минутига 150 мартага, томир уриши эса 250-300 тага етади.

Касал қуённинг терисида, асосан қулоғида, боши, қорнида, оғиз ва бурун бўшлиғида унча катта бўлмаган каттик бўртмалар ҳосил бўлади. Кейинчалик улар ярага айланади. Сўнгра яранинг юзаси қуриб тушиб кетади. Лимфатик тугунчаларнинг шишиб кетганини қўл билан ушлаб кўриб сезиш мумкин.

Чечак касали тез а оғир ўтганлиги сабабли даволаш ишлари ҳар дном яхши натижа беравермайди. Шунинг учун бу касаллик учраган

вакtdа асосий иш куёнларни умумий профилактика қилишга қаратилиши керак. Касал куёнлар алоҳида сакланиши лозим. Соғломлари эмланиши, касаллик аниқланган хўжаликда эса карантин ҳолати жорий қилинади.

#### Пастереллез.

Касалликни пастерелла гуруҳига мансуб бўлган бактерия ҳосил қилади. Бу касаллик юкумли ҳисобланади.

Касаллик маъбаи бемор куёндин. Баъзан, бу касалликни хонаки товуклар ва ёввойи паррандалар ҳам тарқатиши мумкин. Пастерелла бактерияси куёнларнинг юқори нафас йўлида сапрофитлик билан ҳаёт кечиради. Бирор сабабга кўра куёнда касалликка қарши иммунитет пасайиб кетса, касаллик ривожланади.

Пастереллез касали кишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида кенг тарқалган. У икки хил формада: ўткир ва сурункали формада кечади.

Бунда ҳайвон бўшаши, нафас олиши юзаки бўлиб, анча қийинлашади. Нафас йўлидан йиринг аралаш суюқлик оқади. Баъзан, куёни ичи кетиши ҳам мумкин. Тана ҳарорати кам ҳолларда кўтарилади. Яхши озикланмайди, баъзан бутунлай овқат емай қўйиши ҳам мумкин. Бир неча ҳафтадан кейин, куён кам қонликдан озиб кетади. Организмнинг умумий заҳарланиши туфайли ўлим содир бўлади.

Баъзи ҳолларда касаллик белгилари юқоридагилардан бошқача рўй бериши мумкин. Бунда куённинг пастерелла билан заҳарланган ерида у кўпайиб, бириктирувчи тўқимани яллиғлантиради, бу ерда лейкоцитлар тўпланади ва шиш ҳосил бўлади. 1-3 ойдан кейин шиш ёрилади. Ундан каймоқ ранггидаги йиринг ажралади. Куёни ҳарорати бир оз кўтарилади, умумий ҳолати эса унча ёмон бўлмайди ва иштаҳаси камаймайди. Яраси аста-секин тузалиб кетади, ҳайвон ўлмади волиши ҳам мумкин.

Касал куёнларни даволашда сульфаниламид препаратидан норсульфазол, сульфадемизиннинг 0,2-0,3 г дан ҳар бошга 3-4 кун давомида бериб турилади. Бу дорилардан ёш куёнларга 0,1-0,2 г микдорида бериб турилади. Мускул орасига тетрациклин ва биомицин укол қилиш ҳам яхши натижа беради. Антибиотикларни куёнларга уларнинг ҳар бир килограмм массасига 20-25 минг единицадан 3-4 кун давомида бир мартадан укол қилиш яхши самара беради.

Касаллик сурункали ҳолда кечганида пастереллезни даволаш қуйидагича амалга оширилади: 3 кун сульфаниламид препаратидан, сўнгра 3 кун антибиотикдан куённинг мускули орасига юборилади. Касаллик тuzалмаса, юқоридаги схема бўйича даволаш курси тақрорланади.

#### Паратиф.

Паратиф юкумли касаллик бўлиб, уни шартли патоген коли паратиф гуруҳига мансуб микроб ҳосил қилади.

Бу касаллик даврида куённинг маъда, ичак системаси касалланади. Касаллик, айниқса ёз ва куз ойларида кўпроқ учрайди. Ҳамма ёшдаги, турли зотга мансуб куёнлар паратиф билан касалланиши мумкин.

Паратиф билан касалланган куёнларда қуйидаги характерли белгилар кузатилади: куён кам ҳаракат бўлиб қолади, озик емайди. Энг муҳими ичи кетади. Касаллик ўткир формада кечганида куён 3-4 кунда ҳалок бўлади. Баъзан касаллик 2-3 ҳафта давом этиши мумкин, лекин барибир ўлим билан тугайди. Бўғоз куёнлар касалланганда бола ташлайди.

Паратиф билан касалланган куёнларни даволашда фуразолидондан ҳар бир бош куёнга 30-40 мг ҳисобида 4 кун давомида озикка қўшиб берилади. Тетрациклин ёш куёнчаларга 80-100 мг дан, қатталарига 200-300 мг дан ҳар куни 3 марта куённинг қон томирига юборилади. Сульфаниламид препаратларидан сульфидин, сульфадемизин каби дорилар ҳам ишлатилиши мумкин, улар ёш куёнчаларга 0,1-0,2 г дан, қатталарига 0,4-0,5 г дан озикка қўшиб берилади. Шунингдек куёнлар ичадиган сувга бир неча дона калий перманганат кристалларидан қўшиб бериш мумкин (сув бир оз пушти рангга кирса бўлади).

Касал ҳайвонларнинг озиғи ҳам яхшиланади, ёзда янги ўрилган сифтли ўтлардан берилади. Қиш фаслида эса сабзи, ошқовок, пичан, лавлаги берилади. Касал ҳайвонни тўдадан ажратилиб, фермада профилактика чоралари амалга оширилади, катаклар дезинфекция қилинади.

#### Сил.

Бу ҳам юкумли касалликдир. Куён кўпинча қорамол силнинг микроби билан зарарланади. Касаллик анбаи касал ҳайвон, унга ишлатиладиган асбоб-ускуналар, ҳаво, сув, тупроқ ва кўк озик қабилардир. Касаллик микроблари касал ҳайвондан ахлати, сийдиғи, сўлағи ва сути орқали ажралиб чиқади.

Силнинг қуйидаги аломатлари бор: касаллик ўпка ёки ичак формасида юз бериши мумкин. Белгилари яққол кўринмайди. Куён ўпкаси зарарланганда йўталади, нафас олиши юзаки ва тез-тез бўлади, иштаҳаси камаяди, озиб кетади ва олди олинмаса 2-3 ойдан кейин нобуд бўлади.

Куён ичак сили билан оғриганда ичи бузилади ва озиб кетади. Касалликни даволаш мақсадида стрептомицин ва бошқа антибиотиклар қўлланилиши унинг енгил ўтишига сабаб бўлади. бироқ улар микробларни ўлдирмайди. Шунинг учун касал ҳайвонни узоқ сақламай, сўйиб юборилгани маъқул.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидаги профилактик чоралар амалга оширилиши керак:

1. Куён фермаларини корамол ва паррандачилик фермаларидан узокка куриш.

2. Ҳар бир бош куённи вақти-вақти билан силга қарши текширувдан ўтказиш.

3. Касал ҳайвонни подадан ажратиш.

4. Касаллик манбаини аниқлаб, тугатиш.

5. Куён катакларини яхшилаб тозалаш ва асбоб-ускуналарни дезинфекция қилиш.

Дезинфекцияловчи модда сифатида 2% ли хлорамин, 5 % ли креолин, 3 % ли карбол кислота билан 3% ли ишқор эритмасининг аралашмаси ёки 20% ли сўндирилган оҳак эритмаси ишлатилади.

#### Лишай.

Бу юқумли замбуруғ касаллигидир. Касаллик ҳайвонлар ва одамларда ҳам учрайди. Касалликни тарқалишида касал (лишай билан оғриган) ҳайвон, зарарланган озик, асбоб-ускуналар ва жой қабилар манба бўлиши мумкин. Касалликнинг юзланиш муддати 7-30 кун. Замбуруғ куён терисига тушиб, юнг халтасига кириб кўпаяди. Юнг илдизи замбуруғ споралари билан ўралади ва улар юнгни ичига ҳам кириб боради.

Куён ва мўйнали ҳайвонлар касалликларига қарши вакциналар									
Вакциналар номлари	Агрофир-маларда		Мик-дори	Юбориш усули	Юбориш сони	Юбориш оралиғи	Иммунитет бошланиш муддати	Иммунитетни сақлашни муддати	
	+	-						9	12
Куёнларнинг миксоматозига қарши В-82 штаммдан тайёрланган курук культурал вакцина	+	+	1,0	М-о	1	-	9	9	12
Қорақўзнинг вирусли энтеритга қарши культурал вакцина	+	+	1,0	М-о	1	-	14	12	12
Мўйнали ҳайвонларнинг колибактериоз ва сальмонеллез касалликларига қарши поливалент вакцина	+	+	3,0-5,0	Т-о	2	8-10	10-12	6	18
Қорақўзнинг туберкулёзига қарши БЦЖ вакцина	+	+	0,02	Т-о	1				

Қорақўзнинг пастереллезига қарши эмулсион вакцина	+	-	0,5	М-о	1	-	10-15	6	12
Қорақўзнинг пастереллез ва ботулизм касалликларига қарши ассоцияланган вакцина	+	+	1,5	М-о	1	-	14	4-12	12
Куёнларнинг пастереллезига қарши экстракт формал вакцина	+	+	1-3	Т-о	2	7	5-10	15	11
Қорақўзнинг ботулизмга қарши вакцина	-	+		М-о	1	-	14-21	12	18
Қорақўзнинг псевдомонозига қарши вакцина	+	+	3,0	М-о	1	-	6	12	12

Ана шу жойда яллиғланиш аломатлари кўрилади ва терида пуфакчалар ҳосил бўлиб, ёрилади. Ўрнида кулранг-ок пўстлок ҳосил бўлади. бу касаллик аломатлари куённинг боши, оёқ ва бўйинларида кўринади. Касалликнинг дастлабки даврида ҳайвоннинг умумий ҳолати яхши кўринсада, аммо касаллик чўзилиб кетса, куён озиб кетади. Касалликни даволаш учун қуйидаги дорилар ишлатилади. Касалланган теридаги пўст олиб ташланиб, йоднинг 10% ли эритмаси ёки салицил кислотанинг спиртдаги эритмаси суркалади.

Шунингдек, мис купоросининг 5% ли эритмасининг лизолдаги эритмаси ёки юглоннинг ёғли эмульсиясини ишлатиш мумкин.

#### Фасциолёз

Касаллик юққан куёнларнинг асосан жигари зарарланади. Касалликнинг сабабчиси-ясси чувалчанлар гуруҳига мансуб бўлган жигар куртидир. Жигар куртининг узунлиги 2-3 см, эни 1-1,5 см бўлиб, барг шаклига ўхшаб кетади.

Боткокликда ва сув бўйларида ўсадиган ўсимликлар жигар куртининг личинкаси билан зарарланган бўлиши мумкин. Куён организмга хашак билан кирган личинка унда қон билан айланиб, жигарга боради. Шунингдек, уларни ўт йўлларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Касаллик белгилари ҳайвон ҳолатининг ёмонлашувида ва иштаҳаси йўқолишида кўринади. Куён жигари ташқаридан ушлаб кўрилса, унинг катталашганини пайқаш мумкин. Касалликнинг организмда кечиши, ҳайвоннинг қай даражада зарарланганлигига боғлиқ.

Куёнлар жигар курти касали билан огриганда углерод тўрт хлорид препаратидан 0,3-0,4 мл дан куённи хар бир килограмига ҳисоблаб берилади (хашак, ем билан), касалликнинг олдини олиш мақсадида эса куёнларга боткок суви ва туриб колган сувларнинг бўйида ўсган кўк озикларни бермалик керак.

Касалланган куён сўйилса, гўштини яхшилаб қайнатиб, кейин ишлатилиши керак. Зарарланган органлари (жигар, ичак) куйдирилади. Терисини давлатга топшириш мумкин.

#### Кўтир.

Бу юқумли тери касаллиги бўлиб, касаллик юкканда куённи териси кучли кичишади. Касалликнинг кўзгатувчиси – кўтир каналардир.

Кўтир каналари жуда майда (0,2-0,3 мм) бўлади. эркак кўтир канаси урғочисидан кичикроқ бўлиб, камрок учрайди.

Бу касаллик баъзан ёппасига таркалиб кетиши мумкин. Агар касаллик ўз вақтида аникланиб даволанмаса, куёнчиликка катта зарар келтириши мумкин. Бунда куён терисининг сифати бузилади, куёнчаларнинг ўсиши ва ривожланиши секинлашади, турли касалликларга берилувчан бўлиб қолади.

Касалланган куёнларнинг териси умуман шишади, у майда-майда шишлар билан қопланиб, шишнинг ичида суюқлик ташқарига чиқади, ўрнида эса пўстлок ҳосил бўлади. зарарланган жой кичишиб, уни куён қон чиккунга қадар қашийди. Ҳайвоннинг бнги эса тушиб кетади.

Куённинг касаллигини аниклаш учун зарарланган жойдан қиринди олинади, қора қоғозга ёки иккита соат ойнасининг орасига олиб, 25-30° С гача киздирилади. Бу вақтда кўтир канаси ҳаракатга келади. Уни микроскоп остида кўриш жуда қулайдир.

Касал куёнларни даволаш учун, улар тўдадан ажратилади ва унга креолиннинг 10% ли эмульсияси ёки лизолин кунгабоқар ёғидаги эритмаси суркалади. Кўтирни даволашда айниқса 2% ли юглол малҳами яхши натижа беради.

Агар юқоридаги дорилар топилмаса, уни куён боқувчининг ўзи тайёрлаши мумкин. Бунинг учун 6 қисм олтингурут, 8 қисм атир совун, 1 қисм калий карбонат ва 10 қисм вазелинни аралаштирилади ва уни ҳайвоннинг касалланган жойига суркалади.

Куён боқишда уларнинг касалланмаслиги учун куйидаги профилактик тадбирларга амал қилиш керак:

1. Куёнларни давлат наслчилик хўжалиқларидан, агар бунинг иложи бўлмаса, касаллик бўлмаган куён фермаларидан сотиб олиш. Бунда, албатта, ветеринария шифокориданг руҳсат олиш.

2. Бошқа хўжалиқдан сотиб олинган куёнларни бир ой давомида карантин қилиниши керак. Бу даврда куёнлар соғлиги, иштаҳаси ва умуман физиологик ҳолати кузатилади.

3. Ташқаридан келтирилган инвентарлар, идишлар, асбоб-ускуналар ва гўнг ташишга мўлжалланган аравачалар фойдаланишдан олдин яхшилаб зарарсизлантириш.

4. Бошқа хўжалиқдан келтирилган ем-хашакни 10-15 кун давомида бир-иккита куёнга оз-оздан едириб кўриш, агар куёнларда касаллик аломатлари сезилмаса, у ҳолда барча куёнларга бериш.

5. Кемирувчиларнинг турли хил касалликлар тарқатишда асосий воситачи эканлигини назарда тутиб, куёнхонада уларга қарши курашиш.

6. Ҳар куни эрталаб куёнларни озиклантиришдан олдин, уларни кўздан кечириш, касал куён бўлса ёки у касалликда гумон қилинса, уни асосий тўдадан ажратиб, изоляторга жойлаштириш.

#### Касалликнинг олдини олиш усуллари.

Куёнлар катагининг пол панжарасини тўрдан тайёрлаш, остидаги яхлит полни суткада 2 мартабадан кам бўлмаган тарзда гўнгдан тозалаб туриш лозим. Таги ва сувдонлар доимо тоза тутилиши керак. Парвариш асбоблари ва катаклар пайвандлаш лампасининг олови билан бир сидирга киздириб чиқилиши лозим.

Аксарият юқумли касалликларнинг олдини олувчи восита - карантиндир. Бунинг учун сотишга ажратиб қўйилган ёки куён бош сонини кўпайтириш ниятида харид қилинган куёнларни бир неча кун карантинда боқиш керак. Янги куёнларнинг эҳтимолий касалликларини аниклаш мақсадида куёнбоқар ихтиёрида бир нечта алоҳида катаклар бўлиши лозим. Ушбу катаклар сони куёнлар сонига боғлиқ.

**Конъюнктивит** - кўз касаллиги. Кўзнинг механик жароҳатланиши, унга чанг ёки бошқа ёт жисм сингиши, кимёвий моддалар таъсири ва куён емида А витамини етишмаслиги оқибатида вужудга келади.



61 расм

Конъюнктивит шакллари кўздаги шиллик пардалар йиринглаши ёки яллиғланиши кўринишида кузатилади. Биринчи шаклда кўзлар кучли кизариб, кўп микдорда ажралаётган йиринг қовокларни очирмай ёпиштириб кўяди. Иккинчи шаклда куён кўзидаги шиллик пардаларнинг кизариши, шишиши ва ёшланиши кўзга ташланади.

**Даволаш усуллари.** Кўздаги шиллик пардалар яллиғланиши кўринишидаги конъюнктивитни даволаш учун куён кўзи 2% ли борат кислотаси билан ювилиб, унга 2-3 томчи рух эритмаси томчилари томизилади.

Конъюнктивитнинг йирингли кўринишидаги шаклини даволаш учун эса куён кўзи 2% ли борат кислотаси билан ювилади. Қовокнинг шиллик пардаларига (қовоклар остига) 2-3% ли эритромицин суртилади. Шохпарда (муғузпарда) яраланган ва хиралашганда каломел эритромицин суртилади.

#### **Нафас олиш аъзоларининг касалланиши.**

Куёнхонадаги ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариб туриши, елвизак, аммиак молдаси, чанг, тугун ва момикнинг ошиб кетиши кабилар оқибатида вужудга келади. Ушбу касалликлар жумласига ринит (тумов), бронхит, плеврит (зотилжам) ва ўпканинг катарал (пардаларнинг) яллиғланиши киради.



**Даволаш усуллари.** Биринчидан касалликнинг вужудга келиш сабабларини бартараф этиш. Иккинчидан ринитга чалинган куён бурнига бир кунда 1-2 маротаба 1% ли фурацилин эритмасини, таркибида 15-20 минг бирликка эга пенициллин эритмаси билан аралаштириб 5-6 томчи томизилади; бронхитга чалинган ва ўпкаси катарал (пардалари)

яллиғланган куённинг мушаклари орасига ҳар 4 соатда куённинг ҳар 1 кг вазнига 20 минг бирликка эга пенициллин эритмаси юборилади. Шунингдек, ем билан биргаликда куённинг ҳар 1 кг тирик вазнига эритромицин тилозин берилади.

**Касалликнинг олдини олиш усуллари.** Куёнлар катагини ўз вақтида совук ўтмайдиган қилиб иситиш, елвизакка барҳам бериш, емини яхшилаш.

#### **Пододерматит**

Панжалар ёстикчасида яра ва тешиқлар пайдо бўлиши билан кузатиладиган катта куёнлар орасида тараккий этган касаллик.

Ушбу касалликка тирик вазни оғир ва панжаларидаги момиклари ёмон ривожланган куёнлар кўп таъсирчандир. Куёнхона ва катакларнинг антисанитар ҳолати, ортикча намлик ва ҳаво ҳароратининг ҳаддан ташқари юқори бўлиши касаллик тараккийетига омил бўлади.

Касалликнинг илк босқичида жадал шўралаш оқибатида оёқ тагининг дарз кетиши, гурра ва ўсимталар пайдо бўлиши, панжалардан тез-тез қонли сарик сув чиқиши ёки кучсиз қон кетиши кузатилади. Кейинчалик йирингли яра ва тешиқлар ҳосил бўлади. Жониворлар эзилиб, иштаҳаси йўқолади, гоҳ у гоҳ бу оёғида туришади, оёқларини чўзиб кўп ётади, озиб-тўзиб, аксарият ҳолларда нобуд бўлади.

**Даволаш усуллари.** Ҳар қуни жароҳатларга левамикол суртилади. Яралардаги қуриган тери ва ўлик тўқималар механик усулда олинади, 1-2% ли йод билан ишлов берилади. Қон оқиши тўхтатилгач жароҳатга окситетрациклин (окситетрациклин дигидрат), тетрациклин кукуни (порошоги) сепилади ёки Вишневский (мазь) сурмаси суртилади. Ишлов берилган жойларни маҳкамловчи боғлама билан боғлаган маъқул.

Агар касалга чалинган куён киймати юқори бўлмаса уни сўйиш, терисини шилиб олиб, гўштини кўмиб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

**Касалликнинг олдини олиш чоралари:** касалга чалинган ёки ушбу касаллик билан касалланишга мойил бўлган (панжалардаги момиклари ёмон ривожланган) куёнларни яроқсиз куёнлар гуруҳига ажратиб қўйиш; катакларни тоза тутиш;

катакдаги тўрдан қилинган полга 35x25 см ли ёғоч пол ётқизиш;

катакларни янги сўндирилган оҳак билан оқлаш.

**Раҳит.** Ёш куёнларда D авитаминоз, шунингдек, организмдаги кальций ва фосфорнинг танқислиги ёки ушбу моддаларнинг ўзаро мутаносиблиги бузилиши оқибатида вужудга келади.

**Касалликнинг олдини олиш чоралари.** Хомиладор ва бола эмиздираётган урғочилар емига D витамини билан бойитилган моддалар, мисол учун 1 чой қошиқдан балиқ мойи ва 2-3 гр гўшт-суяк ва суяк уни

кўшиб берилади. Шунингдек ёш куёнчаларни ультрабинафша нурлар билан нурлантириш тавсия этилади.

**Ошқозон-ичак касалликлари:** Нордон катар касаллиги. Ифлос, сифати ёмон ва тез ачидиган ем берилиши оқибатида келиб чиқадиган касаллик. Бундай дардга йўлиққан куёнлар ем ейишдан бош тортиб, кўп шилимшикли ва газ пуфакчали долчин-кул ранг нажас чиқаради. Айрим овкат хазм қилиш (сингдириш) йўллариининг шишиб кетиши кузатилади.

#### **Ишқорли катар касаллиги (нордон катар).**

Ёш куёнчаларни ширадор озукалар билан кўп микдорда бокиш оқибатида юзага келадиган касаллик. Касалга чалинган жонивор иштахаси йўқолиб, ем ейишдан бош тортади. Овкат хазм қилиш (сингдириш) йўллариининг суюқ, тук жигар ранг, чиринди хиди анқийдиган нажас чиқади. Бундай касалга чалинган куёнчалар 1-2 ҳафта ичида нобуд бўлади.

**Шамоллаш катар.** Куён организмнинг хаддан ташқари совук қотиши оқибатида юзага келади. Жониворлар бошқа катар касалликлар сингари эзилган кўриниб, ем ейишдан бош тортади. Дефекация тезлашади ёки тез-тез кучанади. Нажас суюқлашиб, жигар ранг-сарик тус олади. Ушбу аломатлар билан тумов касали, тез-тез акса уриб турншлар ҳам кузатилади.

Ёш куёнчалар бу касалликка чалинишлари билан соғлом жониворлар орасидан 12-24 соат ичида ажратиб олинishi керак. Дағал, ширадор ва сифатсиз ем берилмайди. Ем меъёри 1,5-2 баробар камайтирилади. 4-5 кундан эътиборан куёнларга осон хазм бўладиган ем, юкори сифатли пичан, майдаланган дон, сули (ковурилган холда) берилади.

#### **Даволаш усуллари.**

**Нордон катар** касаллиги аломати кузатилаётган куёнларга 1 кунда 2 маротаба 0,1 гр синтомицин ва 7-10 мл сут зардоби берилади. Ошқозони ёки ичаклари шишган пайтда 5-8 мл 10% ли ихтиол эритмаси ёки 3-5 мл 5% ли сут кислотаси берилади. Даволаш муолажасидан сўнг жониворларга куёнхонада эркин югуриш учун шароит яратилади. Ичбуруғ аломати мавжуд куёнларга 1 кунда 1-2 маротаба 0,2-0,3 гр дан биовит берилади. Эман (болут) пустлогининг кайнатмаси билан ҳам даволашнинг яхши натижасига эришиш мумкин.

Ишқорли катарга чалинган куёнларга 1 кунда 2 маротаба 1-2 чой қошиқ калий перманганат (тук бинафша рангли кристалл модда) эритмаси (1:5000) берилиб, 1-2 соатдан сўнг 0,2-0,3 гр дан сульфатим юборилади.

**Шамоллаш катарига** чалинган куёнчалар иссиқ хонага олиб ўтилади ёки катаклар иситилиб, елвизак йўллари ёпилади. Бир кунда 2 маротаба 0,1-0,5 гр дан биомидин (хлортетрациклин гидрохлорид) тайинланади. Ич котганда карловар тузи (ёш куёнчаларга 3-4 гр дан, катта куёнларга эса 5-6

гр дан) ёки кастор мойи (1-1,5 чой қошиқдан) яхши ёрдам беради. Хона ҳароратидаги совунли сув билан хукна (клизма) қилиш ҳам яхши натижа беради.

Метеоризми (ичакларнинг шишиб кетишини) ўт-ўлан аралашмаларининг (мойчечак, шувоқ, (ёвшан), себарга (уч барг) гуллари, боткок гнафалиуми) кайнатмаси билан самарали даволаш мумкин.

Куёнчалар дефикациядан 7-13 соат ўтганидан сўнг овкатлантирилади. Ем оз микдорда одатдаги меъёрга аста секин яқинлаштирилиб берилади.

**Касалликнинг олдини олиш чоралари.** Авваламбор сифатли ем бериш. Тагини ва сувдонларни доимо тоза тутилиши, ачиган ва моғор босган ем колдикларисиз бўлиши лозим.

Овкат хазм қилиш йўллари фаолиятининг бузилишини олдини олиш учун 5-7 кун давомида емнинг бир турини иккинчисига аста-секин алмаштириб бориш лозим. Айниқса кўк майса, лавлаги, карам кабиларни озука рационига киритиш амаллари эҳтиёткорона бажарилиши зарур. Онасидан эндигина ажратиб олинган куёнчаларга энгил хазм бўладиган ем бериш керак бўлиб, ушбу жараёни яхшилаш мақсадида ажратиб олинган кундан эътиборан 20-40 кун давомида (ошқозон шираси фаолиятининг энг султ даври) емга ацидофилин дармон дориси кўшиб берилади.

**Ичак-чавок тўлиб қолиши.** Бундай ҳолат куёнлар сувсиз колганда юзага келиши мумкин. Бунда куённинг нажаси келмай қолади, корин бўшлиги пайпасланганида эса нажаснинг зичлашиб колгани сезилади.

**Даволаш усули.** Ёш куёнчаларга 3-4 гр дан, катта куёнларга 5-6 гр дан Глаубер тузи (натрий сульфат) ёки Магний сульфат тузи сув эритмаси кўрнишида берилади. Кастор мойининг 1-1,5 чой қошиғида берилиши ҳам яхши самара беради. Шунингдек сули кайнатмаси ичирилиб, куён корнига буғланувчан линимент суркалади, илик бироз совунли сув билан хукна (клизма) қилинади. Шундан сўнг фаол ҳаракатланиши учун кўйиб юборилади.

**Шикастлар.** Бундай жароҳатлар жумласига тимдаланиш, шилиниш, лат ейиш ва суюк синишлари, орка миянинг тананинг орка қисми фалаж бўлишига олиб келадиган даражада (нотуғри сакраш ёки куён белига зарб бериш натижасида) шикастланишлари киради.

**Даволаш усули.** Тимдаланган ёки шилинган жойларни тозалаб йод суртиш, йирик яраларни эса тикиш лозим. Синган суюги кўкрак ёки корин бўшлиғига кириб кетган, шунингдек, фалаж бўлишга олиб келадиган даражада жароҳатланган куёнларни даволаш бефойда.

Куёнчилик фермаларида ўтказиладиган ветеринария тадбирлари режаси

№	Ўтказиладиган тадбирлар	муддати	Бажарилиши керак
1	Клиник текшириш ва ринит, абצע, мастет, поддермагит, тимпания, метеоризм ва бошқа касалликка чалинган куёнлар сўйилади.	Ҳар куни	
2	Лабораторияда озикалар сифатини текшириш	Ҳар душанба	
3	Кокседииоз, пастереллез юкумли ринит касалликларини олдини олиш учун	Ҳар ойда	Схема асосида 10 кун ичида дорилар
4	Ошқозон ичак касалликларини олдини олиш	Ҳар ойда	1 гр марганцовка 2 л сувга аралаштириб ичирилади.
5	Куён фермаларини аэрозол усули билан дезинфекция қилиш	Ҳар ойда, кун ара	2 гр скипидардан 20 гр хлорли оҳак 1 м <sup>3</sup> сепилиб бир соат беркитилади.
6	Нафас йўллари антибиотик ва исirik тутутиш билан тозалаш	Вазиятдан келиб чикиб	Она куёнлар ва наслга қолган куёнларни
7	Қафас, инвентар бино ичи гўнг чуқурларини дезинфекция қилиш	Ҳар ойда бир марта	2% каустик сода билан
8	Тери касалликларини олдини олиш мақсади	Ҳар ҳафтада	1% кереолин, эритмаси вазелин, пахта ёғи писта ёғи, Ал 20 гр
9	Куёнларни чумилтириш	Ёз ойлари, 2-3 марта	0.5% лик фаол керолин эритмаси билан
10	Куёнхона, омборлар ва ёрдамчи биноларни дератизация қилиш	Бир йилда 2 марта	Бактокумарин, зоокумарин, монофталин.
11	Касалликка қарши вакцина қилиш	Ҳар куни	Рабивик
12	Тозалик куни	Бир йилда 1 марта	Ҳар бир хона қафас ва анжомлар дезинфекция йўли билан
13	Тозалик куни бутун хўжалик учун	Бир йилда 1 марта 10 кун	Хоналар куёндан холи қилиниб, Механик, оловли ишқорлар ва бошқалар билан 25% фармальдегид билан ишлаб берилиб 1 сутка турилади.

Куёнлар билан муомала қилиш

Кўпинча хаваскор куёнбоқарлар куёнлар билан қандай муомала қилиш керак, яъни уларни қандай ушлаш, қандай кўтариш керак деган саволларни беришади. Ҳозир суратлар ёрдамида сизга куёнларни қандай ушлаш, кўтариш, дорилар бериш керак-лигини кўрсатиб берамиз. Биринчи галда шуни эслаб қолингиз керак - куён жуда нозик жонивор, унга озгина ҳаракат билан ҳам зарар етказиб қўйиш, танасини қондалаштириб ёки бирор жойини синдириб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Айниқса, бўғоз она куёнлар билан муомала қилганда жуда эҳтиёткор бўлишингиз керак, уларни кўрқитиш, сикиш, ташлаш асло мумкин эмас. Бу уларнинг бола ташлашига олиб келиши мумкин! Барча ишларни тинч шароитда, тезкорлик билан, лекин оҳиста, бақирмасдан ва албатта куённи урмасдан амалга ошириш керак. Шу билан бирга ўзингизнинг хавфсизлигингиз чораларини ҳам таъминлаб қўйишингиз керак, тажрибангиз камрок бўлса қўлингиз-га иш қўлқопларини кийиб олишингиз керак, бу сизни куённинг тирнаши ёки тишлашидан ҳимоя қилади. Эслаб қолинг ҳеч қачон куённи қулоғидан кўтарманг! Бу куён учун хавфли ва унга жуда оғриқлидир. Куённи қафасдан чиқариб олиш учун, эҳтиёткорлик билан уни қулоғидан ва шу қўлимиз билан елкасидаги терисидан қўшиб ушлаб оламиз, иккинчи қўлимиз билан эса белидаги терисидан ушлаймиз. Ушлаганда ҳам ишонч билан, кўркмасдан, маҳкам ушлаш керак.




Куённи шу усулда ушлаб олиб, уни аста-секин озгина баландликка кўтариб кўра-миз, куённи маҳкам ушлаб олганимизга, уни сирғалиб,


типирчилаб тушиб кетмас-лигига ишонч хосил қилганимиздан кейин, жойдан-жойга олиб боришимиз мумкин.



Бу усул билан фақат 4 кг вазнча бўлган қуёнларни кўтариш мумкин, агарда қуёнин-гиз оғирроқ бўлса ёки бўғоз она қуён бўлса, у ҳолда қуёнини қулоғи ва елкасидаги терисидан ушлаганингиздан кейин, иккинчи қўлингиз билан уни орқа тарафидан, пастдан кўтариб олишингиз керак. Бу ҳолатда исталаган қуёнини, фақат қафасдан қафасга эмас, балки анча узоқ масофаларга ҳам кўтариб олиб бориш мумкин.




Агарда қафасдан кичикроқ қуёнчани чиқариб оломқчи бўлсангиз, у ҳолда уни фақатгина қулоғи ва елкасидаги териси-дан яхшилаб ушлаб олишингиз етар-лидир.




Куённинг жинсини аниқлаш учун, ёки бўлмаса фақатгина қорин қисмини кўздан кечириш учун, куённи ўзимизга бел тарафи билан ушлаб олишимиз керак. Бунинг учун бир қўлимиз билан елкасидан, иккинчи қўлимиз билан эса бир оёғидан ушлаб оламиз ва агар жинсини аниқламоқчи бўлсак бош бармоғимиз билан жинсий аъзосидаги терисини тортамыз. Бу ҳолатда эҳтиёт-қор бўлиш керак, юзимизни жуда яқинлаштириб юбормаслигимиз керак, акс ҳолда жиддий жароҳат олишимиз эҳтимоли бор.



Шундай вазиятлар бўладики, куёнга бирор бир муолажа, масалан, кўзига дори томишиш керак бўлади, у ҳолда куённи боши аралаш бўйнидан ушлаб оламиз ва кўзга яқинроқ жойдаги терини бир оз орқага тортамыз. Бу билан биз кўз ковоғини тортамыз ва кўзни ювишга ёки дори томишишга имконият яратамыз.



Агарда дорини куёнга ичириш керак бўлса, у ҳолда куённи қулоғи ва бўйни билан қўшиб ушлаб оламиз, шу қўлимизнинг ўзи билан уни ўзимизга яқинлаштириб сиқиб ушлаб оламиз, қалласини бир оз юқорироқ кўтариб дорилик шприцни қозик тишларининг орқа тарафига, тишлари йўқ жойга киритамыз ва оғизнинг ўртасини мўлжаллаб аста-секин, куён ютиб улгурадиган қилиб, дорини киритамыз.



## Қуёнлар учун фойдаланиладиган озуқаларнинг тўйимлилиги ва улардаги микро ва макро элементлар миқдорлари келтирилган жадваллар

1-илова

Ўзбекистон широнтида кенг қўлланиладиган бўғи озуқаларнинг тўйимлигини (1 кг да)

Озуқалар	Озуқа баъриги	Азотлиқлик инертли						АБЖ					Аммоний широнти	
		Қуёқон	Қуён	Қуён	Қуёқон	Селендийлик инертли	Ш.қ. қуёқондан қилинган инертли	Қуёқонлик инертли	Селендийлик инертли	Қуёқон	Қуён	Қуёқон	Дарман	Микро элемент
Учмас баъриги		ml	ml	ml	kg	g	g	g	g	g	g	g	g	g
Қуёқон (тўқуш)	0,77	8,62	9,24	7,73	900	189	119	29	211	362	30	26	10,6	6,1
Навлар пичани	0,52	7,24	7,39	-	879	81	56	19	300	426	7,5	12	4,6	1,8
Беда пичани	0,42	6,72	6,95	6,23	830	144	101	22	225	330	20	9	7,3	7,5
Қуён буғдой поқони	0,2	4,46	5,12	-	845	37	5	13	364	365	3	-	1,6	0,6
Баҳорги буғдой поқони	0,21	4,91	5,25	3,68	849	45	9	15	351	368	3	-	1,3	1,3
Баҳорги арпа поқони	0,32	5,71	6,15	4,28	830	49	15	19	331	359	2,4	-	1,3	1,6
Баҳорги навлар поқони	0,21	5,33	5,73	-	849	38	9	17	374	372	3,0	-	1,4	2,0
Буғдой тўқони	0,31	4,7	5,0	2,5	840	98	39	26	325	371	10,0	-	1,9	0,9
Арпа тўқони	0,32	4,8	5,3	3,0	827	59	16	24	389	317	4,0	-	1,5	2,4
Мағлабуқорисилоси	0,20	2,50	2,51	2,6	250	25	14	10	75	119	6	5	0,5	0,0
Қуёқонлар ситоси	0,8	2,10	2,07	-	250	23	15	13	83	115	4	-	1,1	0,8
Оқсига ситос	0,24	-	2,82	-	250	23	20	5	39	121	-	-	0,7	1,2
Беда сенани	0,35	4,19	4,05	4,24	450	103	71	17	127	148	19	12	3,7	3,8
Хашаниллағач	0,12	1,65	1,36	1,74	120	13	9	1	9	87	40	3	0,4	0,2
Яроқшавар далағач	0,17	2,15	1,93	1,97	170	16	9	1	11	130	50	4	0,5	0,4
Сабзи	0,14	2,20	1,47	1,74	120	12	8	2	11	87	35	7	0,5	0,4

Озуқалар	Макроэлементлар					Микроэлементлар					Витаминлар				
	Калш	Фос	Маг	Калш	Фос	Маг	Калш	Фос	Маг	Калш	Фос	Маг	Калш	Фос	Маг
Ўтчоқ бирлиги	г	г	г	г	г	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг
Қўчоқдан (тавуқ)	17,3	3,0	2,8	13,6	0,9	0,8	1,7	8,4	2,9	2,7	0,21	0,4	200	160	33,5
Илавлар дони	3,5	1,5	1,5	6,5	0,5	1,6	5,1	4,0	1,5	3,5	0,08	0,21	10	-	-
Бата дони	17	2,2	3,3	15,6	1,5	1,8	16,9	8,2	19,1	26,4	0,2	0,3	49	360	1,34
Қўчоқдан (сочоқ)	3,9	0,8	0,8	3,6	0,3	0,8	3,60	1,9	2,9	4,4	0,31	0,36	4	-	-
Баҳори буғдой соҳоли	3,3	0,9	1,4	6,7	0,6	1,6	4,09	1,1	3,5	5,3	0,5	0,45	5	42	-
Баҳори арпа соҳоли	3,3	0,8	1,1	12,4	0,8	1,6	3,73	3,0	20,2	5,20	0,14	0,36	4	19	-
Баҳори еллик арпа соҳоли	2,6	1,3	0,8	1,1	0,4	1,5	4,16	8,5	1,6	3,7	0,49	0,42	2	43	-
Буғдой (сочоқ)	4,2	2,7	1,9	7,4	0,2	1,2	6,76	3	14	7,9	0,04	0,04	5	12	-
Арпа (сочоқ)	4,8	1,8	0,7	1,3	0,4	1,1	11,5	5,5	20,9	2,35	0,02	0,5	2	19	-
Махкам хура соҳоли	1,4	0,4	0,5	2,9	0,35	0,4	6,10	1,0	5,8	4,0	0,02	0,06	20	50	46
Қўчоқдан (сочоқ)	3,6	1,6	3,9	3	1,9	0,5	26,9	1,5	11,4	40,4	0,10	0,11	1,7	6,5	22
Осмакка савоқ	3,9	0,5	0,5	3,2	0,1	0,1	3,8	1,4	3,6	11	0,01	0,03	42	13,3	8,70
Бата дони	16,9	2,2	3,3	15,6	1,5	1,8	16,9	8,2	19,1	26,4	0,05	0,14	40	165	25,6
Қўчоқдан (сочоқ)	0,4	0,5	0,2	4	1,3	0,2	8,0	1,9	3,3	11,1	0,1	0,66	0,1	-	0,1
Арпа (сочоқ)	0,9	0,4	0,5	2,3	0,5	0,3	1,3	1,1	3,4	9,7	0,02	0,64	0,2	-	0,5
Савоқ	0,9	0,6	0,3	3,1	0,2	0,2	1,9	1,1	2,2	3,1	0,08	0,03	34	-	1,5

Ўзбекистон шартлида кенг қўлланилган баъзи озукларнинг тўғиллигини (1 кг да)

Озуқалар	Ўзук бирлиги	Азотлиқлик каттиги			Қўчоқ молда	Ташиниқлик каттиги	Шу жумладан қўчоқдан қўчоқлик	Ташиниқлик каттиги	Ташиниқлик каттиги	АЭМ			Азотлиқлик каттиги	
		Юмшак	Қўчоқ	Қўчоқ						Қўчоқлик	Қўчоқлик	Қўчоқлик	Қўчоқлик	Қўчоқлик
Ўтчоқ бирлиги		ml	ml	ml	kg	g	g	g	g	g	g	g	g	g
Соя дони	1,45	14,7	14,0	15,1	850	319	281	146	70	265	40	12	21,1	9,6
Сарик махкам хура дони	1,33	12,30	12,80	13,67	850	105	73	42	58	655	40	555	2,1	3,3
Сочоқ дони	1	9,30	9,46	10,78	850	108	79	40	97	573	25	330	3,6	3,2
Хавлар дони	1,15	10,30	11,3	12,32	850	120	91	19	21	672	15	518	4,3	3,5
Арпа дони	1,15	10,5	11,2	12,7	850	113	85	22	49	638	2	485	4,1	3,6
Буғдой кетили	0,75	8,85	9,41	9,28	850	151	97	41	88	526	47	-	5,4	3,9
Пахта қўчоқлик	1,10	11,07	9,82	12,48	900	399	319	74	120	251	79	15	17,2	11,2
Пахта ширин	0,86	10,21	9,53	10,96	900	411	329	13	124	279	65	15	17,7	11,5
Гизо сардани	0,12	1,29	-	1,5	100	48	32	9	7	33	-	-	-	-
Ети олинган сўт	0,13	1,31	-	1,53	90	37	35	1	-	45	-	-	2,9	1,2
Гўшт-сўт уни	1,24	8,63	-	11,5	900	401	341	112	-	52	-	-	62,7	23,7
Қоғозлик	1,24	12,44	-	14,17	900	675	527	25	-	52	-	-	49,7	26,1
Баталик	0,93	11,47	-	13,34	900	621	571	23	-	53	-	-	49,7	26,1
Ети олинган сўт	0,34	2,28	-	2,88	130	35	33	37	-	50	48,5	-	2,8	1,2
Пахталик гурин	0,12	1,13	-	1,74	112	12	6	3	33	57	2,5	-	1,2	-

← (Давом)

Олиғиз	Макроэлементлар						Микроэлементлар						Витаминлар					
	Кальций	Фосфор	Магний	Кальций	Фосфор	Магний	Кальций	Фосфор	Магний	Кальций	Фосфор	Магний	Кальций	Фосфор	Магний	Кальций	Фосфор	Магний
Улчов бирлиги	б	б	б	б	б	б	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг	мг
Соя дони	4,8	7,1	2,9	21,7	3,4	2,6	125	14,2	33	27,3	0,09	0,2	0,2	-	36	6,6	4	-
Сары махжак/юре дони	0,5	5,2	1,4	5,2	1,3	1,0	303	2,9	29,6	3,9	0,06	0,12	6,8	-	22,6	4	4,3	-
Сусун дони	1,5	3,4	1,2	5,4	1,8	1,3	41	4,9	22,5	36,5	0,07	0,1	1,3	-	12,9	7,3	1,9	-
Жаллар дони	0,9	2,8	1,1	4,8	0,1	0,9	63	6,7	20	30,4	0,07	0,09	2	-	15,4	4,1	2,7	-
Арпа дони	2	3,9	1	5	0,8	1,3	50	4,2	35,1	13,5	0,26	0,22	0,2	-	50	3,5	3,1	-
Бугдой қапаги	2	9,6	4,3	10,9	0,9	1,9	170	11,3	81	117	0,1	1,75	2,6	-	29,9	6	15	-
Пахта куужариги	2,8	9,4	5,4	16,5	1,0	4,4	226	14,5	27,2	22,2	0,17	0,43	1	4,5	10,0	9,5	5,4	-
Пахта шоти	4,1	16,1	4,7	9,9	0,5	2,4	254	15,9	42,5	17,7	0,14	0,26	1,0	-	20,0	4,0	5,4	-
Паво бардиси	0,2	0,4	-	0,7	0,1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3,5	-	0,1	0,2
Еги озланган сүт	1,4	1	0,1	1,8	0,6	0,39	0,8	0,9	4,4	0,21	0,07	0,11	-	20	0,6	0,4	1,1	3,6
Гўшт-сүж уяи	143	74	1,8	14	7,30	2,5	50	1,5	85	12,3	0,15	1,31	-	-	1	1,1	-	12,3
Қон уяи	165	45	2,2	4	3,1	2,1	357	7,6	29	6	6,1	1,2	-	-	-	-	-	-
Балқ уяи	66,6	36,2	4,5	16,6	11,1	4,9	113	15,2	106,5	23,7	0,11	2,6	-	75	19,3	0,8	14,7	2,9
Еги озланган сүт	1,3	1,2	0,1	1,4	0,4	0,36	6,0	0,3	3	0,32	0,03	0,06	0,9	12,5	1,2	0,35	0,40	4,5
Лавлаг гуран	1,5	0,14	0,5	0,8	0,15	0,4	24	2	4	12	0,06	0,2	-	-	-	0,64	0,16	-

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. Ташкент 2009, ст. 35-39.
2. Информационное сообщение о 13 – сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан 2 – го созыва. Газета «Народное слово» от 12 декабря, 2003 года.
3. «О дополнительных мерах по обеспечению исполнения законов, направленных на реформирование в сельском хозяйстве выдвинул ответственные задачи перед тружениками сельского хозяйства». Указ Президента Республики Узбекистан от 11 марта, 2004 года. Газета «Народное слово» от 12 марта 2004 года.
4. Титарев Л., Войтов Л. Спутник кролиководы. Кишинев, 1977
5. Вагин Е., Цветкова Р. Кролиководство в личном хозяйстве. – М.: Московский рабочий, 1988
6. Икромов Т. Ўзбекистонда куёнчиликнинг ривожланиши. – Т.: Фан, 1983
7. Кушаков.Ж – Куёнчилик. Тошкент – 1985
8. Кулько.К.С – Разведение кроликов. М. Колос. 1984
9. Манина И.С, Леонтьук С.В. Как разводить кроликов. – М. Колос. 1984
10. Манина И.С, Кроликовод. – М. Колос. 2000 г
11. Манина И.С, А.И.Майоров. – Всё о кроликах – Москва. 1988
12. Сысоев.В.С,Александров.В.Н – Кролиководство. М-1985
13. Тинаев.Н.Н – Продукция кролиководства – М. Колос. 1988
14. Уткин Л.Г – Кролиководство: справочник. М. Колос. 1987
15. Қўшоқов Ш. «Куёнчилик» Тошкент ўқитувчи 1994 й. 14 – 17 б
16. Комилов Ф. Алексеева Г. Р. “Физиологическое показатели кроликов” Тошкент – 1988.
17. Ерин.А.Т, Плотников В.Г “Приусадебное кролиководства и нутриоводство” Минск. Урожай 1990, ст 11-16
18. Икромов.Т.И “Ўзбекистонда куёнчиликни ривожлантириш” Тошкент-Фан 1983. 23-27 б
19. Хамроқулов Р. “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиклантириш” Тошкент – 1998. 76-78 б
20. Адилова А., Холматов А. “Фермер хўжалигида куёнчилик” Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали. № 11. 2010. 136

21. Тинаев Н.И. «Разведение кроликов» Москва-2004. Ст 22-25
22. Житникова Ю. «Подворье кролики» Ростов на-Дону 2004. Ст 5-9
23. Амантурдиев Ф.Б. «Куёнчилик» фанидан амалий машғулот. Тошкент – 2000
24. Долимов Ш.З Томорка хўжалигида куёнчилик Тошкент 2008

## Мундарижа

Кириш.....	3
Куёнларнинг биологик хусусиятлари.....	6
Физиологик хусусиятлари .....	7
Куёнлар меъдасида озуқа ҳазм бўлишининг алоҳида хусусиятлари.....	8
Куёнларнинг экстеръери ва конституцияси.....	12
Куён зотлари .....	17
Гўшт йўналишидаги куён зотлари .....	31
Куёнларни серпуштлиги ва жинсий хусусиятлари .....	34
Куёнларни катакларда саклаш усуллари.....	36
Куёнларни боқиш ва саклаш.....	50
Бир кун давомида ҳар хил озуқа билан боқилганда йиллик эҳтиёжи..	59
Куёнларнинг жинсий хусусиятлари .....	65
Куёнларни урчиштиш календар режаси.....	68
Куёнларни туғишга тайёрлаш ва болалатиш .....	70
Она куёнларни уруғлантириши ва туғдириши йиллик режасини тузиш	72
Куёнчиликда наслчилик ишлари.....	75
Куён гўшти.....	82
Куёнларнинг тери маҳсулдорлиги .....	87
Куёнларнинг тивит маҳсулдорлиги .....	89
Куёнлар гўнгини ишлатиш .....	92
Куёнларда учрайдиган касалликлар .....	93
Куёнлар билан муомила қилиш.....	109
Куёнлар учун фойдаланиладиган озуқаларнинг тўйимлилиги ва улардаги микро ва макро элементлар миқдорлари келтирилган жадваллар ..	115
Фойдаланилган адабётлар.....	119

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

27800с

**У.Ш.Балласов, Ш.Қ.Маматиминов**

**Қуёнчилик**

**БОҚИШ, ПАРВАРИШЛАШ,  
КЎПАЙТИРИШ ва ДАВОЛАШ БЎЙИЧА  
ТАВСИЯЛАР**

**Тошкент-2016**

Босишга рухсат берилди 10.09.2016. Бичими (60x84) 1/16. Шартли босма табаги 7.75.  
Нашриёт босма табаги 7.75. Адади 100 нусха.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг 21-3540 сонли гувоҳномаси асосида  
ТошДАУ Тахририят-нашриёт бўлимининг РИЗОГРАФ аппаратида чоп этилди.



**Балласов Улуғбек Шералиевич** –  
Тошкент давлат аграр университети  
Зоотехния ва ипакчилик факультети  
декани, қишлоқ хўжалиги фанлари  
номзоди, доцент.



**Маматиминов Шокиржон  
Қозоқбоевич** - Тошкент давлат  
аграр университети Зоотехния ва  
ипакчилик факультети “Ветери-  
нария” кафедраси катта ўқитув-  
чиси.

